

# Ал-Ваъй



Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

## Ал-Ваъй сўзи

**Украина аренасидаги халқаро  
кураш... Ўзгармас қоидалар  
ҳамда ўзгарувчан ишлар**

**Фарбнинг экспериментал  
ақидаси ва динни  
ҳаётдан ажратиш**

**Ҳоким (ҳукм чиқарувчи)  
ким? Ким қонун чиқариш  
ҳуқуқига эга? Аллоҳ  
Таоломи ёки инсонми?**

**Диний илмонийлардаги  
тойилиш асослари**  
(Масалан, муртадлик учун  
бериладиган жазо)

**Намунавий  
иқтисод  
низоми (6)  
(Исломий  
иқтисод ни-  
зомининг  
қоидалари)**



436

Ўттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Жумодуллаев 1444  
Декабр 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Чибди сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Украина аренасидаги халқаро кураш... Ўзгармас қоидалар ҳамда ўзгарувчан ишлар .....3
- Ғарбнинг экспериментал ақидаси ва динни ҳаётдан ажратиш .....13
- Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми? .....31
- Намунавий иқтисод низоми (6) .....40
- Диний илмонийлардаги тойилиш асослари .....53
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** .....63
- **Қуръони Карим суҳбатида** .....67
- **Жаннат боғлари:** «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман» .....77
- Саудияда тақиқланган Хэллоуин байрами кутилган воқеага айланди .....84

## УКРАИНА АРЕНАСИДАГИ ХАЛҚАРО КУРАШ... ЎЗГАРМАС ҚОИДАЛАР ҲАМДА ЎЗГАРУВЧАН ИШЛАР

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Воқеа-ҳодисаларни ва ишлар оқимини кузатиб бориш орқали шуни кўриш мумкинки, Украина кризиси минтақавий кризис ҳам, ер ёки бойлик учун бўлган кураш ҳам эмас. Аксинча, у халқаро позицияга тааллуқли халқаро курашдир. Яъни Американинг дунё устидан бўлган гегемонлигига оид ҳамда Россия, Хитой ва Шимолий Корея каби давлатларнинг бу нарсани ўзгартиришга уриниши билан боғлиқ курашдир. Бошқача ибора билан айтганда, бу биринчи навбатда Америка билан бўлган кураш бўлиб, ундан Американи дунё сиёсатига ҳукмронлик қилаётган ва одамларни зўравонлик таёғи билан айни сиёсатга хизмат қилишга мажбуrlаётган давлат сифатидаги халқаро мавқеидан тушириш кўзланган. Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар эса, Америка томонидан шу ишларни олдини олиш учун олдиндан ташланган қадамдир. Яъни Америка Россияни ўз сиёсатига бўйсунишга мажбуrlаш ва уни дунёнинг бошқа давлатлари каби ўзига тиз чўқтириш учун ҳамда уни вужудини вайрон қиладиган урушга тортиш учун Украина кризисини аланг алдириди. Токи, Россия Америкага қарши туриш ҳақида ёки Америкага қарши бошқалар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида ўйламасин. Шунингдек, у Американинг доллар ҳукмронлигидан қутилиш учун сиёсий ёки иқтисодий уринишлар қилмасин ҳамда доллар ҳукмронлигига боғлиқ бошқа ишлар ҳақида фикр юритмасин. Ушбу кризис билан боғлиқ яна бир масалага келсак, бу аслида 1990 йилда Совет Иттифоқи парчаланганидан кейинги энг йирик ва кенг кўламли халқаро воқеа ва Иккинчи жаҳон урушидан ҳозирги кунгача йирик давлатлар ўртасида кечган энг жиддий кризисдир. Яъни халқаро тузум шаклланганидан бошлаб, йирик давлатлар ўзаро глобал тузум шаклида иттифоқ тузганларидан кейинги энг жиддий кризисдир.

Дарҳақиқат, янги халқаро тартиб, биз билганимиздек, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг шаклланиб, йирик давлатлар ўртасидаги маълум ўзгаришларни пайдо қилди ва янги ҳолатлар юзага келди. Халқаро позиция (яъни биринчى давлат ва у билан бўлган рақобат) Иккинчи жаҳон урушидан кейин содир бўлган кўплаб воқеалардан сўнг маълум бир тарзда барқарорлашди. Унда Америка ва Совет Иттифоқи каби далатлар юксалди ҳамда Британия ва Европа давлатларининг таъсири пасайди. Хитой эса, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Бу ҳолат Совет Иттифоқи Америкага тенг ва у билан рақобатлашадиган ёки халқаро вазият ва унинг назорати ва бошқарувини ишлаб чиқишида ҳамкорлик қиласидаги йирик халқаро тузум сифатида парчаланмагунича давом этди. Лекин шу оралиқда баъзида Америка ва Совет Иттифоқи ўртасида бир-бирини тушиниш ва бир-бирини рад этишлар, баъзида Америка ва Британия ўртасида курашлар юз бериб турди. Шундай қилиб, Совет Иттифоқининг қулаши халқаро позициянинг кристаллашганидан кейин ўша кунгача содир бўлган ер юзидағи энг катта воқеа бўлди. Ушбу қулашдан кейин Американинг дунё устидан ҳукмронлиги ва етакчилиги сиёсий ва ҳарбий куч билан кўрина бошлади. Америка 1990 йил Ироқдаги ва 2003 йил Афғонистон ва Ироқдаги кризислар ҳамда булардан бошқа ҳарбий ва сиёсий масалалар ортида турди. Энг муҳими, Америка дунё устидан рақобатсиз иқтисодий ҳукмронликка эришди.

Украинадаги сўнгги кризис масаласи ҳақиқатдан ҳам халқаро вазият билан боғлиқ энг жиддий воқеадир. Чунки ундаги рақобат халқаро позиция борасидаги рақобатдир. Яъни унда Америка билан унинг халқаро мавқеи бўйича, иқтисодий ва сиёсий гегемонлиги борасида рақобатлашиш мавжуд. Гарчи Америка билан қуруқлик ёки ҳарбий базаларда тўғридан тўғри тўқнашув бўлмаса-да, бироқ икки лагер ўртасидаги кураш ҳисобланади. Унда Россия Америкага ҳамда унинг халқаро сиёсатига қарши турган бўлса, иккинчи томондан юқорида айтиб ўтганимиздек, Россия умидларини пучга чиқариш ва ҳаракатларини барбод этиш учун Америка томонидан олдиндан ташланган қадамдир.

Ҳақиқат шундаки, ҳозир воқеалар ривожи ва уларнинг келажақдаги барқарорлиги маълум бир тарзда ҳеч кимга маълум эмас. Чунки содир бўладиган ва кутилмаган ҳодисалар ва ўзгаришларни ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди. Айниқса,

воқеаларнинг бир йўналиши бўлмагани учун иқтисодий масалалар ва ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Яна ҳарбий масалалар ҳам борки, улар кенгайиб, янги масалаларни можаролар майдонига олиб кириши мумкин. Шунингдек, нафақат Россия ичкарисида, ҳатто Америка ичкарисида ҳам содир бўлиши мумкин бўлган муаммо ва фожеилар мавжуд. Ушбу жиддий ва катта кризисдан таъсиrlаниш ва унга таъсир ўтказиш нуқтаи назаридан ҳар қандай иш содир бўлиши мумкин.

Ушбу кризисдаги ўзгармас қоидалар ҳамда ўзгарувчан ишлар ҳақида гапиришдан олдин шуни айтамизки, ҳар қандай сиёсий масалани (яъни ундаги ўзгармас қоидалар ҳамда ўзгарувчан ишларни) тушуниш аввало уларнинг тарихини, муҳитини ҳамда улар ўз ичига оладиган ҳодиса ва воқеаларни тушунишни тақозо этади. Бошқача айтганда, уларнинг ўтмиши ва воқеини, унинг воқеаларида иштирок этаётган давлатларнинг ҳақиқатини тушунишни ҳамда ўша давлатларнинг мабдаи ва ўша мабда орқали нуқтаи назарини тушунишни тақозо этади. Шунингдек, ҳалқаро позиция ва ундаги фаол давлатларни ҳамда нуғузли давлатларга тобе давлатларни тушунишни ҳам тақозо этади. Бундан ташқари, ҳал қилувчи ҳодисалар келиб чиқадиган ва ҳалқлар ҳаёт-мамот чораси сифатида қайрайдиган тақдирий масалаларни билиш ҳамда давлатнинг құдратини, унинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий құвватини, у билан ва унинг атрофида тузилаётган иттифоқларни тушуниш лозим.

Буларнинг барчаси энг муҳим ишлардан бўлиб, дунёдаги ҳар қандай масалага ўзгармас қоидалар ҳамда ўзгарувчан ишлар нуқтаи назаридан қараганда мана шуларга эътибор бериш лозим. Ушбу масалалар катта (ҳалқаро) бўладими, ёки кичкина (минтақавий) бўладими фарқи йўқ. Масалаларни ўз тарихи, ўтмиши, муҳити ва воқелигидан ажратиш жоиз эмас. Чунки бу нарса ҳодисалар ва сиёсий воқеаларни тушунишда тўғри фикрга олиб бормайди. Биз Украина кризисига ушбу хавфли ва нозик ҳалқаро кураш билан боғлиқ ўзгармас қоидалар ҳамда ўзгарувчан ишлар бурчагидан ёндашамиз. Шунинг учун баъзи зарур масалаларга асосий-муҳим нуқталар орқали диққат қаратишимииз керакки, буни кириш қисмида ҳам айтиб ўтдик.

Айни кризис ҳақида гапирганда эътиборга олиниши керак бўлган муҳим нарсалар қўйидагилардир:

Биринчи: ҳеч бўлмагандаги ҳозирги кризис пайтида ўзгармайдиган қоидалар ҳамда улар ўз ичига олган ва улар билан боғлиқ ишлар. Булар ушбу кризис ва халқаро курашдаги асосни ташкил қиласди. Биз буларни жорий ўзгаришлар ва тезлашган ҳодисалар билан боғлиқ ҳамда уларнинг доирасига кирувчи кенг кўламли ўзгармас асослар деб атасимиз ҳам мумкин. Ушбу кенг режа ва муҳим ишлар қўйидагилардир:

1 – Ушбу курашнинг илдизлари ва таъсирлари халқаро бўлиб, улар фақат Украинага хос минтақавий эмас.

2 – Америка бошчилигидаги Farb Россияни муйян сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий муҳитга чеклаш учун ҳаракат қилмоқда. Токи, Россия Американинг халқаро гегемонлигига таъсир қилмасин.

3 – Америка Европани муйян чегара ва сиёсат доирасига чеклаш учун ҳаракат қилмоқда. Токи, у Америкага бўйинсиниша қайсарлик қилмасин ва мустақил сиёсат юргизиб, Хитой хатарига қўшимча иқтисодий хатарга айланмасин.

4 – Россия собиқ поссовет давлатлари билан иттифоқ ва шартномалар тузиш орқали ўзини Совет Иттифоқи меросхўри деб ҳисобламоқда. Шунинг учун мана шу тасаввур ва қарашга қарши бўлган ҳар қандай ички ёки ташқи сиёсат ва ишларга қаршилик қилмоқда.

5 – Америка Россия ва Хитой ўртасида тобора ўсиб бораётган алоқани ўзининг дунё ҳукмронлигига бўлган интилишлари ва қарашлари учун реал хавф деб ҳисобламоқда.

6 – Америка Украинани, Европани ва Тинч океанидаги бошқа давлатларни Россия ва Хитой билан муқаррар қарама-қаршиликка тортмоқда. Айни пайтда Европага нисбатан соxта сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мұаммоларни қўзғаб, уни Россия билан тўқнашишга мажбур қилмоқда.

7 – Европа халқлари ишларни иқтисодий манфаат ва яшаш шароитларига кўра ўлчамоқда. Америкада бўладими ёки Европадами, фарқсиз сиёсий раҳбарлар хиргойи қилаётган ёлғон ва соxта Farb қийматлари, улар учун муҳим эмас. Бунга энг катта далил аксар Европа давлатларида охирги сайловларда экстремал ўнглар кучайганидир. Шунингдек, уруш ва унинг иқтисодий зарарларига қарши намойишлар ўtkазилишидир.

8 – Бутун дунё ғарб сиёсати сабабли иқтисодий кризисда яшамоқда. Украина кризиси эса ушбу иқтисодий кризисни янада кучайтириб, уни чуқурлаштири ва катталаштириди.

9 – Америка олдин Германия ва Совет Иттифоқига нисбатан қилганидек, иқтисодий босимлар орқали, шунингдек, Россия президенти атрофидаги сиёсий тизимга босимларни кучайтириш учун санкциялар киритиш орқали ҳамда ҳалққа нисбатан оммавий босимлар орқали Россияни ўз сиёсатларига бўйсундириб олмоқчи бўляпти.

10 – Россия сиёсатчилари, Дума ва ҳарбий раҳбарлар ғарбнинг Россияга қарши ҳужуми масаласини миллий хавфсизлик масаласи деб ҳисоблашмоқда. Шунингдек, миллий хавфсизликни сақлаш учун барча зарурый чоралар кўрилиши лозим дейишмоқда.

Булар Украина кризисини таҳлил қилиш, хулоса қилиш ва текшириш пайтида эътиборга олиниши керак бўлган энг муҳим ўзгармас қоидалардир. Бу масалалар ҳеч қачон Украина ва унинг атрофидаги воқеалар ва уларнинг кескинлашувидан ажралмайди. Дарҳақиқат, Россия Украина масаласини ўзига ва хавфсизлигига нисбатан таҳдид ҳамда беқарорлик деб ҳисоблади. Шунингдек, Россия шуни кўриб турибдики, ғарб Украинада Россия чегарасида тўхтаб қолмайди, балки бу Россиянинг собиқ Совет Иттифоқи давлатлари ва эҳтимол Россия федерациясидаги республикалар билан имзолаган барча шартномалар ва сиёсий ташкилотларга ҳам таъсир қилиши мумкин... Мақсад, Россия ҳам, Европа Иттифоқи каби давлат бўлиб қолсин ҳамда Америка ва унинг ташқи сиёсатига ҳеч қачон «йўқ», демайдиган, унга қарши чиқмайдиган, қарши чиқиш ў ёқда турсин, ҳатто буни хаёлига ҳам келтирмайдиган давлатта айлансин. Шунинг учун урушни Россия бошлагани йўқ. Кризисни ҳам Россия кучайтиrmади. Буларнинг барчасини Америка амалга оширди. Чунки у Европа давлатларини ушбу кризисда қурол сифатида ишлатди. Европа раҳбарлари орасида оқ айиқ Украинадан кейин Европага ўтишга тайёрланмоқда деган ишончни ўйғотди. Шундай қилиб, Америка Европадаги раъии омни адаштириди, уни алдаб, Россияга қарши ушбу кризисга тортди. Бунинг натижасида Европа Иттифоқи олдида бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Энергия, газ, озиқовқат, қимматчилик, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши,

инфляция, ишсизлик ва бундан бошқа кучайиб бораётган муаммолар шулар жумласидандир.

Айни кризисдаги асосий масала ва муҳим нуқта Американинг Россия дохил бутун дунёга ҳукмронлик қилиш назариясидир. У айни назариясини мустаҳкалаш учун барча имкониятларни ишга солиш устида ишләяпти. Шунингдек, халқаро муҳитни ўзининг айни назариясини ҳимоя қилиш ва унга қарши чиққанларни йўқ қилиш учун тайёрлаяпти. Бу йўлда Америка учун дунёни навбатдаги жаҳон урушига тортишга тӯғри келса ҳам фарқи йўқ. Яна бир муҳим масала шуки, Россия Украинада Америка ва Европага қарши туриш масаласини бошқа масалалар каби эмас, балки миллий хавфсизлик масаласига айлантириди. Шундай экан, у ушбу нозик масала учун барча сиёсий ва ҳарбий чораларни кўришга тайёр. Бу – ушбу кризисга алоқадор ўзгармас қоидалар ёки кенг кўламли асос ва режалар жиҳатидан эди...

Ўзгарувчан ишларга келсак, улар сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий бўлиб, қўйида ушбу кризисларда юзага келган ёки яқин кунларда юзага келиши мумкин бўлган айни ўзгарувчан ишларни келтириб ўтамиш:

1 – Иқтисодий фожиалар. Иқтисодий фожиалар деганда ушбу кризис туфайли пайдо бўладиган ва жаҳон фонд бозори ва унинг тебраниши билан боғлиқ кундалик ўзгаришларни ҳамда келажакда йирик молия муассасаларида юз бериши кутилаётган бузилишларни назарда тутяпмиз. Зотан, амалда юз берган ва айни кризис соҳасига жиддий таъсир қилган ишлар ҳам мавжуд. Буларга Америка ва Европадаги инфляция, Россия рублининг қадрсизланиши, иқтисодий блокада туфайли молиявий ликвидликнинг етишмаслиги ҳамда айрим Европа давлатларида баъзи йирик молия муассасалари ва банкларнинг қулаши мисол бўла олади. Шу боис, иқтисодий ўзгаришлар Украина кризисига ҳамда халқларнинг ўз давлатларига қиладиган босимларига таъсир қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Америка ва Европанинг урушни бошқаришига таъсир қилиб, ҳатто урушни бутунлай тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин.

2 – Содир бўлаётган ҳарбий ўзгаришлар ва улардан келиб чиқаётган сиёсий ишлар биз айтиб ўтган асос ва устунларга таъсир қиласди. Масалан: Россия федерацияси ичкарисидаги кенг миёсли ҳарбий қўзғолоннинг юзага келиши Россиянинг ички ҳолатига,

уруш ва Америкага қарши сиёсий қарор қабул қилишга ва Америка бошчилигидаги ғарб сиёсатларига бўйсунишга таъсир қилиши мумкин. Чунки барқарорлик ва ички жипслик бу кризисдаги ўзгаришлардаги энг муҳими бўлиб, унинг аҳамияти иқтисодий ўзгаришлардан кам эмас. Агар Россиянинг ички жабҳасида бирон бир ўзгариш бўлса, барча нарса бошқа томонга йўналиши мумкин. Ўтган асрнинг тўқсонинчى йилларида Совет Иттифоқи тузумида содир бўлганга ўхшаб, Россия тузумида янги парчаланиш содир бўлиши ҳам мумкин. Ҳозиргача ички сиёсий ва ҳарбий жабҳада ҳамжиҳатлик мавжуд. Аммо келажакда воқеалар қаёққа қараб кетишини билмаймиз.

3 – Хитой, Россия ва Европа давлатларининг Америкага нисбатан тутган позициясидаги ўзгаришлар. Бунда ўзгармас қоидалар мавжуд эса-да, бироқ ўзгариш юз бериши мумкин, масалан, Хитой жасорат кўрсатиб, уруш майдонига кириши ва Россия томонида туриши, ёки Европанинг фикри ўзгариб қолиши каби. Европанинг фикри ўзгариши эса, ички босимлар ва миллатчи ўнг қанот кучларининг сиёсий қарорлар минбарига чиқиб олиши оқибатида бўлади. Бундай ўзгаришлар содир бўлиб, курашда муҳим ўзгаришлар юзага келиши мумкин. Чунки фронт доирасининг Америка томон кенгайиши унга салбий таъсир кўрсатади. Уни қўллаб-қувватловчи мамлакатларнинг камайиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, Америка бу жиддий кризисда ёлғиз тура олмайди, балки у билан бирга кенг тизим бўлиши керак.

4 – Американинг ўзидағи ўзгаришлар. Бу ўзгариш кризиснинг иқтисодий таъсири жиҳатидан ёки Республикачилар партияси билан Демократлар партияси ўртасидаги кураш оқибатида юзага келади. Агар Америка ичкарисида мана шундай ўзгаришлардан бири юз берса – айниқса етакчилик тизгини Америка қўлида экан – ушбу халқаро курашдаги ишлар бир юз саксон градусга ўзгариб кетади.

5 – Урушнинг чўзилиши ҳамда Россиянинг ички фронтнинг мустаҳкамлиги ва уни қўллаб-қувватловчи мамлакатларнинг мустаҳкамлиги. Бу ҳам кризисга таъсир кўрсатадиган ўзгаришлардан биридир. Айниқса, дунёда кетма-кет молиявий кризислар, юқори нархлар, глобал иқтисодий турғунлик рўй бераётган экан ҳамда Европа ва Америкадаги капиталистларга

тегишли лойиҳалар сўниб бораётган экан, бундай бўлиши табиийдир. Чунки урушнинг чўзилиши ёки қисқариши сиёсий ишлар оқимига ва ушбу халқаро курашдан келиб чиқадиган нарсаларни белгилашга таъсир қиласди.

6 – Бу курашда ядрорий ёки ноанъанавий қуролдан фойдаланиш масаласи жуда хатарли ўзгаришдир. Халқаро курашнинг ядрорий урушга кириши дунёда катта ўзгаришларни пайдо қиласди. Чунки унинг натижасида давлатлар халқаро майдондан бутунлай чиқиб кетиши мумкин. Гарчи бу ишнинг рўй бериш имконияти жуда кам деб ҳисоблаганимизда ҳам, лекин бу ишларни остин-устин қилиб юборадиган ўзгаришлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу шиддатли курашда муҳим ишлар мавжуд. Эҳтимол, дунё тартибининг янгидан шаклланиши ҳам, шунингдек, Американинг коалициялари, халқаро сиёсатлари ҳамда «AUKUS» ва «QUAD» каби стратегик иттифоқларининг тақдиди ҳам ана шу муҳим ишларга боғлиқ бўлиши мумкин. Қўйида ўша муҳим ишларни келтириб ўтамиш:

**Биринчи:** Россиянинг келгуси ойлар давомида мустаҳкам туриш қобилияти ва рус халқи ўзининг сиёсий ва ҳарбий раҳбарияти атрофида бирлашиши. Бу Россиянинг давом этиши, жавоб бериши ва Америка ҳужумига қарши туриши билан боғлиқ энг муҳим масаладир. Агар Россия келгуси бир неча ойлар ичida бардош бера олса, у Европада ҳақиқий иқтисодий ва сиёсий кризисни келтириб чиқаради.

**Иккинчи:** Ушбу адаштирувчи сиёсатлар сабабли Европа халқлари тортаётган азоб-уқубатлар. Агар вазият ёмонлашса ахвол шу даражага этиши мумкинки, Европадаги халқлар ўз сиёсий етакчиларига қарши бош кўтариб, уларни Америкадан воз кечишига мажбур қилишлари мумкин. Чунки Америка европалик етакчиларга такаббурлик, зўравонлик қилиб, улардан ўз мақсадлари, сиёсати ва халқаро худбинлиги йўлида фойдаланмоқда. Россиянинг яқин ойлардаги сабри ва ҳамжиҳатлиги Европанинг камчиликларини очиб беради ва Америка уни қутқара олмайди. Шунинг учун Европа Иттифоқининг қулаши Россия сабрининг қулашидан тезроқ бўлади. Россия бугунги кунда айнан шу нарсага кўз тикиб турибди. Бу амалга ошадиган бўлса, Америка Европа билан бўлган иттифоқни

бузмаслик учун Россияга нисбатан иқтисодий блокадани олиб ташлашга, санкцияларни юмшатишга ва сиёсий ечим излашга мажбур бўлади. Чунки бундай ҳолатда Европадаги ўнг қанот радикал кучлар бошқарувга келиб, Америка ўрнига Россия билан яқинлашиши, сўнг Европа Америка билан бирга бўлиш ўрнига Россия билан бирга Америкага қарши кучга айланиши мумкин.

**Учинчи:** Бутун дунё халқлари бошдан кечираётган ҳазорий кризис ва ундан келиб чиқаётган шиддатли иқтисодий кризис. Бугун халқлар бу чириган, эскирган ва вайрон бўлаётган тузумдан тўйди. Чунки улар ўтган асрнинг охирларида социалистик тузумдан тўйиб, уни қулатишган эди. Бугун эса, капитални муқаддаслаб, унга ибодат қиласиган ҳамда капитални эъзозлагани учун оламшумул муаммоларни қўзғайдиган капиталистик тузумдан ҳам тўйди. Ҳақиқатда капиталистик тузум бутун дунёни ҳазорий кризисга олиб кирди. Натижада халқаро муаммолар ва курашлар пайдо бўлди ҳамда очарчилик, қашшоқлик ва хавф ортиб, капиталистлар дунёдаги барча бойликларга ҳукмронлик қиласиган бўлди...

Кейинги бир неча ой ва йиллар хавфли воқеалар, уруш жараёнидаги ўзгаришлар, Американинг қасддан саботаж ишларни амалга ошириши ва рус халқига босимнинг кучийиши билан тўла бўлади. Америка эскалациянинг хавфли қадамларини қўяди, Россия эса янги ҳарбий чоралар кўришга мажбур бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси Россиянинг таслим бўлишини ҳамда Америка шартлари ва сиёсатини қабул қилишини тезлаштириш учун қилинади. Шундай қилиб, бутун дунё ва халқлар тузум ва ҳазорат кризиси билан боғлиқ ҳодисалар ҳамда ундан пайдо бўладиган халқаро ва минтақавий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий фожиалар гирдобида қолди. Шундай экан, келгуси ойлар ва йилларда дунёда нима бўлиши мумкин? Ким тезроқ таслим бўлиб, сиёсатида инқилоб юз беради? Америка ва унинг сиёсати қаршисида Европа Иттифоқи қуладидими ёки Россия федерацияси ва унинг ички вазиятими? Ким биринчи бўлиб қичқиради? Россия ва унинг иттифоқчиларими ёки Америка ва унинг иттифоқчиларими? Бу вайрон бўлган мабдаларнинг аҳволи нима бўлади? Уларга нисбатан халқлар қандай позицияни эгаллайди? Ушбу азоблар ва сунъий иллатлар натижасида Америка ва Европа мамлакатларида Совет Иттифоқида содир бўлган воқеларга ўхшаш

воқеалар содир бўлиши мумкинми? Бу саволларнинг барчаси яқин кунларда ўз жавобини топади ва ҳеч ким уларни башорат қила олмайди. Чунки ўзгаришлар тез бўлиб, воқеалар бир-бирини кузатиб бормоқда, кутилмаган ҳодисалар эса номаълум.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дунё давлатлари, уларнинг сиёсатлари ва халқларга бўлган қарашлари мана шундай. Улар капитал ва сиёсий ҳукмронлик учун дунёни вайрон қилишга ҳам, ҳукмронлик ва таъсир доиралари учун дунёни учинчи жаҳон урушига тортишга ҳам тайёрлар... Бу шунга далолат қиладики, ер юзи ёвузликлардан, қайғулардан ҳамда инсонлар томонидан чиқарилган тубан мабдалардан халос бўлиш учун қутқарувчига муҳтож бўлиб, инсоният бу улкан тубсизлик ва қора зулматдан омонликка олиб чиқадиган кишини кутмоқда. Бу эса, инсоният ва унинг қадр қимматини сақлайдиган ҳамда уни баҳтли қилишга ҳаракат қиладиган тузум билан амалга ошади. Бундай тузум ўша тузумни татбиқ қиладиган ва уни бутун инсониятга яхшилик ва нур сифатида олиб чиқадиган Ислом Давлати соясидаги Ислом тузумидир. Аллоҳ Таолодан бу муқаддималарнинг буюк туғилишдан олдинги охирги тўлғоқ бўлишини сўраймиз. Шунингдек, тўкилган бу қонлар ва азоблар барча инсоният учун янги туғилиш белгилари бўлишини сўраймиз. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар ва Аллоҳнинг ушбу каломи яна бир бор ўз тасдиқини топади:

﴿إِنَّ الْأَمْرَ مِنْ قَبْلِ وَمَنْ بَعْدُ وَيَوْمَ يُبْرَأُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ إِنَّمَا يُنَصَّرُ الَّذِي يَتَّسَعُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ  
وَغَدَ اللَّهُ لَا يُغَلِّفُ اللَّهُ وَغَدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢﴾ يَعْلَمُونَ ظَاهِرًا مِنَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ عَنِ  
الْآخِرَةِ هُمْ غَافِلُونَ ﴿٣﴾﴾

**«Аввалу-охир барча иш Аллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишиларга нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар. Улар охиратдан ғофил-бехабар бўлган ҳолларида фақат ҳаёти дунёning зоҳиринигина билурлар»**

[Рўм 4-7] □

## **ҒАРБНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АҚИДАСИ ВА ДИННИ ҲАЁТДАН АЖРАТИШ**

**Фоиқ Нажоҳ**

Ғарб ўзининг экспериментал (эмпирик) ёндашуви ҳамда ундан кейинги барча нарсаларни қабул қилиши шунчаки тараққиёт ва маърифатга интилиш натижаси эканини даъво қилиб, тарихни бузиб кўрсатди. Бироқ, Ғарб ҳазорати ҳақидаги асл ҳақиқат шуки, у ваҳшийлашган насроний ва материалистик кучлар ўртасида ўйламай-нетмай қабул қилинган ўртача ечимга (муросасозликка) қурилган. Тафаккурнинг эмпирик усули динни ҳаётдан ажратиш орқали ушбу адаштирувчи ўртача ечимга имконият берди. Кейинчалик, асоси беқарор бўлган ушбу муросасозлик бугунги кунда биз билган Ғарб ҳазоратининг пойдеворига айланди.

Ғарб буларнинг барчасини тан олмайди, қолаверса, ўзининг насроний ўтмиши ҳақида ҳам аниқ тасаввурни бермайди. Чунки бу унинг Ислом билан чуқур алоқаларини тан олишни талаб қилади. Милодий ўн биринчи асрдан ўн учинчи асргacha кучайган ушбу алоқаларнинг далили сифатида Сицилия, Мальта ва Андалусиядаги сақофий ва илмий алоқаларни, шунингдек, мусулмонлар илмий марказларининг ролини келтириш мумкин. Тиббиёт, фалсафа, математика ва бошқа фанларни ўрганиш учун мусулмонларнинг илмий марказларига кўчиб ўтган энг кўзга кўринган талабалар орасида Леонардо, Фибоначчи, Аделард Батский, Константин Африканский ва бошқа Европа талабалари бор эди. Бу алоқаларга, шунингдек, мусулмонларга алоқадор асарларнинг таржима қилиниши ҳам таъсир кўрсатган. Бунга испанлар томонидан Толедо босиб олингандан сўнг у ердаги Ислом мероси Герард Кремонский томонидан таржима қилинишини, милодий 965 йилда мусулмонлар томонидан Сицилия қўшиб олиниб, 1091 йилда яна Нормандияга қайтарилганидан сўнг у ердаги мероснинг таржима қилинишини мисол қилса бўлади. Шундай қилиб, ўз саройида мусулмон аскарлари, шоирлари ва олимлари бўлган Сицилиядаги Рожер иккинчи каби ҳукмдорлар ҳомийлиги остида Норман-Араб сақофати пайдо бўлган эди.

Муҳаммад Идрисий томонидан қирол Рожер учун ёзилган «Назҳатул муштақ фи ихтироқил афақ» китоби ўрта асрлардаги энг йирик географик асарлардан бири ҳисобланади. 1127 йилда Стефан Пизанский тиббиёт назариясига оид араб рисоласини

лотин тилига таржима қилди. Тўққизинчи асрда Хоразмий арифметик амалиётларни араб рақамлари ёрдамида бажариш усулини ишлаб чиқсан эди. Ленардо Фибоначчи уни Европага олиб келди. Роберт Честерский эса милодий 1145 йилда Хоразмийнинг «Мухтасар фи Ҳисабил Жабр вал Муқобала» китобини таржима қилди... Булардан ташқари, кейинги асрларда ҳам таржима қилиниб, Европа илм-фанига таъсир этишда давом этган бошқа кўплаб асарлар мавжуд. Француз тарихчиси Гюстав Лебон ўзининг «Араблар ҳазорати» китобида ёзадики, энг машҳур француз қўмондони Наполеон Бонапарт 1801 йилда Мисрдан Францияга қайтаётганида ўзи билан Молик ибн Анас мазҳаби фиқҳи бўйича ёзилган «Шарҳул Дардир ала матни Халил» китобини олиб келган. Моликий мазҳаби европаликлар танишган биринчи Ислом ҳуқуқшунослиги ҳисобланади. Лебоннинг айтишича, Француз қонуншунослиги Бонапарт ўзи билан олиб келган ушбу фиқҳий китобга асосланган. Франция қонунлари ушбу китоб, айниқса, ундаги аҳкомлар, шартнома ва мажбуриятлар тўғрисидаги моддага таянган ҳамда улар давлат тикланишининг энг муҳим сабабларидан бири бўлган. Шундай қилиб, Франция қонуншунослигига, айниқса, «Наполеон кодекси» дея номланган фуқаролик кодексида Ислом фиқхининг, хусусан, Моликий мазҳабининг таъсири кучли бўлди.

Мусулмон уламолар ва ҳуқуқшунослар томонидан олиб борилган баъзи тадқиқот ва муқоясалар натижаларида ҳам бу нарса тилга олинган. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиш: Хидювий И smoил ҳукмронлиги даврида қози бўлган Махлуф Минавий. У Француз қонунлари билан Моликий мазҳабини солиширган. Ўн тўққизинчи аср охирларида Миср адлия вазири бўлган Қадрий Пошо ҳам шулар қаторида. Азҳар олими, ҳуқуқий муқоясалар муаллифи Сайид Абдуллоҳ Али Ҳусайннинг айтишича, Моликий мазҳаби билан француз қонунлари ўртасидаги ўхшашлик 90 %га етади.

Голландия университетининг халқаро ҳуқуқ профессори Мишель де Таубе Ислом келтирган ва фиқҳ фалсафасида мужассамланган инсонпарварлик ва ахлоқий руҳнинг таъсирига, шунингдек, бу руҳнинг ўрта асрларда Европадан афзал бўлганига ишора қиласи. У инсоният бошдан кечираётган баҳтсизликлар ва Ислом қонунчилиги олиб келган ўзгаришлар ҳамда унинг халқаро ҳуқуққа таъсири ҳақида ҳам сўз юритади.

Айрим тарихий манбаларда айтилишича, Кастилия қироли Алфонсо тўққизинч Европада биринчи қонунлар тўпламини ёзган ва бу тўплам лотинча шарҳлар билан уч жилдда нашр этилган. У буни, хусусан, ҳижрий 679, милодий 1289 йилга оид мусулмон Андалусиядаги вилоятлар қонунидан олган. Шунингдек, Сицилия қироли ва Германия императори Фридрих иккинчи 1250 йилда қонунларни Ислом фиқхидан олган. Қирол бевосита ва билвосита солиқлар, ҳарбий тузилмалар ва божхона тўловларига алоқадор ҳамда фойдали қазилмалардаги ва айрим товарлардаги давлат монополияси билан боғлиқ Ислом қонунчилигига 9-10 асрларда маълум бўлган қонунларни қабул қилган. Бу қонунлар бутун Европа учун намуна бўлди.

Ғарб ўзининг насронийлик ўтмиши ҳақида тўғри тасаввур бермади. Чунки бунинг учун Ислом билан бўлган чуқур алоқаларни тан олиши керак эди. Шунингдек, материализмга қўшимча аҳамият бериб қўйишдан қўрқиб, ўзи дуч келган материализм таҳдидининг жиддийлигини ҳам тўғри тушунтира олмади. Шундай бўлса-да, Ғарбнинг экспериментал ақидасининг аҳамиятини ва унинг динни ҳаётдан ажратиш сабабини баҳолаш учун бу қоронғи тарихни очиб беришимииз лозим.

### **Европадаги насронийлик ҳазорати ва унинг материализм ғоясига қарши кураши**

Европада насроний ҳазоратни тўғри тушунишнинг ягона йўли бу унинг Исломий ҳазорат остида ривожланганлигини ва Европа Исломдан насронийча нусха олиб ривожланганлигини тан олиш билан бўлади. Ғарб ўзининг юксалишини қадимги Юнонистон ва Рим маданий меросининг давоми сифатида кўрсатиб, одамларни ҷалғитади. Ҳолбуки, Исломий Халифалик давлати минг йилдан ортиқ вақт давомида глобал куч бўлган. Ислом ҳазорати инсоният ютуқлари чўққисини ўзида мужассам этиб, улуғворлик, фаровонлик ва эзгулик намунаси эди. Ҳаётнинг барча соҳалари учун ечимлар берадиган ўзига хос Ислом идеологиясини кенг миёсда татбиқ этиш натижасида Ислом мисли кўрилмаган ҳазорий муваффақиятга эришган. Ислом ҳазорати меваларидан ўша даврда нафақат мусулмонлар, балки бутун дунё маълум даражада баҳраманд бўлган. Ғарб фақат математика, фан, технология, санъат, хунармандчилик, савдо ва адабиётни эмас, балки бутун насроний ҳазоратини Ислом атрофида лойиҳалаштируди. У бизнинг низомларимиз, қонунларимиз ва ҳаёт

ҳақидаги фикрларимиздан нусха кўчирди. Массачусетс университети тарих фанлари профессори, асл келиб чиқиши италиялик бўлган америкалик файласуф Жорж Сантаяна шундай ёзган эди: «Араб қонунларининг ҳайратланарли томони шундаки, у бизни масъулияти чекланган жамиятлар каби савдо қонунларининг тафсилотларига йўналтириди». Жорж Сантаяна, шунингдек, Ислом қонунчилиги асосида қабул қилинган савдо қонунларига кўплаб мисолларни келтириб ўтган.

Инглиз шарқшуноси Герберт Жорж Уэллс «Европа ўзининг халқаро савдо қонунларида мусулмонларга қарздор», деган эди.

Шу ўринда, Наполеон томонидан имом Молик фиқхининг қабул қилинишига ва унинг асосида Француз қонунларининг шаклланишига оид муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Биз ғарб қонунлари тарғиб қилинишига қаршимиз ва ғарбга «Қонунларингизни олиб келинг, улар биз ишлаб чиқсан қонунлар, энди ўзимизга қайтди», дейиш тарафдори эмасмиз. Шу ўринда конституциявий ҳуқуқшунослик билан конституция ўртасидаги фарқقا эътибор қаратишимиш керак. Конституция нуқтаи назаридан ғарб Исломдан ҳеч нарсани олмаган. Ғарбда илмоний либерал демократик тизим мавжуд. Конституция давлат шаклини, унинг муассасаларини, ҳукмдорни сайлаш усувлари ва бошқаларни белгилаб беради. Ғарб бу борада Исломдан ҳеч нарса олгани йўқ. Шахслар ҳаёти билан боғлиқ бўлган алоҳида қонунларга, масалан, савдо ва ижтимоий муносабатларга оид қоидаларга келсак, Наполеон имом Молик мазҳабидан савдо ва ширкатларга тегишли бўлган нарсаларни, масалан, шартномалар, мажбуриятлар ва мулк қоидаларини олган. Аммо бу алоҳида қоидалар давлат шаклини ўзгартирмайди, фақат алоҳида нормалар сифатида ишлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонунлар исломий бўлиши учун улар ваҳийга боғланиши керак. Демак, Франциянинг баъзи шариат қонунларини қабул қилиши унинг шариат асосида ҳукмронлик қилишини англатмайди, балки фақат савдо соҳасини тартибиға солувчи қонунларни чиройли санаганини билдиради. Ушбу қонунлар ўз манбаларидан ажралган экан, улар бошқа қонунлар каби бўлиб қолаверади. Биз учун уларни ўз манбасидан, яъни ваҳийдан ажратган ҳолда олишимиз жоиз эмас. Мусулмонлар қонунларни тўғридан-тўғри ваҳийдан олишлари лозим, ғарбга нисбатан эса, у қонунларни ўзи ишлаб чиқа олмади ва уларни

мусулмонлардан олишга мажбур бўлди деган камситувчи нигоҳ билан қарашлари керак. Зоро, Аллоҳ Субҳанаҳунийнг қонунларигина мусулмонларнинг уйғониши, тарққий этиши, Аллоҳга итоат этиб, барча халқлардан илғорлаб кетиши учун ягона кафолатдир.

Дарҳақиқат, бутун Европа насроний эди. Европа ҳукмдорлари ўзларининг таъсири ва қонунийлигини насронийликдан олган. Улар Европани Рим черкови билан ҳамкорликда бошқарип келишди. Бироқ, насронийлик ички идеологик кучга эга бўлмаган диндир. У ўзининг умуминсоний ҳазоратини ярата олмади. Шунинг учун насронийлар биздан олган нарсаларни ўзгартириб, ўзларининг насронийлик эътиқодларига мослаштиришди ва шу тариқа Европада Ислом ҳазоратидан нұсха кўчиришди. Бугун Фарб ушбу тарихни нотўғри талқин қилиб, уни зулматли асрлар деб атайди. Бироқ, ўша пайтда Европада ҳукм сурган турмуш тарзи Farbdagi ҳозирги ҳолатидан анча юқори эди. Ҳа, бугунги кунда Farb илғор технологияларга эга. Аммо илмий тараққиёт турли тарихий асрлардаги ҳазоратларни солиштириш учун фойдали ўлчов эмас. Farb ҳаёти бугунги кунда утилитар моддий манфаатларга тинимсиз интилишга асосланади. Насроний ҳазорати эса, моддий интилишлар билан ахлоқий, инсоний ва маънавий манфаатлар ўртасини мувозанатга сола олган ва ўша даврларда ор-номус, қадр-қіммат, оила ва жамият тушунчалари мұхим ўрин тутган эди. Бироқ, капитализм пайдо бўлишидан олдин ҳам насроний ҳукмрон табақаларда моддий эксплуатацияни кўриш мүмкин эди. Рим папалари ва қироллари ўзларининг эзилган халқлари ҳисобига катта бойлик орттирища бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишган. Шунингдек, улар бойлик, ҳокимият ва ҳатто илм-фанни монополия қилишган. Худди шу экспулатацион менталитетни салиб юришлари ёки Америка қитъасида бўлганидек, насроний Европанинг хориждаги амбицияларида ҳам кўриш мүмкин. Капитализм фақатгина насроний элитанинг қалбида униб чиққан ёвузлик уруғларини озиқлантиреди. Капитализмнинг идеологик кучи Farbнинг ҳукмрон табақаларини ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукмронлик қилишга унади.

Farbga материалистик тафаккурнинг кириб келиши ҳам Ислом ҳазорати билан бўлган алоқанинг натижаси эди. Ислом эллинистик сақофат (грек сақофат) ҳукмрон бўлган мамлакатларга тарқалган

даврда мусулмонлар илк бор материалистик тафаккур билан тўқнаш келганлар. Ўшанда баъзи мусулмонлар Ғарб фикрларидан таъсирланиб қолган. Бунинг натижасида Ибн Синога ўхшаган ҳаётнинг абадийлиги каби Ислом ақидасига очиқдан-очиқ зид бўлган нотӯғри фикрларга ишонган файласуфлар етишиб чиқсан. Ҳолбуки, коинот, инсон ва ҳаётни яратган Зот ягона Аллоҳ бўлиб, ҳаётнинг қанча вақт давом этишини ёлғиз Унинг белгилаши очиқ ҳақиқат эди. Ҳижрий учинчи ва тўртинчи асрларда Исломнинг гуллаб-яшнаши ҳали ҳам олтин даврида эди. Шунинг учун Ислом уламолари ушбу ёт фикрни рад этишга қаттиқ ҳаракат қилдилар. Ҳижрий бешинчи аср охирларида имом Ғаззолий «Файласуфларнинг ҳалокати» китобида уларнинг далилларини ҳар томонлама рад этди. Ундан кейин Ибн Рушд келиб, имом Ғаззолийнинг китобига қарши чиқмоқчи бўлди. Ибн Рушд Андалусия олимларининг таниқли оиласидан бўлиб, отаси ва бобосига эргашиб Кордовада бош қози бўлади. Аммо Уммат Ибн Рушд фикрларининг таназзулга учраганини пайқагач, у судланиб, сургун қилинган. Бу Ислом уламоларининг файласуфлар устидан қозонган ғалабасининг ёрқин далилидир. Материалистик тафаккур Ислом оламида мағлуб бўлди. Лекин Ибн рушднинг асрлари лотин тилига таржима қилиниши орқали материалистик тафаккур Европага кўчди. Ўн еттинчи асрда насроний руҳонийларининг бир қисми материалистик тафаккурга маҳлиё бўлиб қолди. Улар лотин тилида «Аверроэс» дея танилган Ибн Рушднинг номи билан «аверроэслар» дея аталишди. Материалистик тафаккур Исломда қанчалик жирканчли бўлса, насронийлар наздида ҳам шунчалик жирканчлидир. Уламолар файласуфларга қарши курашганидек, Рим черкови либералларга қарши курашди. Рим черкови ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга ҳаракат қиласиди. У черков таълимотлари ва ундаги бузуқликни танқид қилувчиларни ёки муфакирларни таъқиб қила бошлади. Европада черков ҳукмронлигининг натижалари ҳалокатли бўлди. Шунинг учун уни қандай ислоҳ қилиш эмас, балки уни йўқ қилиш масаласи илгари сурилди. Шунга қарамай, черков Ғарб жамиятларида кучайиб бораётган фикрий тенденцияларга қарши туришга ва буни лотин тилида «Алгазел» номи билан машҳур бўлган Ғаззолийдан олинган далиллар ёрдамида амалга оширишга қодир эди. Лекин ундей қилмади. Биз бу эпизоддан Европанинг Ислом ҳазорати соясида мусулмонлар орасидаги фикрий оқимлардан қай

даражада таъсирланганини кўришимиз мумкин. Шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, Европа материализмга чек қўйишга муваффақ бўлолмади. Черков фикран қаноатлантиришдан кўра кўпроқ ўзининг сиёсий кучига таянган кўринади. Кейинчалик баъзи насроний ҳукмрон элиталар ўт билан ўйнашишни бошлади. Улар ўз кучларини сақлаб қолиш ва черковга қарши курашда мувозанатни таъминлан учун материалистик тафаккур элементларига таяна бошладилар. Шунинг учун материалистик тафаккур ишончли тарзда мағлуб бўлмай, бир бурчакка тиқилиб, фурсат пойлаб ётди.

Исломдан фарқли ўлароқ, Европа насронийларининг иккита асосий камчилиги бор бўлиб, уларнинг биринчиси сиёсий, иккинчиси фикрий эди. Материалист файласуфлар айни шу нарсадан фойдаланишди. Насроний Европанинг биринчи сиёсий камчилиги бошқарувда бирдамлик йўқлиги эди. Бу давомий ички курашларга сабаб бўлди ва ҳокимият черков ва давлат ўртасида тақсимланди. Бу насронийликни қабул қилиб, лекин Рим қонунларини қўллашда давом этган олдинги Рим императорларидан қолган мерос эди. Мана шулар сабабли руҳонийларнинг роли тор диний ишларни бошқаришга чеклаб қўйилди. Ҳокимиятнинг бу тарзда бўлиниши насронийлар тарафидан осонгина қабул қилинди.

Аллоҳнинг пайғамбари Исо алайҳиссалом ваҳий билан қўллаб-қувватланиб, ҳақиқатда Бану Исроилга юборилган эди. Лекин насронийлар Исо алайҳиссалом келтирган ҳаёт ишларига алоқадор қоидалар фақат яҳудийларга тааллуқли эканини, яҳудий бўлмаганлар бунинг ўрнига ердаги қиролларга бўйсунишлари мумкинлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, насронийлик ақидасига моддани руҳдан ажратиш ҳақидаги ҳукмрон фалсафа ҳам таъсир кўрсатди. Насронийлар руҳонийлик фақат диний ва руҳий ишларни назорат қилиши керак деган холосага келишиди. Замон ва модда устидан бўлган бошқарувни эса, ҳокимларга қолдирдилар. Фарбий Рим империяси қулаганидан кейин Европа ўзини тиклаган пайтда, Рим черкови худди шу моделда ишлашни давом эттириди. У ўзини фақат руҳий ишларга чеклаб қўйди ва Европа қиролларининг моддий ишлари учун жавобгарликдан воз кечди. Бундан ташқари, Европанинг дастлабки тарихида руҳонийларнинг раҳбари сифатида битта «папа» бўлган бўлса-да, лекин Европа ерлари доимо бир-бири билан урушаётган

шұхратпараст монархлар үртасида бўлинган эди. Черков эса, инсон онгини назорат қилиб, уни вужуд ҳақидаги тушунчаларини мұқаддас китобнинг монополистик талқинидан олишга мажбур қилди. Черков бутун эътиборини ўз гуноҳини тан олиб, уни каффоратини тўлайдиган, ўз танасини бўйсундирган, хайриясадақа берадиган ва черковни улуғлайдиган кишига қаратди ва бўнинг эвазига унга индулгенция (гуноҳини кечириш ва шу ҳақда Рим папаси томонидан бериладиган ёрлик) берди. Аммо у инсоннинг маънавиятига ва ўзини ўзи тузатишига эътибор қаратмади. Бу ҳолат протестант ислоҳотчилик ҳаракати асосчиси Мартин Лютерни инсоннинг ижтимоий мавқеини юксалтириш учун «инсон нафси» ва унинг ахлоқий теранлиги ҳақида изланиш олиб боришга унади. Кейин Лютер инсоннинг икки хил табиати, яъни энг мұхим бўлган ички руҳий ва ташқи жисманий табиати ҳақидаги назарияни илгари сурди. Унинг назариясига кўра, ички нафснинг покланиши эркин танлов ифодасидир, агар инсон буни амалга ошира олса, илоҳий мұҳаббатни қозонади. Лютер ўз тезислари (асосий фикрлари) билан католик черковининг мавжудлик сабабларига зарба берди. Натижада, черковга ҳеч қандай эҳтиёж қолмади. Аксинча, ўз Роббисини рози қилишни ва атрофидағи дунё билан үйғун бўлишни хоҳлайдиган инсон учун черков тўсиқ бўлиб турарди. Шунинг учун инсон билан унинг ўзига хос тасаввўри, ўз нафсини поклаши, атрофидағи дунёга нисбатан кўзқараши ва Роббиси билан бўлган алоқаси үртасида руҳонийлар учун ҳеч қандай ҳукмронликка ўрин қолмади.

Ушбу фикрий ўзгариш инқилобий бўлиб, мутафаккирлар онгини улар ҳеч қачон ўйламаган ғояларга очди. Улар инсоннинг ички ва ташқи дунёси үртасини ажратиб, булар иккита алоҳида бўшлиқ (майдон) деган холосага келдилар. Уларга кўра, ички дунёсининг моҳияти шундаки, у эркин ва ўзининг индивидуаллигига йўналтирилган бўлиб, фаол ва юксак ўзликка эришишга интилади. Ташқи дунёси – бу ўзининг барча сирлари, тушунчалари ва тушуниш механизмларини ўзида мужассам этган, яъни инсон ҳис қилиб турган дунё бўлиб, ташқи ғайб таълимотларига эҳтиёж сезмайди.

Ҳижрий ўнинчи асрда Шимолий Европа қироллари янги ташкил этилган протестант оқимлари номидан Рим ҳукмронлигига қарши исён кўтарди. Жанубий Европа монархлари эса, Рим черковига содиқ католиклар билан бирга қолишда давом этдилар. Ҳижрий ўн

иккинчи асрға келиб, насроний Европа материалистик инқилобга қарши туришга имкон берадиган кучли марказий ҳокимииятга эга эмас эди. Насроний ҳукмрон әлитасининг иккюзламачилиги, шунингдек, насронийликка мутлақо зид бўлган бузуқликлари, очкўзликлари, зулм ва эксплуатациялари бутунлай фош бўлди. Бу Европа халқларидаги материалистик инқилобнинг акс садоси эди.

Насроний Европанинг асосий фикрий нуқсони юон рационализмининг нотўғри фикрлаш тариқатини қабул қилиш ва насроний эътиқодини оқилона асослаш учун мантиқдаги нотўғри тариқатни қўллаш эди. Мантиқ фикрлашнинг тўғри тариқатидир, лекин ақида масалаларида эмас. Чунки у ҳаёт ҳақидаги фикрларда қарама-қарши хulosалар бериши мумкин. Ақида қатъий бўлиши керак, унда фақат гумоннинг ғолиблиги кифоя қилмайди. Чунки сақофат, турмуш тарзи ва ҳазоратни шакллантириш учун ақида мустаҳкам, инкор этиб бўлмайдиган ва ўзгармас пойdevor устига қурилиши керак. Аммо мантиқ ёрдамида бунинг имкони йўқ.

Айни шу мантиқий фикрлаш механизмидан келиб чиқиб, материалист мутафаккирлар модданинг ўз-ўзидан пайдо бўлгани, абадий эканлиги ва яратувчига муҳтоҷ эмаслиги тўғрисидаги ўз «далилларини» илгари сурдилар. Улар, масалан, мусулмонлар томонидан рад этилган файласуфларнинг далиллари билан қуролландилар ва абадий нарсадан вақтинчалик бир нарсани яратиш мантиқан мумкин эмаслигини таъкидладилар. Юонларнинг илоҳийлик ғояси доирасида қилинган бундай даъво ҳақиқий маънога эга эмаслиги уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Материалистлар кўплаб диний эътиқодлар олдида ўзларини «атеист» сифатида кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Лекин аслида улар энг ёмон динга эргашишган эдилар. Яъни улар яратилган моддага илоҳий сифатларни, абадийликни, ўзини-ўзи таъминлай олишни боғлаб, энг катта ширкка эргашдилар. Ҳатто ёлғондан Аллоҳга боғланганликларини даъво қилган Макка мушриклари ҳам бу бутпараст материалистлардан устун эдилар. Чунки Макка мушриклари ҳеч бўлмагандан яратувчининг борлигига ишонишган эди.

### **Фарбнинг материализм билан ўзаро муросага келиши**

Насроний мутафаккирлар материалистик таҳдидни фикрий жиҳатдан енга олмагач, насронийлик ва материализм ўртасида муросага келишни таклиф қилиб, мудофаа йўлига ўтдилар. Ҳижрий ўн иккинчи асрда насроний мутафаккирлар юон

рационализмини Ғарб эмпиризми билан алмаштирудилар. Бу эса, ақл идрокни кескин чеклаб, диний мунозарани фикрий майдондан чиқариб ташлади. Насроний мутафаккирлари буни ўз динларига заар өтказиш учун эмас, балки материалистларнинг фикрий ҳужумларидан қўрқиб қилдилар. Улар яратувчига ишонишни аниқ ва равshan ҳақиқат деб ҳисоблардилар. Бу нарсани материалистларнинг фикрлари чалкашириб юборди. Ғарб эмпиризми яратувчининг мавжудлиги тўғрисидаги умумий мунозараларга чек қўйишга муваффақ бўлди. Лекин диннинг ҳаётдан ажратилиши яна бир натижа бўлди. Ғарб насронийликни янги ақидага алмаштириди. Ушбу янги Ғарб ақидасига кўра, фақат бу дунёдаги ҳаёт қатъий бўлиши мумкин. Жамият ҳаётида инсон ишларини тартибга солишда бу дунёдан ташқаридаги нарсалар ҳисобга олинмаслиги керак. Бу ҳаётдан ташқарида кимdir борми деган масалада ҳар бир инсон ёлғиз ўзи қарор қиласди.

Уильям Дюрант «Ҳазоратлар тарихи» китобида ва Роналд Стомберг «Замонавий Европа тафаккури тарихи» асарида Ғарб тафаккури тарихининг босқичларини ўрта асрлар, уйғониш даври, ислоҳот даври ва Барокко даврларига бўлишган. Уларнинг фикрича, «Барокко даври уйғониш асридан кейинги даврdir ёки бошқа маънода 1570 йиллар атрофида бошланиб, 1650 йилгача давом этган диний ислоҳот учун қилинган ҳаракатлардан кейинги даврdir». Сўнгра улар ўн еттинчи асрни ақл асли деб атаб, уни қўйидаги исботлайдилар: «Галилей, Ньютон, Декарт, Спиноза, Томас Хоббс, Жон Локк ва Лейбнитс ҳақида ўйласак, ўн еттинчи аср ақл асли эканлигини инкор этиб бўлмайди. Кейин 18 асрда маърифат даври келди. Бу эса 19 асрдаги идеологияларнинг туғилиш даврига йўл очди».

Европа ўн олтинчи ва ўн еттинчи асрлардан бошлаб ўзининг уйғониш йўлини черковнинг ҳаёт ва маърифат устидан ҳукмронлик қилишидан халос бўлишда кўра бошлади. «Маърифатпарварлар» деб аталган мутафаккир ва файласуфлар бу уйғонишнинг фикрий пойдеворини қўйишга киришдилар. Бу пойдевор давлатни, сўнгра ҳаётни барча тафсилотлари билан дин, ахлоқ ва қадриятлардан ажратадиган илмоний мабдага асосланди. Кўп ҳолларда айнан шу мутафаккирларнинг ўzlари экспериментал илмий метод (эмпиризм)га асос солишган. Буларга 1626 йилда ўлган Фрэнсис Бэкон, 1650 йилда ўлган Рене Декарт, 1662 йилда ўлган Блез Паскаль кабиларни мисол қиласа бўлади. Шунинг учун илмий услугуб

ва илмонийлик ўртасидаги кесишиш нүқтасини кўриш табиий эди. Зеро, бу нарса фан компасини маълум бир йўналишга йўналтириди. Шу билан бирга Фарб илм фанни маърифатнинг ягона қуроли ва йўли сифатида қабул қилди. Шунинг учун у бошқа барча илм ва инсоний маърифатлар устидан ҳукмронлик ўрнатди.

Илм-фан ва илмонийлик ўзаро бир-бирига хизмат қилгани Дарвин назарияси каби кўплаб фанларнинг илмий қийматини савол ва шубҳа остига қўяди. Шунингдек, Фарбнинг гуманитар фанлар каби экспериментал бўлмаган билимларда ҳам экспериментал усулнинг ўзидан фойдаланишига ҳам катта ундов белгисини қўяди. Зеро, улар фан компасини дунёвий ва моддий жиҳат билан чегараланиши учун шу йўналишга қаратишган. Фаннинг ягона фаолият соҳаси табиат ва инсон билимлари соҳаси бўлиб, унинг у билан ўзаро муносабатда бўлиш усули эмпирик ёндашувдир. Илм-фаннынг эълон қилинган мақсади эса инсонга фойда келтирадиган нарсадир. Шунинг учун улар фойдасиз деб ҳисобланган, тавтология билан шуғулланишдан бошқа ҳеч нарса қилмайдиган мантиқ ва аналогия каби «эски» фалсафий билим ва ғоялардан воз кечишлари керак эди. Чунки булар илм-фаннынг эълон қилинган мақсадига зид. Шундай қилиб, утилитаризм (манфаатпарастлик) фан ва фалсафанинг биргаликда мақсадига айланди ва унинг фаолият соҳаси материализм бўлиб қолди. Бу эса илмоний мабдага очиқдан-очиқ яқинлашув ҳамда утилитаризмга бўйсундириш учун илм-фанни манипуляция қилиш ҳисобланади. Зеро, назариячилар томонидан дунёвий, моддий ва фойдали деб ҳисобланган фикрларга ҳаракат билан эришиш мумкин. Шу тарзда, илм-фан ўша давр руҳи ва унинг ақлий тенденцияларига асир эди.

Насронийлик бу янги тамойилни тезда қабул қилди. Диний ва дунёвий ҳамда моддий ва руҳий ишлар ўртасини ажратиш, юқорида айтиб ўтилганидек, насронийлиқда Рим империяси давридан бери мавжуд. Диний ва дунёвий масалаларда насронийликка хос бўлган бўлиниш сабабли, динни ҳаётдан ажратиш дастлаб амалда унча катта ўзгаришларга олиб келмади. Европа насроний эди. Унинг аҳолиси ҳам насроний динига эътиқод қилар, насронийлик таълимотларига эргашар ҳамда шахсий ҳаётида бу динга амал қилишда давом этар эди. Қолаверса, Европадаги ҳукмрон табақа насроний эди ва уларнинг дини ҳаёт масалаларида қандай йўналишни таклиф қилса, шунга

кўра бошқарувда давом этишарди. Насроний ҳазоратининг бутун асрлари давомида Европа халқлари табиий ҳуқуқ назариясига амал қилиб келди. Бунинг натижасида улар ҳаёт ҳақидаги ўз фикрларини диний нуқтаи назардан ҳамда ақлий жиҳатдан тўғри деб биладиган бўлиб қолишиди. Ҳатто дин бир четга суриб қўйилган тақдирда ҳам улар мантиқий сабабларга кўра айни ўша ечимларни чиқаришда давом этардилар. Насронийлар табиий ҳуқуқ назариясига асосланиб, ҳокимият бир ҳукмдорга берилиши кераклигига, зино қилиш жиноят эканлигига ва «умумий» деб белгиланган ерлар барча одамларнинг мулки сифатида давлат назорати остида бўлиши кераклигига ақлан ишонч ҳосил қилишган. Бу ғоялар дин давлатдан ажратилгандан сўнг дарҳол ўзгармади. Лекин кейинчалик, ўнлаб йиллар ва асрлар давомида уларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларининг аксари ўзгарди ва насронийлик таълимоти энди умумий Ғарб тафаккурини мустаҳкамлай олмайдиган бўлиб қолди. Ислом ҳазорати ҳам Ғарб учун бирор бир намуна тақдим этишдан тўхтаган эди. Ҳаётнинг руҳият-маънавиятдан маҳрум бўлгани учун Ғарбда материалистик мотив кескин кучайди. Утилитаризм материалистик фалсафадан келиб чиқсан табиий ҳуқуқ назариясига соя солди. Инсоннинг ҳаётдаги мақсади моддий лаззатни излаш бўлиб қолди.

Шу билан бирга, материализм билан муросага келиш тарафдорлари мағлубиятсиз қолишиди. Материалистларга фақат ақидавий мунозараларда қатнашиш таъқиқланди. Шу тариқа улар эркинлик ва демократиянинг сиёсий идеаллари каби ақидавий бўлмаган ғояларга рағбатлантирилди. Ҳижрий ўн иккинчи асрдаги Франция инқилоби материалистлар томонидан қўллаб-қувватланган қўзғолон бўлиб, фақатгина эркинлик ва демократия кўринишида намоён бўлди. Инқилоб Британиянинг собатажи туфайли сиёсий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради. Шунга қарамай, бу инқилоб натижасида юзага келган янги сиёсий ғоялар Францияда ва бутун Ғарбда фикрий жиҳатдан кенг доирада қабул қилинди. Ҳижрий ўн учинчи асрда юнон рационализми бутунлай йўқ қилинганидан сўнг материалистлар ақида мавзуларига қайтдилар. Карл Маркс ўзининг илмий материализмини экспериментал доирада тақдим этди. У ҳатто экспериментал атамалар орқали ақлга воқенинг миядаги аксланишидан бошқа нарса эмас, дея таъриф берди. Европани қамраб олган инқилоблардан қўрқиб, Ғарб иккинчи келишувга ваъда берди.

Шартнома доирасида Фарб дунёқарашига мос келадиган ва ўрнатилган Фарб тартибиға хавф туғдирмайдиган шахс ва танлов эркинлиги, шунингдек, демократиянинг ўзгартирилган версиялари таклиф қилинди. Ушбу сиёсий ғоялар динни ҳаётдан ажратиш ақидасига қўшилгандан сўнг бугунга келиб Фарбнинг капиталистик идеологияси тўлиқ шаклланди ва насронийлик даври тугади. Фарб ўзи амалга оширган чекинишлар орқали универсал материалистик тафаккур даҳшатларидан ҳамда ҳижрий ўн тўртинчи асрда ҳаётнинг катта қисми устидан ҳукмронликни қўлга киритган ва эркинлик, демократия кўринишида намоён бўлган коммунистик идеологиядан ўзини қутқариб қолди. Лекин Фарб капиталистик идеологияси ҳаётда ҳукмрон бўлиб қолди ва бугунги кунда мавжуд бўлган ёвузликларнинг аксариятидан айнан у жавобгардир. Янги капиталистик идеология Фарбда тафаккурни мустаҳкамлadi ҳамда фарбликларни тақлидчилардан етакчи ва ихтирочиларга айлантириди. Лекин бу етакчи ва ихтирочиларни шакллантирган нарса Фарб жамияти ичida ва ҳаётнинг барча жабҳаларида фақат инсон зотини эксплуатация қилувчи сохта иедологиядир. Эркинлик ва демократия, ҳатто энг яхши шаклда ҳам, бутун инсоният учун фалокат бўлди. Капитализм Фарбнинг собиқ насроний князлари томонидан амалга оширилган ўтмишдаги шафқатсиз тажовузларга яна кенг йўл очиб берди. Натижада қоронғи даврлар яна қайтиб келди.

### **Юон рационализми ҳам, Фарб эмпиризми ҳам рад этилиши керак**

Насроний мутафаккирлар юон мұфаккирларининг чуқур нуқсонли фалсафасини рад этишганида ҳақ эдилар. Мантиқий фикрлаш шуки, у математика, мантиқ ёки грамматикада осонлик билан содир бўлганидек, асосий муқаддималардан (асослардан) мавҳум фикрларни олишнинг шаклий усулидир. Нодон юононлар ҳақиқий ҳаётга алоқадор асослар ўз-ўзидан ойдинлашади деб ўйлашган. Улар воқеликдан ҳеч қандай далил келтирмасдан, ҳаёт ҳақида кенг фикрлаш тизимини яратишиди. Мантиқий фикрлашнинг иккита чегараси бор. Биринчиси, фараз тахминий бўлса, ундан олинган натижка ҳам тахминий бўлиши мумкин. Иккинчиси, нотўғри хулоса чиқариш осон. Шунинг учун муқаддималарнинг ўзи қарама-қарши натижаларни бериши мумкин. Шунга қарамай, юононлар ўзларининг мантиқий муроҳазаларига шунчалик ишонганларки, ҳатто натижалари воқеликка зид бўлса ҳам, буни

бевосита тажрибадан устун деб билишган. Чунки натижалар воқеликка зид келган пайтда, воқеликни идрок этиш бизни алдаяпти деб ўйлашган. Қадимги юононлар ҳатто эмпирик фанларда ҳам фалсафий тафаккурга мурожаат қилишган. Уларда синчковлик билан кузатиш ва тажриба ўтказишга эҳтиёж ҳам, сабр ҳам йўқ эди. Дастроб, насронийлар мантиқий фикрлашни насроний динининг баъзи мантиқиз томонларини кўрсатиш учун ажойиб восита деб билишган. Аммо мантиқий фикрлаш материалистлар қўлида фойдалироқ бўлиб, улар моддий олам йўқдан бор бўлиши мумкин деган ўзларининг мантиқиз даъволарини асослашлари керак эди. Бундан ташқари, насроний мутафаккирлар эмпиризмни юонон рационализмидан чиқиш йўли деб билишган. Динни фикрий мунозаралардан ажратиш билан насронийлар материалистлар ҳужумини тўхтатибгина қолмасдан, балки насронийлик эътиқодининг мантиқиз томонларини ақлан ҳимоя қилишдан ўзларини қутқардилар. Қўпгина бошқа ўзгаришлар сингари, эмпиризм ҳам Ислом оламидаги собиқ муҳокамалардан илҳомланган. Бундай ҳолатда, насроний мутафаккирлари эмпиризмни юонон рационализмига мос альтернатива сифатида қабул қилдилар.

Хижрий ўн биринчи асрда насроний Farb мусулмон олимларининг бир неча асрлар олдин олиб борган кузатиш ва тажрибаларини тақорлаш орқали «илмий инқилоб» деб аталмиш ҳодисада экспериментал усулни қўллай бошлади. Бу – эмпиристлар ҳаёт ҳақидаги барча ғояларга асос қилган эмпирик усулидир. Эмпирик усул, агар унинг мақсади нарсаларнинг табиатини қандай бўлса, ўшандай ўрганиш бўлса, тўғри фикрлаш усулидир. Бу усул берилган шартларга обьектни қайта-қайта бўйсундиришни, кейин эса унинг реакциясини кузатиш ва ўрганишни талаб қиласи. Эмпирик усулни қўллаш аниқ маълумотга олиб келади, масалан, бир атмосфера босими остида сув ҳарорати 100 градусга етганда қайнайди ёки ёруғлик вакуумда секундига 299.792.458 метр тезлиқда тарқалади, деган маълумот каби. Аммо назорат қилинадиган шароитларда тақорланиб бўлмайдиган ҳодисалар, масалан, тарихий воқеалар ёки организмларнинг механик бўлмаган реакциялари ҳақида экспериментал усул бизга ҳеч нарсани бермайди. Эмпирик фанлар доирасида ҳам илмий тушунтиришларни назариялаштириш учун экспериментал усульдан ташқарига чиқиш керак. Эмпирик усулнинг

ўзи «Бойл қонуни» (Роберт Бойл) ёки Эйнштейннинг нисбийлик назариясини хulosса қила олмайди. Гипотезалар, назариялар ва ҳатто фан қонунлари чекланган маълумотлар тўпламидан келиб чиқадиган ва кейинчалик кенгайтириладиган тахминий умумлашмалардир. Нютон механикаси ўз даври учун фойдали назария эди ва инсоният ундан фойда кўрди. Аммо у янги мавжуд эмпирик маълумотларни тушунтира олмагач, у Эйнштейннинг нисбийлик назарияси билан алмаштирилди. Маълумки, бугунги кунда нисбийлик назарияси ҳам квант эфектларини тушунтириш учун етарли эмас. Физиклар Эйнштейннинг нисбийлик назариясини четлаб ўтадиган назария бўйича ҳалигача келиша олмайди. Илмий назарияларда умумийдан хусусийга ўтувчи дедукция (умумий ҳолатдан хусусий хulosаларга келиш, хусусий хulosалар чиқариш) эмас, хусусийдан умумийга ўтувчи индукция (жузъий ҳодисалардан умумий натижага чиқариш, айrim фактлардан умумий хulosага келиш; акси дедукция) қўлланилади. Индукция эса моҳиятан фараздир. Чунки чекланган маълумотлар доирасида умумлаштирганда, тахминлар қилиш керак бўлади. Экспериментал усул бизга якуний натижаларни бериши мумкин. Аммо унинг доираси жуда тор.

Фарб эмпиризми ўзининг чекланганлиги ҳақидаги хавотирларга инсондан фақат бевосита идроки билан якуний билим сифатида ўзидан қониқишини талаб қилиш орқали жавоб беради. Аммо кундалик тажриба шуни кўрсатадики, биз ўзимиз кўришимиз мумкин бўлган нарсадан кўра кўпроқ нарсага амин бўлишимиз мумкин. Мисол учун, мен ўзим эришган хulosаларимга амин бўлишим мумкинки, кўпинча улар аниқ ва ҳеч қандай умумлаштиришларни ўз ичига олмаган бўлади. Хонамдаги стол устида бир пиёла иссиқ чой топиб олсан, уни кимнингдир кўйганини кўрмаган бўлсан ҳам, ҳеч шубҳасиз уни кимдир кўйганини биламан. Ишончим комилки, мен умумлаштирумасдан маълум бир фактдан маълум бир асосли хulosага ўтмоқдаман. Бунда менинг ишончим комил. Чунки мен аниқ маълум фактдан аниқ асосли хulosага умумлаштирумасдан ўтяпман. Мен барча турдаги хоналарда, ҳар қандай вақтда ва барча турда чойларнинг топилиши мумкинлиги ҳақидаги умумий назарияни ёқлаётганим йўқ. Балки айни дамда олдимда турган бир пиёла иссиқ чой ва у билан боғлиқ нарсалар ҳақида гапиряпман. Яъни мен бу пиёла чойни қандай шароитда топганимни яхши биламан. Мен ҳеч

шубҳасиз аниқ бир холосага келишим ва ниманидир тўғридан-тўғри кўрмаган бўлсам ҳам, ишонч билан билишим мумкин. Худди шунингдек, яратувчининг борлигини ҳам тўлиқ ишонч билан англай оламан. Бундай ҳолда, биз ҳаёт ҳақида умумий холосалар чиқармасдан, бошқача айтганда, воқелик ҳақида фикр юритишида индукция ёки дедукция усулларидан фойдаланмасдан, ўзимиз ҳис қилаётган аниқ бир воқелиқдан аниқ холосага ўтамиз. Бу – инсон яратилишдаги гўзал нарсани пайқаб, ўзи буни пайдо қила олмаслигини ва бу ҳаётда бошқа ҳеч нарсани пайдо қила олмаслигини англаб етган пайтда, ҳиссий тарзда амал қиласиган ёндашувдир. Биз бу ҳиссий ёндашувни қонуний фикрий йўл деб тан олишимиз керак.

Юнон рационализми ҳам, Фарб эмпиризми ҳам инсон ақли ва тафаккурига тўғри таъриф бера олмагани учун билим олишда хатога йўл қўйган. Ақл ёки тафаккур тўртта элементдан иборат: воқелик, ҳис, мия ва собиқ маълумотлар. Агар ушбу элементлардан биттаси бўлмаса, унда фикрлаш жараёни юзага келмайди. Инсон йўқ жойдан собиқ маълумотни яратадиган. Аммо агар сиз унга дастлабки маълумотларни берсангиз, у уларни ривожлантириши ва кенгайтириши мумкин. Бу унинг талқин қилиш қобилиятини оширади. У ўзи олганидан ҳам кўпроқ маълумотни бошқаларга етказишга қодир. Фикрлаш жараёни инсонда қуйидаги тарзда амалга ошади: воқелик инсоннинг ҳис-аъзолари ёрдамида мияга узатилади ва шу воқеликка алоқадор бўлган собиқ маълумотлар ёрдамида талқин қилинади. Бу – фикрлашдаги ақлий тариқатдир. Лекин услугуб билан тариқатни фарқлаб олиш зарур. Мантиқий фикрлаш ва эмпирик ёндашув фикрлашда яроқли услугблардир. Аммо уларнинг қўлланиш доираси анча чекланган. Фикрлашдаги ақлий тариқат эса, тафаккурнинг барча турлари учун умумийдир, чунки у тафаккурнинг ўзини тасвирлайди.

Қадимги юнон кофирлари ва ҳозирги Фарб билим ва собиқ маълумотларнинг келиб чиқишини Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолони тан олмасдан тушунтиришга ҳаракат қилишган. Юнонлар мияни маълумотлар манбай деб ҳисоблашган. Улар ҳар қандай масалада ҳақиқатга шунчаки ақлий мулоҳаза орқали эришиш мумкин, бунинг учун ҳукмлар ташқи далилларга муҳтоҷ бўлмасдан, ички уйғунликни талаб қиласиди, деб ҳисоблардилар. Рационализм аҳмоқ юнонлар учун уларни қизиқтирган ёки уларнинг тасаввурларини қамраб олган барча нарсани муҳокама қилишга майдон очди. Бу

уларни хаёлий фикрлаш моделларини яратишга олиб келди. Уларнинг аксарияти ҳаёт ҳақиқати борасидаги иллюзиялардир. Улар ҳаётий муаммоларга шундай ечимларни ишлаб чиқишиди, булар одамларга таърифлаб бўлмас бахтсизликларни келтирди. Оилани бекор қилиш ғояси шулар жумласидан бўлиб, материалистлар бугун ҳам уни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо тафаккурни бошқариш учун бўлган ҳаракатларида Фарб эмпиризми тескари томонга юрди. Агар юононлар учун билим манбай мия бўлса, эмпириклар учун билим манбай ҳақиқатдир. Улар тўғридан-тўғри идрок этиш мумкин бўлган нарсани аниқ билиш мумкинлигини айтдилар. Экспериментал фанлар бўрттирилган обрўга эга бўлди. У шунчалик кенгайдики, у инсоннинг яратилиши каби ўз доирасидан ташқаридаги нарсалар ҳақида ҳукм қилиш қуролига айланди. Эмпиризм метадологияси ҳаёт ҳақидаги батафсил ечимларни ишлаб чиқиш учун «ижтимоий фанлар» деб аталмиш фалсафа орқали нотўғри тарғиб қилинди. Буни амалга ошириш учун Фарб эмпиризми ижобийни меъёрий билан аралаштириб юборди ва нима бўлиши кераклигини чалкаштириб юборди. У инсоннинг ҳозирги шароитини ўрганар экан, ечимни айни шу шароитнинг ўзидан ишлаб чиқиш учун ўрганди. Токи, инсонда мавжуд инқироздан чиқиб олиш учун зарур бўлган ғоялар бўлсин. Эмпиристлар воқеликнинг ўзи фикрни келтириб чиқармаслигини, балки воқелик талқин қилиниши кераклигини тушунишмади. Ақл миядан воқеликдан ўзига узатилган ҳиссий идрокни масалага тегишли собық маълумотлар билан боғлашни талаб қиласди. Билимнинг манбай ақл ва дунё ҳаётининг ҳақиқати эмас, балки Аллоҳ Таолодир. У зот бизга ушбу ҳаётни бериб, сезги аъзолари ва ақл билан бизни таъминлади. Бизга дастлабки собық маълумотларни Аллоҳ берган. Бу маълумотлар биринчи инсонга коинон ҳақида тушунган нарсаларини талқин қилишни бошлашга имкон берган. Бу эса унга инсониятнинг қолган қисмига ўтиши мумкин бўлган фикрларни шакллантиришга имкон берди.

### **Динни ҳаётдан ажратиш мумкин эмас**

Динни ҳаётдан ажратишга барҳам берилиши ҳамда умумий ҳаётдаги мақсадлар хос ҳаётдаги мақсадлар билан мос келиши керак. Ҳаёт ҳақидаги тўғри фалсафа рухни моддадан ажратиша эмас, балки рухни модда билан қоришишишдадир. Инсон ҳаёт ишларида фақат моддий мақсад учун эмас, балки юксак маънавий

мақсад учун тўла иштирок этиши, шу билан бирга ҳаётда нафақат моддий, балки ахлоқий, инсоний ва руҳий қийматларга ҳам аҳамият бериши керак. Яна шуни таъкидлаш лозимки, инсоннинг ҳақиқий тақдиди бу ҳаётда эмас, балки кейинги ҳаётдадир.

Инсон ўз ҳаёти ва ҳазоратини ҳозирги ва кейинги ҳаётига алоқадор ўзининг энг муҳим саволларига жавоб берадиган ҳамда инсон мавжудлигининг моҳияти ва ҳаётдаги мақсадини яратувчининг мавжудлиги масаласи билан боғлайдиган соғлом ва кенг қамровли фикрий пойдевор устига бино қилиши лозим. Инсондаги ушбу энг муҳим саволни инсоннинг шахсий ҳаётидан олиб ташлаб бўлмайди. Аксинча, инсоният жамияти, давлат ва ҳазоратнинг асоси ва бутун тузилиши шу савол жавоби асосида шаклланади. Яратувчининг борлигини ақл ёрдамида ҳамда инсон ҳисси тушадиган мавжудотларга назар солиш билан аниқ идрок этиш мумкин. Чунки бу мавжудотларнинг барчаси ўзини ўзи пайдо қила олмаслиги, уларнинг ҳаммаси чекланган ва ўзидан бошқасига муҳтоҷ экани, барча чекланган ва ўзидан бошқага муҳтоҷ нарсалар яратилганлиги очиқ ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатни тушунтириш учун ақлдан фойдаланилади. Шунда ақл мавжуд бўлган барча нарсалар инсоннинг бевосита идрокидан ташқарида бўлган яратувчи томонидан яратилган, деган хуносадан бошқасини чиқармайди. Бу хуроса якуний ҳисобланади. Чунки у ҳаёт ҳақида ҳеч қандай умумий тахминларга мурожаат қилмасдан, муайян ақлий натижага эришиш учун инсоннинг ҳисси тушадиган муайян воқеликдан фойдаланади. Бу хуносани рад этишнинг сабаби, инсоннинг унга эриша олмаслигида эмас, балки унинг табиий ва ҳиссий тафаккурини рационализм тариқати асосида нотўғри деб ўйлаб олиб, уни адаштирилганидадир.

Ислом ақидаси инсоннинг мавжудлиги ва унинг ҳаётдан мақсади ҳақидаги саволга дунё ҳаёти ва ундан кейин нималар бўлишини тўғри ва соғ тушуниш асосида ҳар томонлама ақлий ечим беради. Инсон ўз ҳаётидан мақсадини, ҳаётий муаммоларга ечимни пайғамбар ва росулларнинг охиргиси бўлмиш Муҳаммад ﷺ Қуръон ва Суннатда нақл қилган ваҳий орқали йўз яратувчисидан олади. Сақофат ва ҳазорат ҳам шунга асосланиши керак. Халифалик давлати бунга ўтмишда эришган ва яқин келажакда яна бунга эришади. Фарбнинг муваффақиятсизлигидан сўнг, Исломнинг қайтиши яқинлашмоқда. □

## **ҲОКИМ (ҲУКМ ЧИҚАРУВЧИ) КИМ? КИМ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ХҮҚУҚИГА ЭГА? АЛЛОҲ ТАОЛОМИ ЁКИ ИНСОНМИ?**

**Соир Салома (Абу Молик)**

Иқтидорли муаллиф Соир Саломанинг «Фарб тафаккурининг қора қутиси» номли китобида ушбу саволнинг фикрий пойдевори қўйилди. Бу савол китобнинг деярли асосий мавзуси эди. Унда муаллиф қонунчиликни инсонлар қўлига топшириш натижасида юзага келадиган мураккаб муаммоларни тушунитириб ўтган.

Қонун чиқаришни инсонга эмас, балки яратувчига топшириш қандай натижаларни олиб келади? Биз нега буни қилишимиз керак? Исломий шариатнинг ўзини ва унинг мўъжизавий хусусиятларини инсонни тузатувчи, ҳақиқатни рўёбга чиқарувчи, адолатни ўрнатувчи ҳамда ҳаётни тўғри тартибга келтирувчи метод (қўлланма) сифатида қабул қилиш нега вазифа қилиб юкланган? Муаллиф бу саволлар жавобини баён қиласар экан, масалани тўғри ўзанига қайтарадиган ечимларни таклиф қилди.

**Қонунчиликнинг яроқлилигини кафолатловчи ҳамда ҳукмнинг моҳияти билан боғлиқ белги ва хусусиятлар:**

а) Муаммоларнинг кенг қамровли, барқарор, ҳаётдаги ўзгаришларга жавоб бериш қобилиятига эга, мослашувчан бўлмаган, ривожланмайдиган ҳамда ҳар бир замон ва маконга яроқли ечимини бериш учун фикрлаш ўрни бўлган воқеликка қараладиган тўғри бурчакни белгилаш. Буни белгилаш билан қонун чиқарувчи қонунларни ўзгартиришга муҳтоҷ бўлиш ёки замон, макон ва шароитлар ўзгариши билан қонунларнинг ўзгариши ёки зиддиятли қонунлардан зиддиятли қонунларга ўтишга мажбур бўлиш муаммосига учрамайди. Ҳолбуки, мазкур ҳолатлар жамиятни фикрий парокандаликка тушириб қўяди ёки муқаррар равишда адолатни рўёбга чиқмаслигига олиб келади.

Ислом белгилаган бу нуқтаи назар умумбашарийдир. У инсон муаммоларига шундай ечимларни берадики, улар ер юзидағи ҳар бир инсонга мос келади. Чунки инсон табиати ва унинг хусусиятлари (унинг ғаризалар ва организм эҳтиёжларидан келиб чиқувчи ҳаётий қуввати) бир хил. Атом асридаги инсон ўзининг хусусиятлари, табиати ва эҳтиёжларида минг йил олдинги инсондан фарқ қilmайди. Шунинг учун ечимлар ушбу муаммоларнинг яроқли ечими бўлиб қолади.

Ислом ечими умумбашарийлиги билан ажралиб туради. У бошқаларни истисно қилган ҳолда фақат маълум бир қабила ва қавмгагина хос ечим эмас. У жинс, қобилият, куч ва истеъдоддаги фарқнинг масъулият, вазифа ва аҳкомларга таъсирини инобатга олади. Шунинг учун Ислом аёлга унинг аёллигига мос маҳсус аҳкомларни, эркакка унинг яратилиш табиатига мос аҳкомларни белгилади. Эркак ва аёлдаги кучларнинг ҳар хиллиги ҳеч қандай рол йўнамайдиган масалаларда эса, Ислом ҳар икки жинсга бир хил ҳукмларни белгилади. Ислом қонунчилиги бурч, ҳуқуқ ва масъулияtlарни шахс, оила, жамият ва давлатга куч ва қобилиятига қараб тақсимлаган. Бу эса, жамоат фаровонлиги ва хавфсизлигини рўёбга чиқаришда ҳамда унинг қийматларини сақлаб қолишда шахснинг иштирокини кафолатлади. Шахснинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича жамоат ва давлатга юкланган масъулияtlар ҳамда бойликнинг адолатли тарзда тақсимланиши жамият гурухлари ўртасидаги тафовутни бартараф этади. (Буларга яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришни, ижтимоий бирдамликни ва (бойликнинг тақсимланишига) ўлжани мисол қилиш мумкин).

Ислом ушбу бўйруқ ва қайтариқларни, шунингдек, масъулият, бурч ва ҳуқуқларни шароит, аҳвол, замон, макон, мұхит ва урфга қараб ўзгариб турувчи эҳтиёжларга қаратмайди. Аксинча, шароит, аҳвол, бало-офатлар, урф ва манфаатларни уларни тартибга солувчи қонунлар билан назорат қиласи. (Яъни воқеликдан келиб чиқсан бало-офатлар ёки ундаги мавжуд муаммоларга ечим берар экан, ечим истинбот қилишда воқеликни фикрлаш манбаси қилиб олмайди. Аксинча, воқеликни ўз тушунчалари ва истинбот қилган аҳкомлари билан тартибга келтириш учун уни фикрлаш ва ўзгартириш мавзуси қиласи). Ечимлар барқарор бўлиб, улар ўзгармайди. Ушбу барқарор ечимлар адолатга эришишнинг бардавомлигини, мақсад ва вазифаларнинг муносиб тарзда амалга оширилишини, шунингдек, қонунчилик тизимининг уйғунлиги сақланиб қолинишини кафолатлади. Шунда воқелик фикрлаш манбаи сифатида қабул қилинмайди ва қонун чиқарувчи «одамлар уй-жойга мұхтож, лекин уни қуришга қурби етмайди, шунинг учун судхўрликка қўйилган тақиқни бекор қилишдан ва судхўр банклар фаолиятига рухсат бериш тўғрисида қонун қабул қилишдан бошқа чора йўқ», демайди. Ислом ҳаргиз бундай аҳволга тушмайди. Чунки бундай фикрлаш капиталистик низом

махсусидир. Бұндай фикрлаш натижасыда давлат фуқароларға ғамхұрлық қилиш сифатини йүқтади, солиқ йиғувчи давлатта айланади ва одамларнинг зарурый әхтиёжлари қондирилишига аралашмайди. Капитализм бойликнинг одамлар ўртасыда адолатли тақсимланишига әмас, балки оз сонли капиталистлар қўлида тўпланишига асосланади. Капитализмда катта бойлар табиий бойикларни ва уларнинг қазиб олинишини, шунингдек, цемент ва темир каби үйлар қуриш учун зарур бўлган материалларни монополия қилиб олади. Натижада ушбу материаллар нархи сезиларли даражада кўтарилади. Капитализмнинг олтин билан таъминланмаган қоғоз пул тизими иқтисодиётда инфляцияга олиб келади. Пулнинг қадрсизланиши натижасыда нархлар кўтарила бошлайди. Шундай қилиб, жамиятдаги кўпчилик одамлар компаниялар эгалари ва сармоядорлар қўлидаги ишчиларга айланади. Уларнинг үй қуришга қурби етмайди. Чунки қурилиш материаллари нархининг кўтарилиши капитализмнинг табиати ҳисобланади. Шунинг учун одамлар банкларга мурожаат қилишга мажбур. Ислом неfty, олтин, туз, темир, цемент ва буларга ўхшаган табиий бойикларга якка шахсларнинг эгалик қилишини тақиқлаган. Чунки бұндай бойиклар мусулмонларнинг умумий мулкидир. Бұндай бойикларнинг қазиб олинишини ҳамда ундан тушган маблағларнинг ўз ўрнига сарфланишини яхши йўлга қўйиш мусулмонларнинг зарурый әхтиёжлари. Шунингдек, камолий әхтиёжларнинг катта қисми таъминланиши учун кафилдир. Бундан ташқари, олтин ва кумушга асосланган пул тизимида инфляция юз бермайди.

Ислом инсоннинг ғариза ва жисмоний әхтиёжларини қондириш учун қилган хатти-харакатын ечим беради. Инсоннинг хатти-харакатлари ва муносабатлари бир хил қоңда ва номлар остида бўлади. Масалан, наслни сақлаб қолиш ғаризасини қондириш йўлларида, унда кўзда тутилган никоҳ ва ажрашиб масалаларида, шунингдек, тижорат битимлари ва турларида аҳкомлар инсоннинг ҳатти-харакати ва воқеликка алоқадор бўлади. Ҳар бир воқелик учун ўзгармас ечим бор. Масалан, зино ўпиш ва тегажоқлик қилиш билан бир хил әмас. Ҳар бир ҳатти-харакатнинг ўзи учун белгиланган ҳұмми ва жазоси бор. Шунингдек, қуёш тутилганда ўқиладиган кусуф намози жаноза намози билан бир хил әмас. Бу амаллар ҳар қандай замон ва маконда такрорланадиган мұайян

муомалалар шаклида амалга оширилади. Бунга мулкка эга бўлиш сабабларини, масалан, меҳнат (жумладан, ов, музораба, ўлик ерни тирилтириш ва маош эвазига ишлаш), мерос, давлат томонидан фуқароларга маблағ берилиши ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Молни ўстириш ва кўпайтириш сабаблари ҳам маълум муомалалардан бўлиб, уларнинг байъ, ижара, битимлар, қимор ва бошқа масалаларнинг аҳкомлари каби ўзгармас аҳкомлари мавжуд. Буларнинг барчасида муомалаларнинг қандай бўлса ўшандай эканлиги кузатилган. Маълум ҳақ эвазига ишлаш Хитойда бўладими ёки Америкадами, айни шу замонимиздами ёки ўтмишдами, ширкатда ишлайдими ёки Аббосийлар халифалиги замонида чеварчилик қиласидаги хос ёлланма ишчи бўлибми, қимор ўйини ўтмишдаги ҳолатда ўйналадими ёки бугунги кунимизда лоторея орқали ўйналадими ҳеч фарқсиз Ислом ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондирадиган амалларнинг аҳкомларини баён қилиб берган. Шунингдек, байъ, никоҳ ва бошқалар каби муомалаларни амалга оширишнинг батафсил тариқати ҳақида, масалан, машина, пиёз каби эҳтиёжлар қондириладиган нарсаларга эгалик қилиш тариқати ҳақида ҳамда қандай тасарруф қилиш ҳақида (ўғирлик биланми ёки байъ биланми), Ислом байъни ҳолол, рибо, ўғрилик ва талан-тарожни ҳаром қиласидаги тафсилий аҳкомларни ва закот аҳкомларини баён қилган. Энди мана шу аҳкомлар то қиёматгача ўзгаришсиз собит холатида қолади. Демак, байъ аҳкомлари ўзгармайди. Чунки биз туяларни ўрнига самолётлар сотамиз! Аллоҳ Таолонинг

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الْبَيْوَا

**«Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган»** [Бақара 275] (байъ) сўзи – байъларнинг барча турларини ўз ичига олади. Байънинг мубоҳлиги тўғрисидаги умумий ҳукм баъйнинг барча турларига тааллуқлидир, яъни умумий хукмдир!

Иқтисодий, ижтимоий ва жамиятнинг булардан бошқа низомларида Ислом муаммога иқтисодий ёки ижтимоий муаммо деб қарамайди, балки инсонга алоқадор иқтисодий муаммо деб қарайди. Капиталистик иқтисодиётдаги ишсизлик ва даврий турғунлик муаммосини ҳал қилиш учун «Кейнс» (Жон Мейнард Кейнс) назариясига асосланган усулларни излашга ҳожат йўқ. Қашшоқликка барҳам бериш ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан эмас, аксинча, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг асосий

Эҳтиёжларини қондира олиши учун уларга бойликни тақсимлаш билан бўлади. Ғарбда – гарчи бойликка эга бўлганлар халқнинг беш фоизидан ошмаса ҳам, ишсизлик, уйсизлик ва қашшоқлик даражаси, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги етишмовчиликлар ҳар қанча юқори бўлса ҳам – иқтисодий ўсиш ялпи миллий даромадга қараб ўлчанади. Бу эса, муаммога ҳар бир шахсга алоқадор бўлган муаммо эмас, балки соф иқтисодий муаммо деб қараваш натижасидир. Исломга келсак, у «ижтимоий ҳамжиҳатлик» тизимини ўрнатиш орқали ҳам шахснинг, ҳам жамиятнинг қашшоқлик муаммосини ҳал қиласди.

Илмоний либерализм муаммоларни ҳал қилишда эътиборни инсон учун танлаш эркинлигини таъминлашга ва унга моддий неъматлардан энг юқори даражада фойлаланиш имконини беришга қаратади. Муаммоларни инсон ва жамиятга алоқадор муаммо деб эмас, балки, иқтисодий ёки ижтимоий муаммо деб ўрганиш, шунингдек, уларга ҳақиқат нисбийдир, ўзгариш ҳаёт қонунидир, деган нуқтаи назар асосида қараваш ғарбдаги қонун чиқарувчиларни зиддиятли қонунларни чиқаришга мажбур қиласди.

б) Ислом ишлар ва нарсаларга таъсир этувчи ҳар бир ҳақиқий ёки гўмонли омилларни ҳисобга олади. Шундай қилиб, қонунчиликнинг воқелигига ва қонунларнинг қабул қилинишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган, жой, вақт, атроф-муҳит, техника ва саноатнинг ривожаланиши, маданий тараққиёт каби омилларга эътибор бермайди. Шунингдек, инсон хулқ-авторига таъсир этувчи омилларга ҳам эътибор берилмайди. Лекин инсон хотўғри меъёрлар, масалан, урф-одат ва анъаналар асирига айланиб қолмаслиги учун Ислом бу таъсирни йўқ қиласди.

в) Ислом манфаат ва зарар мавзусига инсоннинг ҳавои-нафси ва майл-истакларига мос келадиган, шунингдек, манфаат ва зарар борасидаги инсоннинг чекланган ўлчовларига мувофиқ келадиган соф моддий томондан қарамади. Аксинча, инсон учун мукаммал ҳаёт низомини, ўзига хос яшаш тариқатини тақдим этди. Бу нарса иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муносабатларнинг тўғри ва тўлиқ тартибга солинишини кафолатлади. Шунингдек, инсоннинг шахсий ва ижтимоий масъулиятини, шунингдек, давлат масъулиятини тўлақонли низом кўринишида белгилади. Бу низом инсонга баҳт-саодат ва хотиржамлик олиб келади, жамиятнинг барқарорлигини рўёбга чиқариб, Умматни юксалтиради.

г) Инсон қонунчилиги моддий манфаатларни рўёбга чиқаришга асосланади ёки унинг ўлчовлари фақат моддий, утилитар характерга эга бўлади. Чунки қонун чиқарувчи-инсон манфаатларни тўлиқ аниқлай олмайди. Шунинг учун инсон чиқарган қонунлар зиддиятли бўлади. Бундан ташқари, инсон ўлчовларида доим хато қилиш эҳтимоли мавжуд. Чунки у гумонли масалаларда ечимлардан қайси бири тўғрироқ бўлиши мумкинлигини ажратиш имконини берадиган қурол (ўлчов)га эга эмас. Бу эса, ушбу қонунлардан қандайдир бир қийматнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қиласди. Баъзида бир қонун бекор қилиниб, бошқа қонун ижро қилинади-да, бир мунча вақт ўтганидан кейин манфаатнинг бекор қилинган қонун билан амалга ошиши маълум бўлади. Ёки бир қонун вақтинча манфаатни рўёбга чиқаради-да, кейин шароит ўзгариб, унинг манфаатни рўёбга чиқармаслиги аён бўлиб, уни ўзгартириш керак бўлади. Ёки баъзида муаммонинг ечими қонун чиқарувчининг хаёлига ҳам келмаган бир ишда бўлади. Шу боис, ғарбдаги сиёсий партиялар ҳар бир сайлов кампаниясида қонунларни жамиятга салбий таъсир кўрсатгани учун ўзгартиришга, сиёсатни бошқа томонга буришга ваъда берадилар. Шунинг учун қонунчиликнинг шундай манбаси керакки, унда манфаатларни аниқлашда ҳеч қандай эҳтимоллик бўлмасин ва унда фақат ҳақиқат бўлсин.

д) Қолаверса, инсон ўзининг бажарган ишлари билан нафақат моддий қийматни, балки руҳий, инсоний ва ахлоқий қийматларни ҳам рўёбга чиқаришга интилади. Шунинг учун ғарбда соф моддий қийматдан бошқа қийматларни рўёбга чиқарадиган ишларга эътиборсизлик борлигига гувоҳ бўламиз. Мисол учун кўчада кимдир ҳужумга учраса, унга ёрдам қўлини чўзувчилар кам топилади. Гарчи унга ёрдам қўлини чўзувчилар топилган тақдирда ҳам, улар буни илмоний жамият шакллантирган қийматдан келиб чиқиб эмас, балки насронийлик ёки инсонпарварлик қийматларидан келиб чиқиб қиласдилар.

е) Исломнинг манфаатларга бўлган қарashi моддий жиҳат билан бирга руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматларнинг бўлишини ҳам таъминлади. Шунинг учун қонунчилик қийматларга боғланади. Бу қийматлар манфаатларни рўёбга чиқаради ёки улкан фойдаларни рўёбга чиқарувчи закот низоми каби ижтимоий тизимларни пайдо қилишга қаратилган қонунчилик тизимининг бир қисми бўлади. Зоро, закот низоми бойлардан пул йиғиш

Ҳоким (ҳұмм чиқарувчи) ким? Кім қонун чиқариш ҳуқуқига әга? Аллоқ Таоломи ёки инсонми?

жараёни бўлса ҳам, жамиятга барқарорлик ва ҳамжиҳатлик олиб келади.

ё) Қонунчиликнинг тўғрилиги ва одиллиги. Қонунчилик характер, масъулият ва қобилиятлар ўртасидаги фарқларга эътибор қаратмайдиган «ижтимоий тенглик» каби сохта шиорларга таянmasлиги, «ижтимоий ҳамжиҳатлик» каби амалга ошириш мүмкін бўлган ғояни илгари сурини, шунингдек, кўпчиликнинг фикрига ёки умумий иродага асосланган демократиядек хаёлий бўлmasлиги керак.

ж) Қонунчилик инсон ҳатти-ҳаракатларининг ер юзини эзгу ишлар билан обод қилишга, ерга вайронагарчилик келтирmasликка олиб келишини таъминлаши лозим. У инсоннинг инсоний табиатини, онглилигини ҳисобга олиши, манфаатини ҳақиқатдан рўёбга чиқариши керак. Бу эса, қонун чиқарувчидан шахс ва жамият манфаатлари, шунингдек, уларга таъсир қилувчи омиллар ҳақида билимга әга бўлишни талаб қилади.

з) Қонунчилик адолатни ва барчанинг қонун олдида тенг бўлишини рўёбга чиқариш қобилиятига әга бўлиши керак. Унда ҳуқуқ таъминланиши, шахс ҳуқуқи билан жамоат манфаати ва ҳуқуқи ўртасида мувозанат амалга оширилиши, айбга яраша жазо белгиланиши ҳамда жазода тенглик бўлиши лозим.

и) Қонунчилик муаммога чуқур кириб бориши ҳамда муаммога нима таъсир қилишини ва ундан нима таъсирланишини чуқур ўрганиши керак. Инсоннинг нафси ва унинг интилишлари ҳақидаги, шунингдек, инсон ҳаёти ва эҳтиёжларининг ҳар хиллиги ва ўзгариб туриши ҳақидаги билимга асосланиб, муаммога атрофлича, ҳар томонлама қаралиши лозим.

### **Қонунчиликнинг яроқлиигини кафолатловчи ва ҳаётда қонуннинг татбиқ этилишига алоқадор ҳусусиятлар**

а) Қонунчиликни диний ва ахлоқий қийматларга боғлаш: Токи, қонунчилик дин ва ахлоққа хизмат қилсин ва уларни ҳимоясига олсин, уларни бузиш воситаси бўлиб қолмасин.

б) Табиий шароитга мос келадиган ечимларни белгилаш ва инсон бошдан кечириши мүмкін бўлган истисноий ҳолатларни ҳисобга олиш (зарурат ва машаққатга оид аҳкомлар).

в) Шундай бир қиймат ва ўлчовлар бўлиши керакки, улар жамиятда ҳукмрон бўлсин ҳамда қонунчиликдан кўзланган ғояга айлансин. Бироқ, бундай қиймат ва ўлчовларнинг бўлиши илмонийлик ва демократиянинг, шунингдек, улар «плюралистик»

деб атаётган жамиятнинг фикрий асосларига зиддир. Чунки бундай қиймат ва ўлчовларнинг бўлиши плюрализм ғоясига хавф туғдиради ҳамда жамиятга шахсни фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласидаги муайян қарашларни ўрнатади, қонунчиликни ўзгармас қилиб қўяди, ҳолбуки, уларнинг наздида қонунчилик моҳияти нисбий ва ўзгарувчандир. Бу эса, уларнинг фикрича, адолатнинг барбод бўлишига, қонунчиликнинг ҳар қандай ижтимоий ғоя ва мақсадлардан маҳрум қилинишига кенг йўл очади.

г) Давомийлик. Чунки ўзгарувчанлик низомнинг яроқсизлигидан ҳамда қонунчиликнинг муаммоларни тўғри ҳал қила олмаслигидан далолат беради. Қонунни ўзгартириш унинг яроқсизлигини тан олишдир. Чунки муаммо бир хил бўлгани ҳолда, янги ечим эски ечимдан устун келиб, унинг хатолигини исботлайди. Қонунлар ўзгаришининг давом этиши инсоннинг қонун чиқаришга қодир эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, қонунлар ўзгариши эски низомнинг жамият даражасида адолатни ва кутилган қийматни рўёбга чиқара олмаганини тан олиш демакдир. Шу билан бирга, бузилган ҳуқуқларни қайта тиклаш учун эски қонунлар билан ҳал қилинган барча ҳолатларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас. Шундай қилиб, жамият адолатни ва ижтимоий қийматларни рўёбга чиқара олмаслик гирдобида айланишда давом этади. Бу эса, одамларнинг қонунларга ва қонунчиликка бўлган ишонч ва ҳурматини сусайтиради ҳамда низомнинг муаммоларни ҳал эта олмаслигини очиб беради.

д) Ислом муаммолар ечимини тўлиқ қамраб оладиган ва қонунчиликдан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқарадиган бир қатор аҳкомларни амалда жорий қилди. Масалан, Ислом ўғриликни тақиқлаш ва ўғрини қўлини кесиш ҳақидаги қонунни белгилади. Зоҳиран олиб қараганда, бу қонуннинг ёлғиз ўзини бошқа қонунлардан ажратган ҳолда татбиқ этилса, Исломнинг инсониятга раҳмат эканлигига мос келишини тасаввур қилиш қийин бўлиши мумкин. Бироқ, чуқурроқ тадқиқ этсак кўрамизки, Ислом мулкка эга бўлишнинг ҳалол сабаб (йўл)ларини баён қилиб, уларга рағбатлантирган. Масалан, мулкка эга бўлишнинг меҳнат, мерос, совға ва нафақа каби сабабларини баён қилган. Шунингдек, одамларнинг уй-жой, кийим-кечак, даволаниш ва таълим олиш каби асосий эҳтиёжлари таъминланишига алоқадор аҳкомларни баён қилиб, фуқароларни ушбу эҳтиёжлар билан таъминлаш вазифасини давлатга юклаган ҳамда давлат томонидан

Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) ким? Ким қонун чиқариш ҳуқуқига эга? Аллоҳ Таоломи ёки инсонми?

шахсга зўровонлик қилинишини ва мулки талон-тарож қилинишини тақиқлаган.

Демак, аҳкомларни умумий йиғиндиси раҳмат ва адолат доирасида тартиблашди. Шунинг учун агар ўғри унинг эҳтиёжларини кафолатлаган аҳкомларни тўлиқ тартиб-қоидаларини оёқ ости қилган ҳолда ўғрилик қилган бўлса, унинг қўлини кесиш унга нисбатан раҳмат ҳисобланади. Зоро, берилган жазо гуноҳи мағфират қилинишига сабаб бўладиган жазо бўлди. Шунингдек, жамиятга нисбатан раҳмат бўлди. Чунки биронтаси ўғрилик қилишга журъат қилолмайдиган даражада, гуноҳдан қайтарадиган ва инсонларнинг молларини ва хавфсизлигини ҳимоя қиласидиган жазо бўлди. Демак, мафаатни жалб қилиш ва зарарни даф қилиш муаммо хақида ва муаммога ечим бериш хақида фикрлашдан юқорироқ фикрлашга муҳтож бўлади. Яъни муаммони туб томиридан йўқотиб ташлайдиган комил қонунлар хақида фикрлашга муҳтож бўлади ва ҳар қандай шароитда шахсни эҳтиёжларини кафолатлайдиган ва жамиятни хавфсизлигини таъминлайдиган мукаммал қонунлар хақида фикрлашга муҳтож бўлади. Шунингдек, мана шу сифат жамиятга оид бўлган мукаммал низомлар йиғиндисига муҳтож бўлади. Бу иш одамлар ўйлаб топган тузумларда топилмайди. Балки одамлар ўйлаб топган низомларни фақатгина муаммолар билангина банд бўлган қонунларга чекланган ҳолда топяпмиз. □

## НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (6) (ИСЛОМИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИНИНГ ҚОИДАЛАРИ)

Д. Маҳмуд Абдулҳодий

Ушбу низом сиёсатини белгиловчи ва мақсадларини рўёбга чиқарувчи қоидалар шаръий аҳкомларни ўрганиб чиқишидан маълум бўлади. Исломда иқтисод низоми учта қоидага асосланади. Улар: Мулк; Мулкни тасарруф этиш; Одамлар ўртасида бойликни тақсимлаш. Ушбу сонда биринчи қоидани, инша Аллоҳ, қолган иккита қоидани кейинги сонда муҳокама қиласиз.

### Биринчи қоида:

Биринчи қоидани ўрганиш қўйидагиларга бўлинади: Мулкнинг маъноси, турлари ва сабаблари.

#### Мулкнинг маъноси

Эгалик қилиш жиҳатидан олиб қараганда, мулк Аллоҳ Таолоникидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْتُو هُمْ مِنْ مَالِ اللَّهِ الْأَكْبَرِ إِنَّمَا كُنْتُ مُّسْتَحْلِفًا﴾

**«Уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан ато этинглар!»** [Нур 33]

Мол-давлат ёлғиз Аллоҳ Таолоникидир. Инсоннинг молга эгалик қилишига келсак, бу Аллоҳ Таоло унга сабаблари билан берган шаръий ҳуқуқдир. Шахсий мулкнинг шаръий маъноси молга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш кайфиятини баён қилиш билан маълум бўлади. Хусусий мулк ҳақиқий мулк эмас, балки Аллоҳ инсонга берган муйян ҳуқуқ бўлиб, у мулк ҳуқуқи деб аталади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنْفَقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُّسْتَحْلِفِينَ فِيهِ﴾

**«У зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (яъни вақтинча қўлларингизда турган эрта бир кун сизлар истасангиз-истамасангиз ўзгаларнинг қўлларига ўтиб кетадиган Аллоҳ берган мол-давлатдан) инфоқ-эҳсон қилинглар!»** [Ҳадид 7]

Шунга кўра, хусусий мулк Шореънинг айндан (нарсалардан) шариат баён қилган тарзда фойдаланишга берган рухсатидир. Демак, хусусий мулк – айнни (нарсаларни) ёки манфаатни белгиловчи шаръий ҳукм бўлиб, (мол-мулк ёки манфаат) кимга тааллукли бўлса, унинг ўша нарсадан фойдаланиш ва унга эваз

олиш имконини беришни тақозо этади. Шунга кўра, мулк ҳуқуқи нарсанинг ўзидан ёки унинг манфаатли бўлишидан келиб чиқмайди, балки Шореънинг рухсатидан келиб чиқади. У шахснинг нарса устидан Аллоҳ үнга берган ҳукмронлигидир.


### **Мулк турлари**

Мулк уч турли бўлади: шахсий мулк, умумий мулк ва давлат мулки. Умумий мулк билан давлат мулки шахслар учун шариатда кўрсатилганидек мол-мулқдан фойдаланиш, эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради. Бу ерда манфаатлар деганда Ислом аҳкомларини ҳаётнинг барча жабҳаларида татбиқ этиш ва даъватни ёйиш ҳам киради. Мулк унинг шаръий сабаблари топилиши билангина вужудга келади. Мулкнинг шахсий мулк, умумий мулк ва давлат мулки каби турлари шу сабабларга кўра белгиланади.

### **Мулк сабаблари**

Мулк шореънинг рухсати бўлгани ва унинг рухсати фақат шариат далиллари билан маълум бўлганлиги сабабли, шореъ мулкнинг пайдо бўлиш кайфиятига далолат қилувчи белгилар ёки сифатларни белгилаган. Бу мулкка эгалик қилиш сабаблари деб аталади. Сабаб шаръий истилоҳда аниқ белгиланган зоҳир сифат бўлиб, шаръий далил унинг ҳукм мавжудлигини белгилаб турувчи эканига далолат қилади. Мулк сабабининг таърифи ҳам, айни шу таърифнинг ўзидир. Яъни сабаб мулкнинг вужудга келганини билдирувчи сифатдир. Сабабнинг маъносига мисоллар: Рамазон ҳилоли, ийд ҳилоли ва қўёшнинг осмон гумбазида мавжуд бўлиши, буларнинг ҳар бири белгилари аниқ зоҳир сифат ёки аниқ белгилардир. Ушбу белгилар Рамазон кириб, рўза ҳукми топилганини ёки шаввол ойи кириб, ийд бошланганини ёки пешин вақти кириб, пешин намозининг возиблиқ ҳукми топилганини билдиради. Демак, сабаб шаръий ҳукмнинг топилишини билдирувчи аниқ белгидир.

Сабабнинг сабаблиги фақат шаръий далил билангина исботланади ва шаръий ҳукм у билан эмас, балки унинг олдида (яъни, сабаб топилган пайтда) топилади. Сабаб ҳукмнинг топилганини билдирувчи белгидир. Масалан, пешин намозининг возиблиги қўёш осмон ўртасида бўлганда топилади.



## **«Қүёш оғишидан (то тун қоронғусигача) намозни тұйкис адоқилинг»**

[Исрө 78]

Қүёшнинг оғиши намознинг вожиблигига әмас, балки вожиблик топилганига далилдир. Бизнинг мавзумизда, яъни мулкчиликда унинг (сабабнинг) мисолларидан бири мерос қолдирувчининг ўлимиdir. Ўлим аниқ зоҳир сифат бўлиб, унинг юз бериши билан мерос қолдирувчининг бойлигига эгалик қилиш ворисга ўтади ва меросга эгалик қилиш шаръий ҳуқуққа айланади. Демак, мерос қолдирувчининг ўлими меросхўрларга мулк ҳуқуқини ўтказиш учун сабабдир. Сабабнинг маъноси мана шудир ва шунга кўра мулкка эгалик қилиш сабаблари ўрганилади.

Мулкка эга бўлиш сабаблари деганда пайдо қилиш жиҳатидан мулкка эга бўлиш сабаблари тушунилади. Шунинг учун мулкни масалан байъ орқали қўлга киритиш мулк сабабларини ўрганиш доирасига кирмайди. Чунки икки савдолашувчи томоннинг бири товарга, иккинчиси нарх (пул)га эгалик қилса, бу мулкни тасаррuf этиш ва уни ўстириш (ривожлантириш)га киради. Чунки мол-мулк ҳар икки томонда мавжуд бўлиб, аввалданоқ уларга тегишлидир. Шунинг учун бу мавжуд молни мавжуд молга алмаштиришдир. Мулк сабабларини ўрганишда асосий эътибор мол-мулкни, яъни унга эгалик қилинишини пайдо қилувчи ёки унинг манфаатини пайдо қилувчи сабабларга қаратилади. Бу, масалан, ишчига иш ҳақи тўлашни ўз ичига олади. Ишчи бирор нарсани ясади ёки ишга ёлловчи фойдаланиши мумкин бўлган бирон бир хизматни кўрсатади ва бу билан ўзида аввалда мавжуд бўлмаган молга эга бўлади. Бу мол айирбошлаш әмас. Чунки у ишчидаги пайдо бўлган молдир. Ишга ёлловчидаги эса молнинг манфаати пайдо бўлади. Мулкнинг хусусий мулк, жамоат мулки ва давлат мулки каби турларини мулк сабаблари белгилайди.

### **Хусусий мулк:**

Хусусий мулк сабаблари беш асосга чекланган:

- 1 – Меҳнат;
  - 2 – Мерос;
  - 3 – Яшаш учун молга бўлган эҳтиёж;
  - 4 – Давлат томонидан фуқароларга берилган моллар;
  - 5 – Фуқаролар томонидан пул сарфламасдан ва меҳнат қилмасдан қўлга киритилган моллар;
- 1 – Молга эгалик қилишнинг биринчи сабаби: Меҳнат

Меҳнат – бу кенг маънони ифодалайдиган сўз. Меҳнат турлари, шакллари ва натижаларига кўра фарқланади. Шореъ молга эга бўлишнинг сабаби бўлишга яроқли бўлган меҳнат турларини белгилаган. Шаръий аҳкомлар ўрганиб чиқилса, меҳнатнинг бундай турлари қуидагилардан иборат эканлиги маълум бўлади:

**а) Ўлик ерни тирилтириш:** Ўлик ер – эгаси бўлмаган ва ҳеч ким фойдаланмайдиган ердир. Ўлик ерни тирилтириш у ерга экин экиш, дараҳт ўтқазиш ёки бино қуришдир. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَخْيَا أَرْضًا مِبْتَدَأَ فَهِيَ لَهُ»

**«Ким ўлик ерни тирилтирса, ер уницидир».** Яна айтадилар:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَى أَرْضٍ فَهِيَ لَهُ»

**«Ким бирон бир ерни девор билан ўраб олса, ер уницидир».** Яна бундай дейдилар:

«مَنْ سَبَقَ إِلَيْ مَا لَمْ يَسْبِقُهُ إِلَيْهِ مُسْلِمٌ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ»

**«Ким бирон бир мусулмон аввал эга бўлмаган нарсани (ерни) эгаллаб олса, унга у ҳақлироқдир».** Ўлик ерга эгалик қилишда уни тош билан ўраб олиш ҳам тирилтириш кабидир.

**б) Ер остидан жамоат эҳтиёжларидан ҳисобланмаган нарсаларни қазиб олиш:** У рикоз, яъни мусулмонлар оммасининг ҳаққи бўлмаган нарса, деб аталади. Уни қазиб олган одам унинг бешдан тўрт қисмига эга бўлади ва бешдан бир қисмини шу нарсанинг закоти қилиб беради. Аммо ўша топилма жамоат эҳтиёжларидан ҳисобланган нарса бўлса, у умумий мулкка киради. Амр ибн Шуайбдан, у эса отаси орқали бобосидан ривоят қилган ҳадисда бундай келади: Росулуллоҳ ﷺ дар топилма ҳақида сўралди. У зот бундай дедилар:

«مَا كَانَ فِي طَرِيقٍ مُأْتَىٰ أَوْ فِي قَرْيَةٍ عَامِرَةٍ فَعَرِفْهَا سَنَةً، فَإِنْ جَاءَ صَاحِبُهَا وَإِلَّا فَلَكَ، وَمَا لَمْ يَكُنْ فِي طَرِيقٍ مُأْتَىٰ وَلَا فِي قَرْيَةٍ عَامِرَةٍ فَهِيَهُ وَفِي الرِّكَازِ الْخَمْسُ»

**«Агар (одамлар) кўп ўтадиган йўл ёки аҳоли кўп яшайдиган қишлоқда бўлса, уни бир йил эълон қил, эгаси келса келди, келмаса у сеники. Агар (одамлар) кўп ўтадиган йўл ёки аҳоли кўп яшайдиган қишлоқда бўлмаса, у сеники ҳисобланади. Бешдан бири эса рикоз сифатида берилади».** Ҳаводаги нарсаларни, масалан, ҳаводан кислород ва азот ажратиб олиш, шунингдек,

Аллоҳ яратган ва фойдаланишга рухсат берган барча нарсаларни ажратиб олиш ҳам, ер остидаги нарсаларни қазиб олиш турларига киради.

**в)** **Ов:** Масалан, денгиз тубидан марварид ва дур олиб чиқкан, балиқ ва бошқа денгиз ўлжаларини овлаган одам уларга эга бўлади. Парранда, ҳайвон ва шу каби қуруқлик ўлжаларини овлашдаги ҳолатда ҳам уларни овлаган одам уларга эга бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا حَلَّتُمْ فَاصْطَادُوا﴾

«(Эҳромдан чиқиб) ҳалол бўлгач ов қиласверингиз» [Моида 2]

﴿أَحِلَّ لَكُمْ صَيْدُ الْبَحْرِ وَظَعَامُهُ﴾

«Сизларга денгиз (сув) ови ва унинг емишлари (яъни сизлар овламай ўзи соҳилга чиқиб қолган нарсалар) ҳалол қилинди»

[Моида 96]

﴿فُلْ أَحِلَّ لَكُمُ الظَّبَابُتُ وَمَا عَلَمْتُمْ مِنَ الْجَوَارِ مُكَلِّبِينَ تُعَلِّمُونَهُنَّ مِمَّا عَلَمَكُمُ اللَّهُ فَكُلُوا مِمَّا أَمْسَكْنَ عَلَيْكُمْ وَأَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ﴾

«(Эй Мұхаммад, мүминлар сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар). Айтинг: сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг – Аллоҳ сизларга билдирган нарсалардан билдириб қўлга ўргатган жониворларнинг (тутиб келтирган овлари) ҳалол қилинди. Бас, улар сизлар учун ушлаб келтирган нарсаларни еяверинглар ва (уларни овга қўйиб юбораётганларинда) Аллоҳнинг номини зикр қилинглар! Аллоҳдан қўрқинглар!» [Моида 4]

**г)** **Воситачилик ва даллоллик:** Воситачи олди-сотдида ҳақ эвазига бошқасига ишлайдиган одам учун қўйилган ном бўлиб, у даллолга ҳам тўғри келади. Абу Довуд Қайс ибн Абу Ғарза Кинонийдан бундай деб айтганини ривоят қиласади: «Биз Ресулуллоҳ ғанинг даврларида воситачилар деб аталар эдик. Олдимиздан Ресулуллоҳ ғани ўтиб қолиб, бизни ундан ҳам яхши ном билан атаб, бундай дедилар:

﴿يَا مَعْشَرَ النَّجَارِ، إِنَّ الْبَيْعَ يَخْضُرُهُ الْلَّغْوُ وَالْخَلْفُ، فَشُوْثُوهُ بِالصَّدَقَةِ﴾

«Эй савдогарлар жамоати, савдода бекорчи сўз ва қасам ичиш бўлиб туради. Уни садақа билан ўчиринглар».

**д) Музораба:** Бу икки кишининг савдода шерик бўлиб, биридан пул, иккинчисидан меҳнат (иш) бўлмоғидир. Яъни, бир киши бадан-танаси, иккинчи киши пули билан шерик бўлиб, муайян миқдордаги фойдага келишилмоғидир. Музориб (музораба шартномасида қўл меҳнати билан қатнашувчи) музорабадан топган пулига ўз меҳнати билан эга бўлади. Бу ширкат (шериклик) турларидан биридир. Шунингдек, бу музориб томонидан сарфланган меҳнат ва мулкка эга бўлиш сабабларидан биридир. Лекин бу пул эгаси учун мулкка эга бўлиш сабабларидан бири эмас, балки мулкни ўстиришдир. Шунинг учун у иккинчи қоидага, яъни мулкни тасарруф этишга киради.

**е) Мусоқот:** Мусоқот бир киши ўз дараҳтларини бошқа бир кишига мевасининг бир қисми эвазига суғориб ва бошқа керакли ишларни қилиб туриши учун беришидир. Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан:

«عَامَلَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَيْرَ بَشَطْرٍ مَا يَخْرُجُ مِنْهَا مِنْ تَرْأَوْ زَرْعٍ»

«Росулуллоҳ  Хайбар аҳли билан у ердан чиқадиган мева ёки экиннинг ярмига (келишиб) муомала юритдилар», деб айтганини ривоят қилган. Мусоқот хурмо ва узум каби мевали дараҳтларда жоиз бўлади, тол каби меваси бўлмаган дараҳтларда жоиз эмас. Аммо меваси бўлмаса ҳам барги керак бўлган тут ва гул кабиларда мусоқот жоиз.

**ё) Ишчи ёллаш:** Ёллаш – бадал эвазига фойдага келишиб шартнома тузиш бўлиб, у ёлланувчи томонидан ёлловчига фойда келтириш, ёлловчи томонидан ёлланувчига пул беришдир. Ишчи ёллаш шартномаси, ё ишчи бажарган иш келтирадиган фойда устида (масалан, ҳунарманд ва дурадгарларни ёллаш каби) ёки ишчининг ўзи келтирадиган фойда (хизматкор ва ишчиларни ёллаш каби) устида тузилади. Ишга ёлланувчи ё бирон бир одам олдида ҳақ эвазига ишлаётган киши ва ҳукумат хизматчилари каби маҳсус бўлади ёки барча одамлар учун ишлайдиган дурадгар, тикувчи ва этиқдўз каби муштарақ (умумий) бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَكَانُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ﴾

«Энди агар (тaloқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар (яъни ўзларининг сизлардан бўлган болаларини

эмизсалар), у ҳолда уларнинг (эмизганликлари учун) ажр-хақларини беринглар!» [Талоқ 6]

Оиша дан «Росууллоҳ  ва Абу Бакр Бану дайл қабиласидан Қурайшнинг динида бўлган бир моҳир йўлбошловчини ёлладилар. Икковлари унга уловларини топшириб, уч кундан кейин Савр ғорида тонгда учрашишга ваъдалашдилар», деб айтгани ривоят қилинган.

Ёллаш – икки тарафнинг розилиги ва шу ишга яроқлилиги шарт қилинган келишувдир. Ишчи ёллашда иш, иш муддати, иш ҳақи ва сарфланадиган меҳнат белгиланиши керак. Сарфланадиган меҳнатни ҳақиқий меъёр билан назорат қилиш мумкин бўлмагани учун кунлик иш соатларини белгилаб қўйиш назорат қилишнинг тўғрироқ меъёри бўлади. Шу билан бирга ишнинг ер қазиш, темирдан бирон бир буюм ясаш ёки машина ҳайдаш каби турлари ҳам белгиланиши лозим.

Ҳар бир ҳалол ишга ишчи ёллаш жоиз. Манфаати ҳаром бўлган, масалан, ароқ ташиш ва уни тайёрлаш, тўнғиз ва ўлимтик ташиб бериш ёки судхўрлик фоизларини ёзиб боришга котиблик қилиш каби ишларга ишчи ёллаш жоиз эмас. Ишга ёлланувчи ва ёлловчининг мусулмон бўлиши шарт қилинмайди. Фақат ибодат ва Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ишларида ёлланувчининг мусулмон бўлиши шарт қилинади. Аzon айтиш, Қуръон ва ҳадисдан таълим бериш, қозилик каби ишларда ёлланувчининг мусулмон бўлиши шарт. Бундаги иллат шуки, бундай ишлар фақат мусулмон одам тарафидан бажарилсагина тўғри бўлади.

Аммо ибодатларга келсак, фарз ёки нафл ибодатлар бўлишидан қатъий назар, уларда қаралади. Агар ибодат ўзи учун ҳаж қилиш ёки ўзининг закотини бериш каби фақат қилувчисининг ўзигагина фойдаси тегадиган ибодат бўлса, бундай ибодатга ҳақ олиш жоиз бўлмайди. Агар ибодатнинг фойдаси қилувчидан бошқа одамга ҳам тегса, у ҳолда бундай ибодат учун ёллаш жоиз бўлади. Бунга масалан бошқалар учун аzon айтиб бериш, имомлик қилиб бериш кабилар ёки вафот этган одами учун ҳаж қилиб беришга ё шу вафот этган одами номидан закотни адo қилишга бирорни ёллаш кабилар киради.

## 2 – Мулкка эга бўлишнинг иккинчи сабаби: Мерос

Мерос Қуръоннинг қатъий нусуслари билан собит бўлган ва унинг иллатлари баён қилинмаган. Гарчи унинг жузъиётлари ҳақида сўз борган бўлса-да, бироқ бу жузъиётлар умумий

тарифлардир. Ким бирон бир нарсани мерос қилиб олса, унга қонуний мулк сифатида әгалик қиласы.

### 3 – Учинчи сабаб: яшаш учун молга бўлган эҳтиёж

Яшаш ҳар бир инсоннинг шаръий ҳуқуқидир. Исломий давлат фуқароси бўлган кишининг тирикчилигини кафолатлайдиган сабаб меҳнатдир. Агар у меҳнат қилишга қодир бўлмаса, уни таъминлаш давлатнинг бурчидир. Чунки давлат ўз фуқароларининг эҳтиёжларини таъминлашдан жавобгар. Ресулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«فَإِلَّا مِنْ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسْؤُلٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«Одамлар устидаги амир бошқарувчиидир ва у ўз қўли остидаги фуқаролардан жавобгар». Аллоҳ Таоло айтади:

«وَوَقِّفْ أَمْوَالِهِمْ حَقّ لِلْسَّارِيْلِ وَالسَّاحِرِوْمِ»

«Уларнинг мол-мулкларида сўрагувчи ва (мол-давлатдан) маҳрум-муҳтож кишилар учун (ажратилган) ҳақ-улуш бўлар эди» [Зариёт 19]

Ресулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَا قَطْعَ فِي زَمَنِ الْمَجَاهِدَةِ»

«Очлик замонида қўйл кесилмайди». Яна айтадилар:

«أَيُّمَا أَهْلِ عِزْصَةٍ أَصْبَحَ فِيهِمْ امْرُؤٌ جَائِعًا فَقَدْ بَرِئَتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى

«Қайсики бир маҳалла (ўзларининг қорни тўқ) бўлса-ю, ораларида бир киши қорни оч ҳолда тонг орттирса, улардан Аллоҳ Таборака ва Таолонинг зиммаси-ҳимояси кўтарилади». Яна айтадилар:

«مَا آمَنَ بِي مَنْ بَاتَ شَبَّعَانَ وَجَارُهُ جَائِعٌ إِلَى حَبْيِهِ وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ»

«Ён қўшнисининг очлигини била туриб, ўзи тўқ ҳолда тунаган одам менга иймон келтирмабди». Имом (яъни давлат) шариат аҳкомларини ижро қилишда Умматнинг вакилидир.

### 4 – Тўртинчи сабаб: Давлатнинг ўз молидан фуқароларга бермоғи

Фуқаролар ўз эҳтиёжларини қондиришлари ёки мулкларидан фойдаланишлари учун давлат томонидан уларга байтулмоддан мол берилмоғи ҳам мулкка эга бўлиш сабабларидандир. Масалан, фуқаролар қарзларини тўлашлари ёки ерларига экин экишлари учун давлат уларга ўз молидан беради. Ресулуллоҳ ﷺ Мадинага келганларида Абу Бакр ва Умарга, шунингдек, Зубайрга кенг ерни

ажратиб бердилар. Росулууллоҳ  дан кейин рошид халифалар ҳам мусулмонларга ер ажратиб берган. Жангчиларга тақсимланган ўлжалар ва эгалик қилишга имом (халифа) рухсат берган хос ўлжалар ҳам давлат томонидан берилган моллар жумласига киради.

### **5 – Бешинчи сабаб: Шахслар мол сарфламасдан ва меҳнат қилмасдан олган моллар**

Бу бешта нарсаны ўз ичига олади:

а) Шахсларнинг бир-бирларига совға қилишлари, ҳадя беришлари ва васият қилишлари каби алоқалари.

б) Етказилган зарар эвазига берилган молга ҳақли бўлиш. Масалан ўлдирилган одамга хун тўлаш, етказилган жароҳатга товон тўлаш каби.

в) Никоҳ ақди билан маҳрга ва унга тегишли бўлган нарсаларга ҳақли бўлиш.

г) Топилма.

д) Халифага ва қиладиган иши бошқарув деб ҳисобланган шахсга бериладиган эваз (маош). Бу улар қилган иш тўлови эмас, балки ўз ишларидан тўсиб қўйилганликлари тўловидир.

#### **Умумий мулк**

Шореъ баъзи нарса ва манфаатларни умумий мулк қилиб белгилаган бўлиб, уларга бирор кимса ўзи эгалик қилолмайди. Давлат уларни бирорга беришга ёки ўзи учун дахлсиз мулк қилиб олишга ёхуд уни муайян шахслар учун имтиёз яратиб беришга ҳаққи йўқ. Жамоатнинг ҳар қандай шахси, ожизлиги ёки камбағаллигидан қатъий назар, умумий мулқдан фойдаланишга ҳаққи бор. Умумий мулк (шахсга эмас) барча шахсларга тегишли. Чунки умумий мулк, бу – барча шахсларга унинг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган нарсадир. Ундан фойдаланиш ё ўрмонлардан ўтин олиш ва сувидан олиш каби нарсага эга бўлиш билан ёки йўллар, денгизлар, қирғоқ-соҳиллар, балиқ овланадиган жойлар ва булардан бошқа жойлардан эга бўлмасдан фойдаланиш билан бўлади. Умумий мулк Шореънинг жамоатга ўша нарсадан шериклика фойдаланиш учун берган рухсатидир. Умумий мулкнинг сабаблари сифатлар бўлиб, қачон бу сифатлар ўша нарсада топилса, ўша нарса умумий мулкка айланади. Умумий мулк уч турли бўлади:

**1 – Жамоат заруратлари (манфаатлари) ҳисобланган нарсалар. Улар шундай заруратларки, агар бирон бир шаҳар ёки**

**жамоатга етишмай қолса, одамлар уларни излаб, ҳар тарафга тарқалиб кетадилар.** Росууллоҳ

«الْمُسْلِمُونَ شُرَكَاءٌ فِي ثَلَاثَةِ: فِي الْمَاءِ وَالْكَلَّ وَالنَّارِ»

**«Мусулмонлар уч нарсада: сув, ўт-ўлан ва оловда шерикдирлар»,** деб айтганлар. Ҳадисда келтирилган ушбу уч лафз жомид исмлар бўлиб, улар ҳадисга иллат бўлиб келмаган. Лекин бу ерда одамларни ушбу уч нарсада шерк қилишнинг иллати бор. Бу иллат ушбу нарсаларнинг одамлар мұхтож бўладиган ва улардан беҳожат бўла олмайдиган нарсалардан эканлиги дар. Далил шуки, Росууллоҳ Тоиф ва Хайбарда одамларнинг сувга эгалик қилишларига рухсат берганлар. Бунинг маъноси сувни мулк қилишга бўлган таъқиқ сув деган эътибордаги оддий сувга эмас, балки жамоа ресурсларидан бўлган сувга қўйилган.

**2 – Туганмас конлар:** Конлар икки қисмдир: биринчи қисми миқдори чекланган қисм бўлиб, унга якка шахс эгалик қилиши мумкин. Миқдори чекланган конларнинг бешдан бир қисми олинади. Чунки у рикоздир ёки рикозга муносабат қандай бўлса, унга ҳам ўшандай бўлади. Иккинчи қисми шахталар ва нефть қудуқлари каби чекланмаган конлардир. Тирмизий Абяз ибн Ҳаммолдан ривоят қиласи: «**Росууллоҳ нинг олдилариға вакил бўлиб келганида у зотдан туз конини ажратиб беришни сўради.** Росууллоҳ ажратиб бердилар. У қайтиб кетгач, ўтирганлардан бири: унга нимани ажратиб берганингизни биласизми, унга оқар сувни ажратиб бердингизку, деди. Шунда **Росууллоҳ ундан қайтариб олдилар**». Бу ерда туз тугамайдиган бўлгани боис оқар сувга ўхшатиляпти.

**3 – Табиатан шахснинг хусусий мулки бўлиши мумкин бўлмаган нарсалар.** Улар жамоатнинг заруратларидан ҳисобланган туфайли биринчи қисмга кирса ҳам табиатан хусусий мулк бўлиши мумкин эмаслиги жиҳатидан ундан фарқланади. Биринчи қисмга шахс эгалик қилиши мумкин. Аммо бунинг асл воқелиги умумий мулклигига далолат қиласи. Йўллар, анҳорлар, дарёлар, кўллар, каналлар, кўрфаз ва бўғозлар шу қисмга киради. Масjidлар, давлат мактаблари, шифохоналар, ўйингоҳлар ва бошпаналар уларга қўшилади.

### **Давлат мулки**

Давлат мулки барча мусулмонларга ва барча фуқароларга тегишли. Бироқ, унинг фуқароларга тегишлилиги ундаги нарса ва

манфаатлар үстидан бўлган мулкчиликка чекланиб қолмайди. Умуман олганда, иқтисоддами ёки бошқа соҳадами одамлар ишларига ғамхўрлик қилиш учун иқтисод низоми мавзусидан ҳам ўтиб кетаверади. Яъни низом татбиқини сақлаб қолиш, даъватни ёйиш ва жиҳодни бошқариш каби ишларга ҳам сарфланиши мумкин.

Давлат мулкининг сабаблари сифатлар бўлиб, қачон бу сифатлар молнинг табиатида ёки ўша нарсада топилса, бу сифатлар уни шахсий мулкликтан ёки умумий мулкликтан чиқариб, давлат мулкига айлантириб қўяди.

Давлат мулки хусусий мулк таркибига кирадиган моллардан бўлиб, умумий мулк сирасига кирмайди. Лекин унга мусулмонлар оммасининг ҳаққи бириктирилган. Шунинг учун у икки мулкнинг бирортаси таркибига кирмайди ва мулкнинг учинчи тури, яъни давлат мулки бўлади. У мусулмонлар оммасининг ҳаққи бўлган мулкдир. Уни бошқариш ҳуқуқи эса, халифага тегишли. Халифа ўзи муносиб деб кўрса, баъзи мусулмонларга ундан ажратиб бериши мумкин. Масалан, масжидлар ва бошқармалар қуриш, саноат ва илмий тадқиқот марказларини очиш, жиҳод қилиш каби ишларга сарфлаши мумкин. Ёки давлат бу мулқдан ёрдам сифатида ёхуд жамиятда қитисодий барқарорликни пайдо қилиш учун баъзи шахсларга беради.

Демак, давлат мулки манфаати жамоатга тушадиган моллар бўлиб, у умумий мулқдан фарқ қиласди. Давлатнинг умумий мулкни ҳеч кимга бериши жоиз эмас. Давлат мулкининг сарф қилинадиган ўринлари эса, халифанинг фикрига боғлиқ. Халифа уни мусулмонлар учун манфаатли деб билган ўринларга сарфлайди. Ўлжа, хирож ва жизя кабилар давлат мулкидир. Закот эса, буларга кирмайди. Чунки шариат закотнинг эгасини белгилаб қўйган ва у саккизта синфдир. Закотни шу синflар доирасида тасарруф этиш халифанинг ҳуқуқи.

Баён қилиб ўтилганидек, мулкнинг уч тури, яъни хусусий, умумий ва давлат мулки каби турлари шариат томонидан белгилаб қўйилган. Шунинг учун хусусий мулкни умумий ёки давлат мулкига ва умумий мулкни давлат мулкига айлантириш мумкин эмас. Нарсанинг қўлдан қўлга ўтиши, фақат шаръий ҳақ билангина бўлади. Национализация қилиш, яъни хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш Исломда мавжуд эмас. Хусусийлаштириш ҳам, агар у умумий мулкни хусусий мулкка

айлантириш ёки бирортасига имтиёз бериш маъносида бўлса, ношаръий ишдир. Бундай ишлар социалистик ва капиталистик низомларда, умумий ва хусусий мулкни давлат мулкидек тасарруф этадиган низомларда юз беради.

Давлатнинг барча мусулмонлар манфаати учун умумий мулқдан ва ўлик ерлардан маълум бир қисмини мусулмонлар жамоаси ёки давлат фуқароларидан бўлган алоҳида шахслар ёки муайян томонларга эмас, балки бутун мусулмонларга тегишли манфаатлар учун атрофини ўраши жоиз. Масалан, ҳарбий машғулотлар ёки кузатувлар учун ёки нефтни қайта ишловчи заводларни қуриш учун баъзи ерлар, тоғлар ва денгизлар ажратиб қўйилади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш учун шоввалар атрофи ўралиши жоиздир. Гарчи булар умумий мулк бўлса-да, умумий мулкни ёки умумий манфаатни яратиш учун атрофи ўралади. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَا حَمْيٌ إِلَّا اللَّهُ وَرَسُولُهُ»

**«Атрофини ўрашга Аллоҳ ва Росулидан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».** Абу Убайд «Китоб ал-Амвол» китобида ривоят қиласиди: «Бир аъробий Умарнинг олдига келиб: Эй амирул мўминин, биз жоҳилият даврида шу диёр учун жангуг-жадал қилдик ва шу заминда Исломга кирдик. Нимага асосланиб, уларнинг атрофини ўрайсиз? – деди. Умар бошини қуёй солиб, мўйловини бураб хўрсина бошлади. (У қачон бир нарсадан хафа бўлса, мўйловини бураб хўрсинарди). Аъробий бу аҳволни кўриб ҳам гапини яна такрорлади. Шунда Умар: мол Аллоҳнинг моли, бандалар ҳам Аллоҳнинг бандалари. Аллоҳга қасамки, устимда Аллоҳнинг йўлида қилинадиган ишларнинг масъулияти бўлмаганида бир қарич ерни ҳам атрофини ўрамасдим, деди».

Завод-фабрикалар хусусий мулк ҳам, умумий мулк ҳам бўлиши мумкин. Агар у умумий мулкка кирса шахсларнинг унга эгалик қилиши ман этилади. Бунда завод фойдаланаётган ёки ишлаб чиқараётган модда (маҳсулот)нинг мулкнинг қайси турига киришига қаралади. Агар заводлар шахсларнинг пулига қурилган ва улар ишлатаётган материал хусусий мулкка кирган материал бўлса, улар хусусий мулк бўлиши мумкин. Агар нефть қазиб оловчи ва қайта ишловчи заводлар каби ишлаб чиқарган маҳсулоти умумий мулкка кирган маҳсулот бўлса, улар умумий мулк бўлиши мумкин. Давлат ундан умумий мулк учун фойдаланиши

эътиборидан, давлат мулки ҳам бўлиши мумкин. Завод-фабрикалар хусусий мулк бўлса, унинг эгалари ишлаб чиқаришда умумий мулкдан фойдаланиши жоиз эмас. Фақатгина давлат мусулмонлардан жавобгар ва уларнинг ишини бошқарувчи деган эътиборда, умумий мулкни ишлаб чиқариш учун ўша заводни ижарага олган бўлса жоиз. Завод ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳукмини олади. Агар завод хусусий мулк бўлса, жамоатнинг умумий мулкдан фойдаланишини таъминлаш учун давлат томонидан ижарага олинсагина умумий мулкка таалуқли нарсаларни ишлаб чиқара олади. Чунки халқни бошқариш вазифаси ҳам, ҳуқуқи ҳам давлат зиммасида.

### **Байтулмол**

Давлат мулки шахсга ёки давлатга эмас, балки шахсларга тегишли мулк. Шунингдек, умумий мулк ҳам шахсларга тегишлидир. Шариат уларни ва уларга алоқадор аҳкомларни ҳимоя қилиш учун, уларни бошқаришни давлатга юклаган. Давлат мулки ва умумий мулк, кўчар ёки кўчмас мулк бўлишидан қатъий назар, кўпайиб, камайиб боради ва ундан одамлар фойдаланади. Шунинг учун мулклар ҳимоя қилиниши ва девон қилиб қайдланиши керак. Байтулмол мана шу мақсадда ташкил этилган. Байтулмол – мусулмонларнинг ҳаққи бўлган молларнинг кирим-чиқими билан шуғулланувчи идорадир. Шунга кўра, мусулмонлар ҳаққи бўлган ҳар бир мол – гарчи закот каби бирон бир жиҳат унинг эгаси этиб тайин қилинган тақдирда ҳам, мусулмонлардан ким унга эга бўлиши тайин бўлмаса – байтулмолнинг ҳаққи бўлиб қолаверади. Мусулмонлар манфаати йўлида сарфланиши керак бўлган ҳар қандай ҳақ байтулмолнинг ҳаққидир.

**Байтулмолнинг доимий киримлари ўлжа, ғанимат, хирож, жизя, умумий мулкнинг барча турдаги киримлари ва давлат мулкидан тушган фойдалар, ушрлар, рикознинг бешдан бири, конлар ва закот молларидир. Ушр йиғувчи аҳли ҳарбдан олган мол ва меросхўри бўлмаган кишилардан мерос бўлиб қолган маблағлар ҳам байтулмолнинг киримларидандир.** Закот молларини саккиз ўриндан бошқа жойга сарфлаш мумкин бўлмагани учун, улар байтулмолдаги алоҳида жойга қўйилади. Шунингдек, умумий мулк бўлган моллар ҳам алоҳида жойга қўйилади ва бошқа молларга аралаштирилмайди. Чунки уларни тасарруф этиш тўғрисидаги аҳкомлар давлат мулкини тасарруф этиш тўғрисидаги аҳкомлардан фарқ қиласи.

## **ДИНИЙ ИЛМОНИЙЛАРДАГИ ТОЙИЛИШ АСОСЛАРИ**

**(Масалан, муртадлик учун бериладиган жазо)**

**Айман Салоқ – Муборак Фаластин замини**

Йигирманчи асрдаги фикрий кураш Ислом билан бошқа мабдалар ўртасида, яъни Ислом билан куфр ўртасида кечди. Бу кураш социализм ва капитализмнинг яроқсиз ва бузук экани, Исломнинг эса, ақида ва низом жиҳатидан яроқлилиги фош бўлиши билан якун топди. Динни ҳаётдан ажратиш ақидасига асосланган капиталистик мабданинг қулаши билан илмонийлик ҳам қулади. Мусулмонлар онгода илмонийлик ва илмонийлар ҳақида хунук тасаввур ўрнашди. Дарҳақиқат, илмонийларнинг аксари динсиз эди. Бошқача айтганда, ибодатлар каби шахсий дин кўринишларига ҳам амал қилмас эдилар. Зеро, илмонийлик мағкураси исломий танловни рад этиш билан пайдо бўлган. Илмонийлар ҳаётда шаръий нусусларга бўйсунмасликларини намоён қилишар ва баъзида исломий аҳкомларни масхара қилишарди. Шунинг учун мусулмонлар орасида илмонийликни қабул қилиш ёки рад этиш борасида жиддий баҳс мунозара бўлмади. Илмонийликни ҳаёт ва қонунда татбиқ қилиш борасида илмонийлар билан ҳам фикрий кураш юзага келмади. Балки кураш мабда сифатидаги Ислом ва мабда сифатидаги капитализм ўртасида бўлди.

Мусулмонларда эса фақат битта фикр мавжуд эди. У ҳам бўлса илмонийликни рад этиш ва ҳаётнинг барча ишларида Исломни татбиқ қилиш вожиблиги эди. Илмонийлар Ислом билан курашда очиқдан-очиқ илмонийликка ва шаръий аҳкомларни ташлашга даъват қилиш билан ўзларининг мағлубиятга учраганликларини англаб етишгач, энди бошқа йўлга ўтишди. Яъни сўнгги ўн йилликлар ичida ўз илмонийликларини Ислом ва унинг шаръий нусуслари билан ҳамқадам юриш орқали тиқиширадиган бўлишди. Улар ўзларини шаръий нусусларни тушунишга ҳаракат қилаётган, унинг талқинларига амал қилаётган ҳамда мазҳабларнинг сўzlари ва уламоларнинг фатволарига таянаётган қилиб кўрсата бошладилар. Шунинг учун улар жамиятдаги умумий аҳволни тартиблаштирадиган ва сиёсий низомни бошқарадиган шаръий аҳкомларни «улар инсонларнинг ижтиҳодлариидир, шаръий ижтиҳод эмас, шариатнинг бир қисми ҳам эмас», дея изоҳлай бошладилар. Улар шариатни рад этишларини тўғридан-

түғри ва очиқ тарзда ифода этиш үрнига, шундай йўл тутишга ўтдилар.

Илменийларнинг мақсади шаръий аҳкомларнинг мусулмонлар ҳаётига бўлган таъсирига барҳам беришdir. Бошқача айтганда, Исломни бошқарув, иқтисод низоми, таълим, жамиятдаги тижорий алоқалар, жазо чоралари, мусулмонларнинг ўртасидаги алоқалар ва аҳли зиммалар устидан қўллашни олдини олишdir. Токи, дин банда билан яратувчиси ўртасидаги шахсий алоқа бўлиб қолсин ҳамда умумий ва сиёсий низомга таъсири бўлмасин. Шаръий аҳкомлар илменийлар таянаётган адаштириш ва оғиш қоидалари орқали инкор қилингач, бўшлиқ ғарб низомларидан бўлган қонунлар билан тўлдирилади. Илменийлар ушбу ғояларни аҳкомлардан воз кечишга ва динни ҳаётдан ажратишга ошкора даъват қилмасдан амалга оширишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун биз ўзларини диндор қилиб кўрсатиб, илменийликни Ислом деган эътиборда татбиқ қилишга чақираётган мусулмонларни учратамиз.

Бу ишлар илменийликнинг мақсадини рўёбга чиқарадиган, динни ҳаётдан ажralган коҳинлик динига айлантирадиган, шариат аҳкомларини ҳаётдан узоқлаштирадиган ва илменийлик тушунчаларини шаръий нусус тушунчаси остига киргизадиган дин асослари ва қоидаларини ихтиро қилиш орқали амалга оширилди. Ушбу фикрий тойилишлар шаръий қолипларда бериладиган бўлди. Токи, одамлар уларни динга мос ҳамда Аллоҳ ва Росули  иродада қилган нарсага мувофиқ деб ўйлагани учун уларни одамларга ўтказиш осон бўлсин.

Илменийлар орасида дин қоидаларининг хилма-хиллиги ва кўплигидан, биз уларни Исломнинг моҳиятини нишонга олган кўп мақсадлари борлигини кўрамиз. Қўйидагилар ўшалар жумласидандир:

- Шаръий қабул қилиш манбалари (Қуръон ва суннат)ни ва далил келтириш манҳажларини четга чиқариш;
- Айrim асос ва муҳкам шаръий аҳкомларни инкор қилиш ва рад этиш;
- Шаръан қатъий бўлган нарсаларга зид бўлган замонавий тушунчаларни қабул қилиш ва оқлаш учун шаръий ҳужжатларни ихтиро қилишга ҳаракат қилиш;

- Шариат ҳукмларига риоя қилишни паст баҳолаб, уларнинг мукаммаллиги ва ҳаётий муаммоларни ҳал эта олишига бўлган ишончни сусайтириш.

Биз ҳозир илменийларнинг мақолаларида кўп баҳс қилинган ва ундан аксар мусулмон тадқиқотчилари таъсиранланган шаръий аҳкомлардан намуна келтирамиз. Ушбу намунани келтиришдан мақсад илменийларнинг Ислом низоми аҳкомларини инкор қилишдаги тариқатини баён қилиш ва фикрий тойилишларни аниқлашдир. Ушбу шаръий ҳукм муртаднинг Исломдаги жазосидир. Кўпгина замондошлар либерал эркинликка эришиш учун ушбу ҳукмдан халос бўлиш зарурлиги тўғрисида келишиб олганлар. Бироқ диққатга сазовор томони шундаки, бу шаръий ҳукмдан халос бўлиш битта усуlda жорий бўлмади. Ушбу шаръий ҳукмни рад этишдаги уларнинг аралашувлари турлича бўлди. Яъни бу кўплаб фикрий тойилиш қоидлари ва асосларини ўз ичига олди. Уларнинг муртадни жазолаш ҳақидаги баёнотларини кўриб чиқиб, биз фикрий тойилиш асосларини ва дин либосини кийган илменийлик қоидларини аниқлаймиз.

Муртаднинг жазосини инкор қилувчиларнинг сўзларини келтиришдан олдин, ушбу ҳукм борасида фиқхий мазҳабларда ҳеч қандай ихтилоф бўлмаганини эслатиб ўтиш лозим. Фақиҳлар кўплаб масалалар, ҳатто очиқ-ойдин нусуслар келган масалаларда ихтилоф қилган бўлсалар-да, бироқ муртадни жазолаш борасида ихтилоф қилишмаган. Бу жазо ҳад деб ҳисобланадими ёки таъзир дейиладими, фарқсиз, муртадни жазолаш ҳақида барча фақиҳларнинг фикри битта бўлган. Улар бу масалада ижмо қилганлар. Турли асрлардаги ўнлаб фақиҳлар, жумаладан, имом Нававий Муслимнинг шарҳида, Ибн Қудома «Муғанно»да, Ибн Қаттон «Иқно фил Масоилил Ижмо»да, Ибн Мунзир ижмо масалаларида, Бағавий Суннат шарҳида, Субкий Сайфул маслулда муртадни жазолашга фуқаҳоларнинг ижмо қилганликларини баён этганлар. Шунга қарамай, замонавий тадқиқотларда муртадни жазолаш ҳукми муаммоли ҳукм, дея баён этилади. Бу шуни кўрсатадики, ушбу тадқиқотларга таъсирик ўтказган омил фиқхий ижтиҳоддаги қараш эмас, балки Ғарб сақофати бўлган. Уларнинг гапларини текшириш орқали илменийлардаги фикрий тойилиш асослари ёки дин усувлари қўйидагича эканини хулоса қилишимиз мумкин:

**1 – Қуръонда келган нарсага амал қилишга чекланиш қоидаси:** Уларнинг айримлари ушбу ҳукмни Қуръонда келмагани учун инкор қилишади. Улар кофирларга хитоб қилувчи ва уларнинг фикрларини ҳикоя қилувчи Қуръон оятларига қарайдилар-да, улар учун бу дунёда ҳеч қандай жазо йўқлигини топадилар. Натижада шариат дунёда ўзининг диний эркинлигидан фойдаланган кишига ҳеч қандай жазо белгиламаган деган хулоса чиқаради. Бу тафсир Пайғамбаримиз ﷺ нинг суннатини инкор қилиш ва унга ишонмасликка асосланган тойилишни келтириб чиқаради. Чунки муртадни жазолаш фақат суннатда келган.

Пайғамбаримиз ﷺ бундай тойилишдан огоҳлантирган бўлса-да, илменийлар: «Қуръон етарли» дейдилар. Улар ўзларининг ушбу гапларини Ислом низомининг аксар аҳкомларини рад қилиш учун қоида қилиб олишган. Бу алдовчи даъводир. Агар улар қуръонга ҳақиқий иймон келтиришганида, Қуръон нусусларида келганидек, Пайғамбаримиз ﷺ нинг суннатига ишонган бўлар эдилар. Ҳақиқат шуки, улар замонавий илмений сақофатга зид бўлган масалаларда Қуръоннинг қатъий нусусларига ишонмайдилар. Аслида бу шариатни оғир санаш ва унинг катта қисмини енгилластиришга уринишдир.

**2 – Қатъий суннатни олиб, зонний суннатни рад этиш, бошқача айтганда оҳод хабарга амал қилмаслик:** Маълумки, аксар шаръий аҳкомлар оҳод хабарларда келган. Шунинг учун айрим илменийлар Пайғамбаримиз суннатини қабул қилса-да,

«مَنْ بَدَّلَ دِينَهُ فَاقْتُلُوهُ»

**«Ким ўз динини ўзгартиrsa, уни ўлдиринглар»** каби муртадни ўлдириш ҳақида келган ҳадисларни инкор қиласди. Улар бу оҳод хабар, у зонний бўлгани учун амал қилинмайди дейишади. Бу тойилиш бўлиб, суннатнинг катта қисмини инкор қилишдир. Оҳод хабарга амал қилиш масаласи биринчи асрдан бери усулага киргизилган бўлса-да, бугунги илменийлар имкони борича Ислом аҳкомларини инкор қилиш учун дарча (тешик) изламоқдалар.

**3 – Суннатни қонунчиликка тааллуқли бўлган ва тааллуқли бўлмаган суннатга тақсимлаш ҳамда ушбу тақсимлашни нотўғри татбиқ қилиш:** илменийлар қонунчилик масалаларини ибодат ва ахлоқ масалаларидан кўра муҳимроқ қилиб, бу борада эҳтиёт бўлишга чақиришади. Бу ердаги энг кўзга кўринган муаммо суннатни қонунчиликка тааллуқли бўлган ва тааллуқли бўлмаган

суннатга ажрататын үлчовда. Чунки у чекланмаган ва чигал үлчов бўлиб, бундай үлчаш муртадни жазолашга тааллуқли ҳукмни ва бошқа кўплаб шаръий аҳомиларни қонунчиликка тааллуқли суннатдан чиқариб юборади. Дарҳақиқат, аксар илменийлар Пайғамбаримиз ﷺдан содир бўлган амаллар ўртасини ажратишади. Улар айтадики, Пайғамбар ўз ҳаётида бир неча даврларни босиб ўтган, шунинг учун унинг ҳар бир иши пайғамбарлигидан келиб чиқмайди. Аксинча, у ўзининг инсонийлигига ёки муайян ҳаётий ролларига кўра ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, сиёсий раҳбар ёки қози ёки ота ёки эр ва ҳоказо... Мана шу тушунчага амал қилганлар Пайғамбардан пайғамбарлик тақозоси билан содир бўлган нарса ваҳий бўлиб, унга амал қилиш вожиб, лекин ҳаётдаги бошқа ишлари бундай эмас, чунки улар Пайғамбардан содир бўлгани эътиборидан суннат тушунчаси остига кирса-да, Пайғамбарлик мақомидан содир бўлмагани учун шаръий эмас, дейишади. Бу сўзни ва унинг асосини синчиклаб ўрганган киши қўйидагиларга гувоҳ бўлади: баъзи бир жибиллий амаллар ва Ресулуллоҳ ﷺ Аллоҳ Таолога яқин бўлиш ниятида эмас, балки одат тақозосига кўра қилган баъзи амаллар суннатларда мавжуд экан, бу ердаги муаммо айрим суннатларнинг қонунчилик учун келмаганида эмас. Балки муаммо қонунчиликка тааллуқли суннатдан бир жумлани чиқариб, уни қонунчиликка тааллуқли бўлмаган суннат доирасига киритиш учун суннатларни мана шундай шаклда тақсимлаш тушунчасига таянишдадир. Ҳатто уларнинг қилмиши шу даражага етиб бордики, Пайғамбар ﷺнинг сиёсий ва қозиликка оид ишлари қонунчиликка тааллуқли суннатдан чиқарилиб, уларни қонунчиликка тааллуқли амаллар эмас, балки инсоннинг тажрибавий амаллари дейилди.

**4 – Ижмоий мавзулар ва фиқхий иттифоқларни олиб, ихтилофли масалаларга амал қилмаслик:** Улар ўзларининг «Масалада ихтилоф бор» деган гапларини илменийликка тўғри келмайдиган кўплаб аҳомиларни рад этиш учун асос қилиб олиши. Муртаднинг жазоси масаласида илменийлар иккита муаммога дуч келишди: биринчиси фиқхий ихтилофнинг мавжудлиги ўша масалага амал қилишни бекор қилмайди. Шаръий аҳомиларга амал қилишда унга иттифоқ қилинган бўлиши шарт эмас. Чунки фиқхий ихтилофнинг мавжудлиги Ислом

давлатини ўн уч аср давомида Исломни татбиқ қилишидан тұстамаган.

Аксинча, фақиҳлар ихтилофли масалаларда давлат қандай ҳаракат қилишига оид шаръий қоидаларни ишлаб чиқишиган. Масалан, «Имомнинг раъи ихтилофни күтараади», «Имомнинг бўйруғи зоҳирда ҳам, ботинда ҳам ижро қилиниши шарт», «Султон муаммолар пайдо бўлишига қараб ечимларни чиқариши керак» каби қоидалар ўшалар жумласидандир. Иккинчи муаммо эса, эътиборли ихтилоф масалаларини белгилаш, чунки ҳар қандай ихтилоф ҳам эътиборли бўлавермайди. Муртаднинг жазоси масаласида эътиборли ихтилоф бўлмаса-да, лекин илменийликни қўллаб-қувватловчилар айрим фақиҳларга ихтилоф нисбатини беришади. Айримлари икки улуғ фуқаҳо Иброҳим Нахай ва Суфён Саврийни айтишади. Чунки улар муртадни жазолашни инкор этишган.

Ҳақиқат шуки, ушбу икки имомнинг ихтилофи муртаднинг ҳукми ҳақида эмас, балки унинг ўлдирилишидан олдин тавба қилишида бўлган. Яна улар ихтилофли деб даъво қилишаётган масалалардан бири Халифаликни тиклаш ва халифани тайинлаш вожиблигидир. Ҳолбуки, унинг вожиблиги суннатда келган ва у ҳақда саҳобалар ижмо қилишиган. Шунинг учун Асом Халифаликнинг вожиблигига қарши чиқсанда, фақиҳлар унинг сўзини эътиборга олмаган. Құртубий Халифа тиклаш вожиблиги ҳақидаги ижмони тушунтириб берганидан кейин бундай деган эди: «Унинг вожиблиги ҳақида на Уммат ва на Имомлар ўртасида ихтилоф мавжуд. Бу ҳақида фақат Асомдан ривоят қилинган нарса бор. Чунки унинг ўзи шариатдан асом (бехабар) эди».

**5 – Айрим шаръий аҳкомларни улар давлат низоми бўлган, шаръий ҳукм эмас деган эътибор билан олмаслик:** Улар «муртадни жазолаш унинг муртадлиги учун эмас, балки давлатга қарши чиқсанни учун бўлган. Бу нарса замонавий қонунларда «ватанга хиёнат» деб аталади», дейишди. Давлатга қарши чиқмаган эса, уларнинг фикрича, динини ўзгартиргани учун жазоланмайди. Бундай талқин замонавий сиёсий тафаккурга жуда мос келади, лекин у шаръий нусус ва фуқаҳолар сўзидан тамоман узоқдир. Бу нарса шариатни замонавий сақофатга мослаштириш учун қилинган.

**6 – Нусусга амал қилишни чеклаш учун манфаатнинг барча шаклларига амал қилиш:** Бу ердаги тойилиш шаръий ҳукмни

татбиқ қилишда бирор бир шаръий монеъ юзага келган пайтда унга амалга қилишни тұхтатиб туришда әмас. (Зеро, айримлар буни зарурат ёки күчли әхтиёж туфайли шаръан әътиборли манфаат деб атайди). Бунга очарчилик йилида ўғрини құлини кесишни тақиқлаш кабилар мисол бўлади. Зеро, бу бошқа бир шаръий ҳукмдир, гарчи уни қўллашда ихтилоф мавжуд бўлса ҳам. Шунинг учун тойилиш бу ерда әмас. Балки бу ердаги тойилиш манфаат даъвоси билан шаръий ҳукмни бутунлай бекор қилишдадир. Шунингдек, тойилиш шаръий ҳукмни истинбот қилиш учун шаръий нусусга назар юритган чоғда манфаатни асос қилиб олишдадир. Шунинг учун манфаат тарафдорлари ушбу ҳукмни қўллашнинг иложи йўқ бўлса ҳам ёки уни қўллашда зарар ёки монеъ мавжуд бўлса ҳам бу ҳукм событлигига қарор қилиш ўрнига, уни манфаат даъвоси билан инкор қилишади. Тойилиш мана шунда. Зеро, айрим фуқаҳолар далил ва айримлари далилга ўхшаш деб ҳисоблашган масолиҳи мурсала (мутлақ манфаат) ўша фуқаҳоларга кўра, масала тўғрисида нусус бўлмагандагина ишлайди. Аммо далил ва шаръий нусусга назар юритишида манфаатни кўзлаш нусусни бекор қилишга олиб боради ва ҳукмнинг шаръийлик сифатини йўқотади. Улар муртадлик ва бошқа кўплаб жазоларни бекор қилиш учун кўтараётган манфаатлар хаёлий ва ақлий манфаатлардир. Бу манфаатларга уларнинг кофирларга, хусусан ғарбликларга Ислом ҳақида яхши сиймо кўрсатиш керак, деган гаплари мисол бўла олади. Шунингдек, уларнинг «диний эркинлик ва инсон ҳуқуқлари маданияти» кенг тарқалган ва ғарб сиёсий тузумлари бу нарсаларни ҳимоя қилаётган замонда муртадни жазолаш ҳақида гапириш Ислом ҳақида бузуқ тасаввур беради, деган гаплари ҳам мисол бўла олади. Ушбу жазо аҳкомларини тасдиқлаш баъзи сиёсий режимларнинг ўз мухолифларини йўқ қилиш ва жиноятларини оқлаш учун фойдаланишига сабаб бўлади деган гаплари ҳам шу манфаатлар қаторига киради. Тўғри, айрим ҳукмдорларнинг бирор шаръий ҳукмни ёмон татбиқ қилганларлари бўлган. Лекин масалани мана шундай бузуқ ақлий қараш билан ҳал қилиш шаръий ҳукмларнинг барчасини бекор қилишга олиб боради.

**7 – Эркинликларни мустаҳкам шаръий асос деб олиш ва унга қарши бўлган нарсани рад этиш:** Илменийлар олдинги бандда келганларни тўлдирган ҳолда, шахсий эркинлик ва уни ҳимоя

қилишни шаръий мақсадлардан бири ва мұхкам шаръий асослардан деб ҳамда үнга зид бўлган барча жузъий аҳкомлар рад этилиши шарт деб ҳисоблашади. Зоро, уларнинг айримлари Қуръоннинг йигирмадан кўпроқ оятларида эркинликка чақирилади деб даъво қилиб, шахсий эркинликни шаръий асос сифатида белгилашади. Айтишадики, муртадни жазолаш қатъий шаръий асосга ҳамда шариатнинг рухи ва мақсадларига зид бўлгани учун рад қилинади. Уларнинг айримлари одамларни бирор шаръий ҳукмга мажбурлаш жоиз эмас ва бошқаларга тажовуз қилмас экан, хоҳлаган ишини қилишга эркин қўйилиши лозим деган хуносага келиш учун «Ислом эркинликка даъват қилади» деган қоидани ишлаб чиқди.

Уларнинг тушунчаси бўйича дин банда билан Парвардигори ўртасидаги алоқа бўлиб, бу алоқа фақат ибодатлар ва ахлоқда кўринади. Шунингдек, спиртли ичимлик ва фаҳш каби ман қилинган ишларни қилмасликда намоён бўлади. Шахс буларга ўз ихтиёри билан Аллоҳдан қўрққанидан амал қилади... Бироқ давлат одамларни фарзларга мажбуrlамаслиги керак, ҳижоб кийиш каби. Шунингдек, рибо каби ман қилинган ишлардан қўл билан қайтариши ҳам жоиз эмас. Уларнинг дин ҳақидаги тушунчалари шундай. Бу «Сизнинг эркинлигингиш бошқаларнинг эркинлиги бошланганда тугайди», деб айтадиган либерал эркинликка бўлган очиқ даъватdir. Улар одамларни умумий ҳаётда Ислом аҳкомларини қўллашдан ва бу аҳкомларга қарши чиққанларни қайтаришдан нафратлантириш учун одамларни бу аҳкомларга мажбурлаш мунофиқликни пайдо қилади дейишади. Шунинг учун улар одамлар Ислом кўринишларига қаноат билан эмас, балки иккюзламачилик билан риоя қиладиган бўлиб қолади дейишади.

**8 – Шариат рухи ва мақсадлари, деган нарсаларга ёпишиб олиш:** қачонки замонавий тойилишлар нусус ва жузъий шаръий аҳкомларга тажовуз қилса, шариат мақсадлари байроғи кўтарилади. Жувайний, Фаззолий, Изз ибн Абдуссалом, Қарофий, шайхул ислом Ибн Таймийя ва Шотибий каби Исломий фуқаҳолар ёзган шариат мақсадлари одамлар бугун кўп гапираётган мақсадлардан бутунлай фарқ қилади. Исломий фуқаҳолар айтган мақсадлар барча нусус ва жузъий аҳкомларни ўрганиш орқали чиқарилган куллий қоидалардир. У билан ҳар қандай ҳукм ёки жузъий нусусни рад этиш дуруст эмас. Илмонийлар ўзлари

хохлаётган ва нафс ҳаволари мойил бўлаётган мақсадлар орқали эса ўзлари ёқтиргмаган бир қанча нусус ва аҳкомларни рад қилишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки бирор шаръий нусус ёки фикҳий ҳукм ўз исботини топган бўлса, мақсадлар (Мақосид) қоидасига зид келяпти, деган даъво билан уни бузиш ва унга тажовуз қилиш асло ножоиздир. Чунки бу ботил бўлиб, мақсадлар (Мақосид) илмига алоқаси йўқ.

Илмонийлар умумий ишларга тегишли жузъий аҳкомларнинг аксариятини инкор қилишади. Улар айтадиларки: «Биз бу ҳукмни шаръий мақсадларга кўра қайта кўриб чиқишимиз керак», «Ушбу масалалар ҳақида гапирап эканмиз, шариат мақсадларига риоя қилишимиз лозим», «Биз жузъий нарсаларни эмас, куллий нарсаларни, фуруъни эмас, асосни, майда қонунларни эмас, асосий қонунни, воситаларни эмас, мақсадларни оламиз». Буларнинг барчаси битта муаммо яъни айрим шаръий аҳкомларнинг таъсирини кетказиш муаммосининг турли кўринишларидир.

Қачонки фуруъ ва жузъиётлар узоқлашса, берилаётган куллиёт ва мақсадлар шаръий бўлмаган куллиёт ва мақсадлар бўлиб қолади. Чунки шаръий мақсад ва шаръий куллиётлар ўзининг шаръий жузъиёти ва фуруълари билан эътиборли ва ўша билан шарҳланади. Шунинг учун улар муртадга бериладиган жазони инкор қилишади. Чунки у эркинлик ва мурносасозлиқда шариат мақсадларига зид дейишади. Шунингдек, шариатнинг раҳм-шафқат ва хавфсизликни ёйишдаги мақсадига зид эканини айтиб, шаръий жазо чораларини рад этадилар.

Юқорида биз шаръий ҳукм (муртаднинг жазоси)дан халос бўлиш учун замонавий тадқиқотларда кўп гапирилаётган фикрий тойилиш қоидаларидан энг кўп кўзга кўринган саккизтасини айтиб ўтдик. Улар турли манбалардан жамланган бўлиб, улар тўғрисида суннатни инкор қиладиган, унга амал қилишга чидамайдиган ва унинг бўғимларини кесадиган кимсалар гапиришган. Шунингдек, ихтилоф ёки манфаатни даъво қилиб, шаръий ҳукмни бекорга чиқарадиган ҳамда шаръий аҳкомларга либерал фикрий асослар билан қарши чиқадиганлар айтишган. Бундай адаштирувчи қоидалардан Исломдаги барча жазо чораларидан халос бўлишда фойдаланишяпти. Бу ерда яна замонавий фикрий тойилишларнинг бошқа қоидалари ҳам бўлиб, илмонийлик жарчилари жамиятда мусулмонлар ҳаётини юксак исломий андоза билан тартибга

соладиган шаръий аҳкомлардан халос бўлишда улардан фойдаланишмоқда.

Бу қоидаларни қисқача айтадиган бўлсак: «Адолат тенглик билан рўёбга чиқади», «Адолат бўлган жойда Аллоҳни шариати бўлади» кабиadolат қоидалари, «Ҳеч ким мутлақ ҳақиқатга эга эмас» каби нисбий ҳақиқат қоидаси, «Нусус мұқаддас, тушуниш мұқаддас эмас» ёки «Нусусни тушунишинг нусус эмас» каби шаръий нусус борасидаги эркин назар қоидаси шулар жумласидандир.

Шунинг учун мусулмон киши илменийликни, унинг услубларини ҳамда илменийлик сүянадиган мазкур тойилиш қоидаларни онгли равишда тушунмоғи лозим. Токи, унинг тушунчаларига янги замон тушунчалари сизиб кирмасин. Зоро, илменийлик қиёфаси қанчалик ўзгарган бўлмасин, мусулмон унинг моҳиятини англаб етса, уни фош этиш кафолатини ўзида мустаҳкамлайди. Қачонки, мусулмон киши Ислом аҳкомларини шаръий нусусларда келганидек ва барча фуқаҳолар айтганидек барпо этишга ва ҳаётда татбиқ қилишга даъват қилса, кўпчилик фитналанаётган бундай тойилишлардан ўзини сақланганлигини ва уларлан узоқлигини гўзал суратда намоён этган бўлади. Валҳамду лиллаҳи Раббил аламин. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмінлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Мусулмонларга қарши нафрат твитлари қаердан келади?</b>		
<p>Твиттердаги нафратли сүзлар манбалари бўйича ўтказилган тадқиқотларга кўра, мусулмонларга қарши твитларнинг 86 % и учта йирик давлат: Америка, Британия ва Ҳиндистондан келади. Австралияning Виктория Ислом кенгashi томонидан ўтказилган тадқиқотда айтилишича, 2017-2019 йиллар оралиғида 24 ой давомида мусулмонларга қарши тўрт миллионга яқин постлар чоп этилган. Рақамларга кўра, бу турдаги ҳужумларнинг 55 %дан ортиғи Ҳиндистондан келган. Бу Бхаратия Жаната партиясининг мусулмонларга нисбатан нафратини кучайтирган фаоллиги фонида юз берган. Ўтган йили Ассам провинцияси бошлиғи Ҳиманта Бисва Сарма мусулмонларни ерларни босиб олишда айблаб, бу уларнинг кўп фарзанд кўриши билан боғлиқлигини таъкидлаган. Сарма бундай деган: «Агар мусулмонлар ўз сонларини назорат қилсалар, ерга бостириб кириш каби муаммоларни ҳал қилиш мумкин эди»... Америка Қўшма Штатларига келсак, твиттерда мусулмонларга қарши твитлар сабиқ президент Доналд Трампнинг хитоби билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки унинг бу ишда алоҳида ҳиссаси бор... Британияда эса, тадқиқотчиларнинг айтилишича, мусулмонларга қарши твитлар бир неча омилларга таянади. Улардан энг кўзга кўринганлари Британияning Европа Иттифоқидан чиқиши, сабиқ бosh вазир Борис Жонсоннинг ирқчилик нутқи ва қочқинлар инқизози сабаб миграцияга қарши кайфиятлардир. Жонсон Дейли Телеграф газетасида чоп этилган мақоласида муслималар ниқобини «хунук» ва «жамиятга ёт» деб атади ва уни кийган аёллар «хат қутилари» ва «банк ўғрилари»га ўхшаб кўринишини айтган. Тадқиқотчилар душманлик мазмунини таҳлил қилиш асосида асосий мавзуларни аниқлашга муваффақ бўлганлар. Уларнинг энг кўзга кўринганлари қўйидагилардир: Исломни террорга боғлаш, мусулмонларни жинсий зўравонлик жиноятчилари қилиб кўрсатиш, шариатнинг одамларга татбиқ қилинишидан қўрқиш, миграцияга алоқадор фитна назариялари, мусулмон муҳожирларининг ғарбдаги оқ танлиларнинг ўрнига ва Ҳиндистондаги ҳиндларнинг ўрнига кўчиб келиб эгаллашлари ва «ҳалол» озиқ-овқатларни ғайриинсоний ва ёввойи амалиёт билан боғлаш кабилардир.</p>		

<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ»          «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>
<p><b>Ал-Ваъй:</b> ушбу тадқиқот мазмуни таҳлилини кузатган киши унинг ортида мусулмонларга бир Уммат сифатида қараш ва мусулмонларни бирлаштирадиган давлат барпо бўлишидан хавфсираш борлигини кўради. Айниқса, Ҳиндистондаги ва қўшни давлатлардаги мусулмонлар сонининг кўплиги бу мамлакатнинг келажақдаги мавқеига таъсир қилишидан қўрқаётганига гувоҳ бўлади.</p>		
<p><b>Германия Россияни ғарбга қарши «Салиб юриши»ни бошлаганликда айбламоқда</b></p>		
<p>Германия канцлери Олаф Шольц Россия президенти Владимир Путинни ғарб ва жорий халқаро тартибга қарши «Салиб юриши» бошлаганликда айблади. Шольц Берлинда бўлиб ўтган «Ривожланаётган ҳукумат» саммитида иштирок этар экан, бундай деди: «Россия уруши нафақат Украинаға қарши бўлмоқда. Балки улар Украинаға қарши урушни катта салиб урушининг бир қисми деб ҳисоблашмоқда». Сўнг «Бу либерал демократияга, қоидаларга асосланган халқаро тартибга ҳамда эркинлик ва тараққиётга қарши салиб юришидир», дея қўшимча қилди. Шольц, шунингдек, «Бу бизнинг турмуш тарзимизга ва Путин коллектив ғарб деб атаган нарсага қарши салиб юришидир», дея таъкидлади. Шольцнинг изоҳлари ўтган шанба куни Россия билан Кримни боғловчи Керч кўприги портлатилиши ортидан Россия Украинаға қарши қатор ракета зарбалари йўллашидан бир неча кун ўтиб янграмоқда. Бу айловлар бўйича Россия томонидан ҳеч қандай изоҳлар берилмади. Айтилишича, Путин ғарб қадриятларига бир неча бор ҳужум қилиб, уларни тойилишда айблаган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Путин Сурия ишларига аралашганда ўз мақсадларига эришиш учун диндан ниқоб сифатида фойдаланди. Ўшанда унинг уруши диний уруш бўлиб, Халифалик барпо бўлишидан Россияни ҳимоя қилиш учун олиб борилаётгани ташвиқот қилинган эди. Бугун Украинада ҳам айни шу нарсадан фойдаланяпти. Ҳар иккисида ҳам унга рус черковининг раҳбари Патриарх Кирил ёрдам бермоқда. Шуниси ғалатики, Путин «ғарб ҳазорати бузук ва таназзулга учраган ҳазорат» эканини дастак қилиб, мусулмонлардан Украина урушида ўзи билан бирга бўлишларини талаб қилмоқда!!!</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұмінлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Байден Афғонистонни «Аллоҳ томонидан үнүтилган» жой, деб атаб, рецессияни «милтиқ» билан таҳдид қилмоқда</b>		
<p>Америка президенти Жо Байден Афғонистонни (<i>godforsarn</i>) дея таърифлар әкан, яна бир бор баҳс мунозараларга сабаб бўлди. Фаоллар буни «Худо томонидан үнүтилган (ёки ташлаб қўйилган) жой деб таржима қилишди. Оксфорд луғат китоби бу сўзни «Ҳеч қандай қадр-қиммати йўқ, ёки жозибадорликдан маҳрум» жой ҳақидаги (сифат атамаси) деб таржима қиласди. Бу нарса Байденning Сан-Диего шаҳрида сўзлаган нутқида янгради. Байден унда: «Сизлардан кўпчилигингиз Афғонистонга боргансиз. Мен ҳам унинг кўп жойларида бўлганман», деган. У 2008 йилда Конгресс делегацияси таркибида Афғонистонга қилган сафари ва қор остида қолиб кетгани ҳақида ҳикоя қилганидан кейин бу иборани иккинчи марта ишлатди... У, шунингдек, АҚШ иқтисодини кутаётган кризисдан ҳимоя қилиш учун «милтиқ»ни ишга солиш билан таҳдид қилди. У ҳазил қилиб, «милтиқим қўлимда, бўрини келишини пойлаб турибман», деган. Бу сўзлар президент матбуот котибаси Карин Жан-Пьернинг сокинлаштирувчи баёноти ортидан янгради. Карин ўшанда – Оқ уй иқтисодий ҳолатдан шу даражада хотиржамки, у эҳтимолий инқироз ва иқтисодий таназзулга тайёргарлик кўриш учун йиғилишлар ўтказмайди, деган эди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Америкалик мулозимлардан шундай такаббурона баёнотлар янграётгани ажабланарли эмас. Зеро, бундай гапларни гапирган кимсалар Аллоҳнинг жазосига лойиқдирлар. Улар у кун қачон бўлур, деб сўрайдилар. Шоядки яқин бўлса, деб айтинг.</p>		
<p><b>Академик «Арабий 21»га: Марокаш режими структурасига сионизм кириб келди</b></p>		
<p>Марокашлик академик ва сиёsatшунослик профессори доктор Мұхаммад Ҳассани «Арабий 21» телеканалига берган эксклюзив интервьюсида Марокаш билан босқинчи «Истроил» ўртасида бўлаётган муносабатларни нормаллаштириш ишларини мисли кўрилмаган даражага етди дейиш мумкинми? – деган саволга бундай жавоб берди: «Мисли кўрилмаган даражага етди деган ибора менимча етарли ибора эмас. Чунки масаланинг ҳақиқати бундан анча юқори. Ўйлайманки, нормализация бошланишида, сунъий йўлдош канали билан бўлган учрашувда мен Марокашнинг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخُرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Исроил» билан нормаллашувидаги энг хавфли нарса иқтисодий жиҳат эмас, балки хавфсизлик жиҳати ва барча даражадаги таълим жиҳати эканлигини айтган эдим. Бу ҳақиқатдан ҳам содир бўлди. Марокаш биз қизил чизиқлар деб таърифлашимиз мумкин бўлган барча чизиқларни кесиб ўтди. Чунки Марокаш режимининг баҳтсизлиги шундаки, у сионистларни тўлақонли Марокаш фуқаролари деб билади ва улар бу давлатнинг халқи эканликларини даъво қиласидилар. Шунинг учун улар ўзларининг иккинчи давлати (мен биринчи давлати деб ўйлайман) Марокашда хоҳлаганларини қилиш ҳуқуқига эгадирлар». Нима учун бу нормаллаштиришга қарши барча уринишлар муваффақиятсизликка учради? – деган саволга бундай жавоб берди: «Нормаллаштиришга қарши ташаббуслар ва институтларга келсак, уларни ҳеч қандай тарзда баҳолаб бўлмайди ёки муваффақиятсиз деб атаб бўлмайди. Улар Марокаш кўчаларининг юрак уришини ифодаловчи муассасалар бўлиб, турли тазииклардан азият чекмоқда. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Нормаллашувга қарши кураш, шубҳасиз, узоқ нафас олишни талаб қиласиди. Чунки аслида сиз вазифаси сионистик вужудни қўриқлаш бўлган халқаро тизимга дуч келяпсиз ва бу авлодлар жангидир. Муҳими шундаки, биз нормаллаштириш шаръий, ахлоқий, инсоний ва қонуний жиноятдир деган асосга риоя қиласиз ва уни мустаҳкамлаймиз... Унинг фикрича, «Сионизм Марокаш режими структурасигача кириб келди. Бу, айниқса, Работ билан Тель-Авив ўртасидаги нормаллашув ҳар қандай қизил чизиқни босиб ўтиш даражасига етгандан сўнг бўлди»...</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Марокаш ҳукмдорлари босқинчи вужуд билан ўрнатган яширин алоқалари жиҳатидан мусулмонларнинг энг ёмон ҳукмдорларидир. Бу алоқалар яқинда пайдо бўлгани йўқ, балки улар мамлакат қироллиги сулоласи орқали кенг тарқалиб, илдиз отган алоқадир... Аммо бу фитна ва ҳийла-найрангларга қарамай, ҳамма жойда бўлгани каби Марокашдаги мусулмонлар уни рад этади. Яҳудийлар эса мана шу ҳукмдорлар билан бирга ваъда қилинган кунни кутишмоқда. □</p>		

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بِطَانَةً مِّنْ دُونِكُمْ﴾

**«Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни сирдош-дўст тутманглар!»**

Аллоҳ Таоло бундай марҳамат қиласди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بِطَانَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُوَكُمْ حَبَالًا وَدُوْا مَا عَنْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَاهُ لَكُمُ الْآيَتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ﴾

**«Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни сирдош-дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиласдилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидағи адватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргазсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик»**

[Оли Имрон 118]

Шайх Мутаваллий Шаъровий бу оятларни тафсир қиласар экан, бундай фикрларни айтган:

«Аллоҳ Таоло мўминларга

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

**(Эй мўминлар),** деб хитоб қиласар экан, биласизки бу хитобдан кейин Ҳақ Субханаҳу томонидан таклиф қиласди. Чунки Аллоҳ Таоло мўминларга нидо қиласар экан, уларга таклиф юклаш учун нидо қиласди ва бу таклифни фақат иймон келтирганларга юклайди... Аллоҳ Таоло (қил) ва (қилма) деб иймон келтирганларга таклиф юклайди. Аммо мўмин бўлмаган кишиларни иймон ҳовлисига чақирган пайтда,

﴿يَأَيُّهَا الْمَلَائِكَةُ أَعْبُدُهُ رَبِّيْ مُ﴾

**«Эй инсонлар Роббингизга ибодат қилингиз»**

[Бақара 21]

деб, иймон қўрғонига киришга нидо қиласди. Аллоҳ Таоло унда фикрлаш қудратини қўзғаб, унга: Осмон-у ер, коинот ҳақида фикрла, шунда коинотнинг ягона яратувчиси борлигини топасан,

дейди. Инсон иймон құрғонига кирганды эса, Аллоҳ Таоло бү мүминни (қил) ва (қилма) таклифи-вазифаси билан икром қиласади. Модомики, банда Қодир, Ҳаким, Холиқ ва Қайюм илоҳга иймон келтирған экан, бас, үз ҳәётини ислоҳ қилишга оид нарсаларни мана шу илоҳдан әшитсін.

Баъзан Аллоҳ Таоло

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

### **«Эй мүминлар иймон келтириңглар»**

[Нисо 136]

деган бўлса, иймон келтирғанларга яна имон келтиришни буюраётган бўлиб кўринади. Шунда инсонда – нима учун Аллоҳ Таоло имонли кишини яна иймон келтиришга буюряпти, деган савол пайдо бўлади? Гап шундаки, бу ерда биз ҳар бир мүминдан доимо иймон амалларини бажариш билан бирга, яна бошқа амалларни қўшишни ва шу орқали иймон карвонига мустаҳкам ўрнашишни талаб қилаётганига гувоҳ бўламиз. Чунки Аллоҳ Таоло қачон мўмин бандасидан унда мавжуд бўлган ишни талаб қилган бўлса билайликки, ундан Аллоҳ үзи яхши кўрган мана шу яшаш тарзида давом этишини хоҳляяпти. Ҳақ Таоло

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

**(Эй мүминлар),** дея нидо қилган бўлса, демак ушбу гўзал сўзда иймонда бардавом бўлишга буйруқ бор. Чунки инсоният ўзгарувчандир. Биз биламиз, Аллоҳ Таоло иймон келтирган қавмлар учун кенг йўл берди, шунда улар юз ўғирдилар. Демак иш фақат иймонини эълон қилиш билан масала ўз ниҳоясига етмас экан. Аксинча, талаб иймонда мустаҳкам туришдир.

Ҳақ Таолонинг:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

**(Эй мүминлар),** деган каломини ўқир эканмиз, демак бу ерда янги таклиф борлиги ва модомики ишда таклиф бор экан, ихтиёр ҳам мавжудлигини англашимиз керак. Шундай қилиб, Аллоҳ томонидан буюрилган ҳар бир таклифий ҳукмнинг муқаддимаси бор. Аллоҳ Таоло айтятпеки, эй мўмин, ҳукмнинг иллат-боисини қидирма, эй Роббим, нега бу ишни менга юкладинг, деб сўрама. Эй мўмин, модомики иймон келтирған экансан, (нимага) деб сўрашга ҳаққинг йўқ. Чунки Ҳақ Таоло ўзига иймон келтирған мўмингагина юклайди. Эй мўмин агар сен Аллоҳнинг қодир ва ҳикматли зот эканига иймон келтирған бўлсанг, Аллоҳ сени

хавфсиз қилиб қўйди. Сен Аллоҳнинг (қил) ва (қилма) деган талабларини бажар. Сен бунинг иллат-боисини тушунасанми ёки йўқми бунинг фарқи йўқ. Биз илгари ҳам мисолларни келтирганмиз ва келтиришда давом этамиз.

Овқатдан кейин овқат ҳазм қилиш бузилишидан шикоят қилган бемор овқат ҳазм қилиш тизимиға касаллик таъсир қилган деб ўйлади. Шунингдек, даволовчи шифокор танлаш ҳақида ўйлаб, овқат ҳазм қилиш тизимиға ихтисослашган шифокорни танлайди ва шу шифокорга боради. Шу ерда бемор учун ақлнинг иши тугайди; У шифокорни танлади ва унга боришга қарор қилди. Шифокор эса тўлиқ текширув ўтказди. Агар муҳтоҷ бўлса, керакли таҳлилларни сўраб, касалликни аниқлайди ва дори ёзади. Шифокор беморга дори ёзиб берганда эса, бемор шифокорга: «Агар дорининг фойдалигига ишонтирумасангиз, уни ичмайман» дейиши тўғри эмас. Балки шифокорнинг сўзларини амалга ошириши керак. Шундай қилиб, бемор шифокорга бўйсунади. Энди инсонийликда иккаласи ҳам бир-бирига тенг, шундай экан, инсоннинг яратувчиси билан одоби қандай бўлиши керак? Мўмин ақлининг барча иши Аллоҳга иймон келтиришдир. Эй мўмин Аллоҳни ҳикматли деб иймон келтирганингиздан кейин, Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилинг. Чунки у сизни йўллашга ишонилган зотdir, сиз эса унинг яратган маҳлуқисиз.

Албатта Ҳақ Таоло мўминни намоз ўқишга буюрди, мўмин уни адо этиши лозим. Мўмин намознинг иллат-боисини изламаслиги керак, масалан спорт каби. Йўқ, асло бундай эмас, намоз ўқишга бўлган буйруқ Ҳақ Таоло томонидан бўлмоқда. Сиз намоз ўқир экансиз, ўзингизни яхши ҳис қиласиз ва роҳатни сезасиз. Шунда, иймоннинг роҳати нақадар ширин, дейсиз. Мўмин киши иймон ҳукмининг иллат-боисини уни бажарганидан кейин билади. Шунинг учун Ҳақ Таолони ўз қарами фазли билан

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيَعْلَمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلَيْهِ﴾

**«Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир»** [Бақара 282] деб айтаётганини кўрамиз.

Эй банда, сен ҳукм борасида ҳамиша Аллоҳга тақво қил, У сенга ҳикматни ва иймон роҳатини беради. Чунки сен Аллоҳнинг ҳукмини бажармай туриб, ҳикматига қаноат ҳосил қилиш ҳақида сўрама. Чунки Аллоҳ Таоло аҳкомларнинг айрим моҳиятларини

юзага чиқаришни күп асрларга кечиктириши мүмкін. Масалан, чүчқа гүштини истеъмол қилишни ҳаром қилиш каби ҳукмнинг хикматини ўн түрт аср давомида билмай келдік. Мүмин бандалар чүчқа гүштини истеъмол қилишни ўн түрт аср давомида таҳлил қилиш учун лабораториялари бўлгунига қадар ва заарини билгунимизгача кечиктиришлари керакмиди?! Улар ҳукмнинг ижросини кечиктирмадилар, балки уни ижро қилдилар. Унинг зааридан эса кейинги авлодлар хабардор бўлди. Бу бизни иллатини билмаган ҳар бир ҳукмни ижро қилишга ундейди. Бу ҳукмнинг Аллоҳ ҳузурида бир ҳикмати борки, инсон ақли уни тушуна олмаслиги мүмкін. Лекин келажакда инсон билмаган нарсалар борасидаги баъзи ҳукмларга ойдинлик киритадиган нарсалар келади. Бу изоҳлар бизга иллати маълум бўлмаган ҳар бир ҳукмга нисбатан ишонч пайдо қиласи да Аллоҳ Таолонинг

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

**(Эй мүминлар),** деган сўзи ҳар бир ҳукмнинг иллатига айланади. Ҳақ Таоло бу сўзи билан ҳар бир бандасига, эй менга Илоҳ деб иймон келтирган банда, мендан ушбу таклиф-вазифани ол, деб нидо қилмоқда. Шуни сингари табиб, эй ўз касаллиги учун мени табиб деб ишонган киши, ушбу дорини ол, Аллоҳнинг изни билан шифо топасан, дейди. Агар бирор инсон беморни зиёрат қилиб, ундан нима учун бу дорини оляпсан деса, бемор бу дорини менга табиб ёзди дейди. Шундай экан, Аллоҳнинг аҳкомларини бажаришга нисбатан қандай йўл тутамиз? Биз уларни бажаришимиз лозим. Чунки уни Аллоҳ айтган... Чунки ақл сизни Аллоҳга иймон келтиришингизга етаклайди. Лекин у кучи етмаган нарсага аралашмайди.

Ҳақ Таоло:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَخَدُوا بِطَانَةً مِنْ دُونِكُمْ﴾

**(Эй мүминлар, ўзларингизни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош-дўст туттманглар),** деган таклифда модомики иймон келтирган экансиз, ушбу иймонингизни шайтоннинг васвасалари ва душманларнинг макрларидан сақланг, дейди. بطانة яъни дўст сўзини яхшилаб тушунадиган бўлсак, بطانة الرجل деганда унга алоқадор кишилар тушунилади. Яъни унинг дўстлари, ҳамроҳлари ва сирларидан хабардор кишилардир. بطانة الثوب сўзи بطانة даң яъни кийимнинг астари деган бирикмадан олинган... Чунки ишлаб

чиқарувчи қўпол кийим учун юмшоқ астар қўяди, чунки у танага ёпишиб, уни ҳимоя қиласди. Биз иссиқ бериши учун жун киямиз ва жуннинг қўполлигини танадан узоқроқ тутиш учун у билан тана орасига астар қўямиз. **بطانة** кирадиган жой деб ҳам аташган. Яъни одамларнинг ҳаётига кирадиган жой, борлиқдаги ҳар бир ёмонлик **بطانة** дир...

Росууллоҳ  одамларга ўrnak бўлиб қолиш учун шундай йўл тутар эдилар. Токи, ҳар бир инсон билсинки, кимдир одамларнинг бир-бири билан бирдамлигидан иймонга қарши фойдаланиши ҳам мумкин. Шунинг учун Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا﴾

**(Эй иймон келтирғанлар),** огоҳ бўлинг, сизлар мўмин бўлмаганлар лагеридасиз, улар сизларга қарши курашади ва иймонингизга қарши чиқади, уларнинг сизларни ўз иймонингизга ташлаб қўйиши мумкин эмас, аксинча, улар сизларга қарши макр-ҳийла ишлатади, ушбу макр ичингизга кириб олиб, сизларга қарши иғвогарлик қилишда намоён бўлади, демоқда.

Барчамизга яхши маълумки, Ислом келганида унга иймон келтирғанларнинг кўпчилиги, мусулмон бўлмаганлар билан алоқа қилас эди. Бунда қариндошлиқ, дўстлик, эмиқдошлиқ, эски улфатчилик ва қўшничилик каби алоқалар бор эди. Шунинг учун Ҳақ Таоло мана шу масалалардан огоҳлантирган ҳолда бундай демлқда: Мўмин киши бу қариндошим, ёки бу дўстим, ёхуд бу иттифоқим, ёки бу эмиқдош биродарим, деб айтмасин, чунки Ислом буларнинг барчасидан юқори бўлган биродарликни рўёбга чиқаради. Шунинг учун сизлар билан аралашиб юрган барча инсонларни ўзингизга дўст қиласверманг, чунки ёмонлик мана шу тарафдан келади. Сиз иймон билан куфр ўrtасидаги жарлик кетади ёки тораяди, деб ўйламанг. Асло ундай эмас. Чунки кофирлар орангизга ва динингизга ҳар турли макр тешигидан сизиб киришдан тап тортишмайди, бу ишда ҳеч қачон эринишмайди... Шунингдек, Ҳақ Таолодан бундай амр келяпти:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا﴾

**(Эй мўминлар)** бу иймонни эҳтиёт қилинг, мўмин бўлмаганлар билан аралашманг, улар сизнинг дин ишларингизни бузади ва бу ишда тинчимайдилар, сизларнинг уларни сирдош тутишингизнинг оқибати қуйидагича бўлади:

﴿لَا يَأْلُونَكُمْ حَبَالًا﴾

**(Улар сизларга зарар етказиша күчларини аямайдилар).** Яғни сизларга ҳийла қилишдан ҳеч қачон тұхтамайдилар. Бу ердаги жисмни бошқарувчи ақлни бузишdir. Биз ақлдан озишни (хөб) деб атамиз. Ҳақ Таоло айтади.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَخَذُوا بِطَاطَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ حَبَالًا وَدُورًا مَا عَنِتُّمْ فَدَبَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُحْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرٌ قَدْ بَيَّنَ لَكُمُ الْآيَتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«Эй мүминлар, ўзларингни қүйиб, (у мунофиқларни) сирдош-дүст тутманглар! Улар сизларга зарар етказиша күчларини аямайдилар әмбән ҳолга тушишингизни орзу қилаудилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидағи адоваратлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргазсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик» [Оли Имрон 118]

Бу ерда мүминларни сирдош тутишдан әмас, балки мүминлардан бошқаларни сирдош тутишдан қайтариляпти. Чунки мүминни сақладиган иймони бор, аммо кофирни сақладиган нарсаси йўқ. Мүминлардан бошқаларни сирдош тутиш мүминга бузуклик ва фасод етказиша ҳеч қачон тұхтамайди. Иш ҳам шу чегарада тұхтаб қолмайди, балки улар мүминларга машаққат етказиши хоҳлашади

﴿وَدُورًا مَا عَنِتُّمْ﴾

**(Ёмон ҳолга тушишингизни орзу қилаудилар).** Ҳақ субханаҳу ва Таоло эса бизга машаққат етказиши хоҳламайди. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَاَعْنَتَكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Агар Аллоҳ истаса, сизларни мешаққаттаға солған бўлур эди. Албаттa Аллоҳ қудрат ва ҳикмат әгасидир» [Бақара 220] Эй мүминлар, агар Аллоҳ хоҳлаганида сизни кўп мешаққатли ишлар билан қийнаган бўлар эди. Лекин Ҳақ Таоло сизга енгиллик қилди. Куфр аҳли эса мүминларга фасодни ва мешаққатни хоҳлайди. Мешаққат қаердан келади? Сиз мүмин экансиз, дин сизга фарз қилган ишларни қиласиз, шунда кофирлар мүминга ушбу дин талаб қилмаган нарсаларни пуллашни хоҳлайди.

Натижада мүміннинг қалби иккига бўлинади. Бу пуллаш билан мүміннинг руҳий қобилияти бузилади ҳамда инсонни иккиланиш ва ғулғула қамраб олади. Руҳий қобилият тинч ва мутаносиб бўлмаса иккиланиш ва ғулғула пайдо бўлади.

Биз буни иқтисодий ҳаётнинг энг юқори поғонасига кўтарилиган ва барча моддий ишлари осон бўлган жамиятларда кўряпмиз. Уларда қарилек, соғлик ва ижтимоий жиҳат суғурталанганига ва даромад юқорилигига қарамай, қийинчиликда ҳаёт кечиришади. Улар орасида ўз жонига қасд қилиш юқори ва жинсий бузуқлик кенг тарқалган. Буларнинг барчаси ортидаги сабаб уларнинг руҳий қобилияти мутаносиб эмаслигидир. Руҳий қобилият инсон иймон келтириб, ўша иймон келтирган нарсасининг таълимларини қўллаганда соғлом бўлади. Масалан киши ўз жуфт ҳалоли яъни хотинига қараганда, унга роҳат билан қарайди ва хотиржамликни ҳис қиласи. Чунки унинг руҳий қобилияти мутаносиб бўлади. Аммо ўз жуфти ҳалоли бўлмаган аёлга қараётганди, атрофга аланглайди... Унга қараб турган бирортаси йўқмикин, уни бирортаси кўриб қолдимикин текширади... Мабодо бирортаси уни ўша аёлга қараётганини кўриб қолса, у қўрқиб-даҳшатга тушади.

Шунинг учун Ҳақ субханаҳу ва Таоло мўминларни мўминлардан бошқаларни дўст-сирдош тутманг, чунки улар сизларга машаққат туғдириш учун бор кучини сарфлайдилар, дея огоҳлантирмоқда. Машаққат шундаки, кофир мўминга дўстлик ва яқинлигидан фойдаланиб, уни тойиладиган ва руҳан иккиланадиган, қобилияти парчаланадиган томонга тортиб-адаштиришга уринади. У мўминдан динга зид бўлган нарсага рози бўлишини талаб қиласи. Мўмин эса дин талаб қилаётган нарса билан кофир талаб қилаётган нарсани мувофиқлаштира олмайди. Шунинг учун мўміннинг қобилияти бўлинади ва машаққатни ҳис қиласи. Кофирлар мўминларни бузиш учун фурсатни қўлдан бой бермайдилар ва фурсат бўлиши билан ундан фойдаланадилар.

﴿يَتَأَمَّنُوا لَا تَتَّخِذُوا بِطَانَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَلْوَنُكُمْ حَبَالًا وَدُؤْا مَا عَيْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ﴾

(Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош-дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиласидилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди).

Хүш, модомики, уларнинг нафратлари оғизларидан ошкор бўлиб турар экан, қандай қилиб уларни сирдош дўст тутишимиз мумкин?! Сиз бирор мўмин бўлмаган тўдага аралашиб юрган бўлсангиз, улар ўзларига ўхшамаган айрим мунофиқларни орага қўшишади. Мунофиқнинг қалбидаги нарсасининг тескарисини кўрсатадиган тили бор. Мунофиқ кофирлар ҳузурига борганда, унинг тили мўминнинг сўзларини масхара қилиб айтади. Мунофиқларнинг оғзидан нафрат мана шундай пайдо бўлади. Улар на иймонга мансуб ва на куфрға. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари тўғрисида тилларидан чиқсан нарсалари унчалик ёмон бўлмаслиги мумкин. Аммо дилларида туккан адоватлари ҳаммасидан ёмондир. Қачонки кофирларнинг оғизларидан нафрат пайдо бўлса, уни ё мунофиқлар олдида айтадилар ёки бир-бирларига айтадилар ва мўминни масхара қилиб пастга урадилар. Бу сўзлар ким ҳақида айтилганини Аллоҳ билгувчироқдир.

Шунинг учун кофирлар ўзаро гаплашсалар, Аллоҳ Таоло уларнинг гапларини фош қиласди ва биз мўминларга очиб беради. Аллоҳ Таоло ўзининг чексиз илми или, барча сирларни фош қилиб беради. Кофирлар ва мунофиқлар мўминни энг тўғри нарсалардан огоҳлантириш учун унинг иймон жараёнини кузатиб турувчи Парвардигори борлигини билишлари керак эди. Бироқ улар куфр ва нифоқ аҳли бўлганлари учун аҳмоқликларича қолишиди. Дарҳақиқат, Ҳақ Таолонинг биргина

﴿قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْثَرٌ﴾

**(Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир)** деган ояти нозил бўлишининг ўзи улар учун олтин фурсат бўлди... агар қалбларида мана шу адovat бўлмаганда эди, ўзларини ҳимоя қилишлари лозим эди... Лекин улар Аллоҳ уларнинг қалбидаги нарсадан хабардор эканини билишиди. Бу ношукр ва қалби нафратга тўла кимсаларнинг ғазаби уларнинг тилларидан чиқиб кетди. Аммо кофирларнинг қалбидаги нарсалар бундан ҳам каттароқ эканини Росууллоҳ ﷺ ва саҳобаларга ким етказди? Буни Қудрати буюк бўлган Аллоҳ Таоло:

﴿وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْثَرٌ﴾

**(Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир)** каломи орқали уларни фош қилди. Демак шундан кейин иймон келтирган

киши учун ҳужжат қолмади. Чүнки Аллоҳ Таоло үнга шу иймонни сақлаб қолиш учун қучли иммунитет берди. Ҳақ Таоло мұмынларға уларнинг душманлари ушбу динга мансублигини бузиш учун ҳеч қандай кучни аяmasликларини очық изоҳлаб берди. Бас, шунинг учун ҳам мұмынлар огоҳ бўлишлари лозим. Агар биз оятнинг ниҳоясига диққат билан чуқур эътибор берсак, Ҳақ Таолонинг мана бундай деганини топамиз:

﴿فَدَبَّنَا لَكُمْ أَلْآيَتِ ۖ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ﴾

*(Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят аломатларни аниқ равшан қилиб бердик).* Демак, Аллоҳ Таолодан нозил бўлган оятлар буни изоҳламоқда. Биз олдинроқ оят аломатлар Қуръонда ҳам бор, коинотда ҳам бор деб айтган эдик, чүнки Қуръонинг ҳам ўз оят-даллари бор, коинотнинг ҳам ўз оят-даллари бор. Келинг, Аллоҳ Таолонинг Қуръон оятлари борасидаги қуидаги каломларини эшитайлик:

﴿وَإِذَا بَدَّلَنَا آيَةً مَكَانَ آيَةً وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُبَرِّئُ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مُفْتَرٌ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

*«Қачонки биз бир оят ўрнига бошка оятни алмаштирасак ҳолбуки, Аллоҳ Ўзи нозил қиласидиган оятларни яхшироқ билгувчиидир улар (Пайғамбар алаіхиссаломга): «Шак шубҳасиз, сен Ўзинг тўқиб олурсан» дейдилар! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар»* [Наҳъл 101]

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг коинот оятлари борасидаги қуидаги каломларига ҳам қулоқ тутайлик:

﴿وَمَنْ عَاَيَتِهِ الْيَوْلِ وَالثَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ لَا تَسْجُدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ وَأَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقُهُنَّ إِنْ كُنْتُمْ إِيمَانَهُ تَعْبُدُونَ﴾

*«Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг (Танҳолиги ва қудратига далолат қиласидиган) оят аломатлардандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилгувчи бўлсанглар, қуёшга ҳам ойга ҳам сажда қилманглар, (балки) уларни(нг барчасини) яратган Зотга Аллоҳга сажда қилинглар!»* [Фуссилат 37]

Шундай қилиб, биз кўриб турибмизки, оят, бу ўз ҳаётимизга дастур қилиб олмоғимиз керак бўлган жуда ҳам диққатга лойиқ ажиб нарса экан. Шунинг учун Қуръон билан боғлиқ оятлар бизга манҳаж беради, коинот билан боҳлиқ оятлар эса ўша манҳаж

оятларининг түғрилигини тасдиқлайди. Эй мұммилар, биз бұғун баҳс қылған ушбу оятларга диққат қилинглар. Мұммиларда ақл ва фаросат борлигига далолат қиласынан нарса шуки, биринчи оядада уларга үзларидан бошқа, яғни коғирларни дүст қилиб олиш ман қилинганиңа ишора қылса, кейинги оят бундай демоқда:

﴿هَتَّأَنْتُمْ أُولَاءِ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا لَقُوْكُمْ قَاتُلُوا إِمَانَهَا وَإِذَا خَلَوْا عَصُوا أَعْلَيْكُمْ أَلَّا نَأْمِلَ مِنَ الْغَيْرِ قُلْ مُؤْمِنُوْ بِعِيْظِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الْأَصْدُورِ﴾

«Хой (мұммилар), сизлар уларни яхши күрасизлар-у, улар сизларни сүймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у (улар сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йүлиққанларида: «иймон келтирдик», дейишаади. Үзлари холи қолишганда эса сизларни қаттық ёмон күрганлари сабабли бармоқларини тишилайдилар. (Эй Мұхаммад, уларга): «Шу адөвательнің билан ўлыб кетинглар!», деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни әгаллаган сирларни билгүвчидир»

[Оли Имрон 119] □

«أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِيِّ يِي»

### «МЕН БАНДАМНИНГ МЕН ҲАҚИМДАГИ ГУМОНИДАМАН»

Ином Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Аллоҳ Таоло айтади:

«أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِيِّ يِي، وَأَنَا مَعْهُ إِذَا ذَكَرْتُهُ، فَإِنْ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِهِ ذَكْرُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرْتُهُ فِي مَلِإِ ذَكْرُهُ فِي مَلِإِ حَيْرَ مِنْهُمْ، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ بِشِبْرٍ تَقَرَّبَتْ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقَرَّبَتْ إِلَيْهِ بَاعًا، وَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً»

«Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман. Қаерда мени эсласа, у билан биргаман. Агар у мени ўзида эсласа, мен ҳам уни ўзимда эслайман. Агар у мени одамлар ичидаги эсласа, мен уни улардан кўра яхшироқ жамоат ичидаги эслайман. Агар у менга бир қарич яқинлашса, мен унга бир зиро яқинлашаман. Агар у менга бир зиро яқинлашса, мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у менга юриб келса, мен унга югуриб бораман».

Аллоҳ Таолони эслаш мусулмонни Роббисига яқинлаштирадиган энг улуғ ибодатлардандир. Бу Аллоҳни улуғлаш ва мақташда қалб, тил ва аъзолар орқали қилинадиган барча ибодатларни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло бандасини у зотни эслашга буюриб, бунга улуғ ажрни белгилади.

Ушбу ҳадиси құдсийда Росулуллоҳ: Аллоҳ Таолонинг:

«أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِيِّ يِي»

«Мен бандамнинг мен ҳақимдаги гумонидаман», деган каломини айтмоқда. Бунинг маъноси шундай: Ким Аллоҳ ҳақида яхши гумон қилса ҳам ўзига, бошқача гумон қилса ҳам ўзига. Аллоҳ Таоло ҳақида яхши гумон қилиш Аллоҳнинг марҳаматини ва ундан умид қилишни вожиб қиладиган ишларни қилиш билан бўлади. Шунинг учун у солих амалларни қиласи ва Аллоҳ ўша амалларни қабул қилишига

яхши гумонда бўлади. Аллоҳнинг ҳадяси ва мукофоти банда Аллоҳни савоб ёки жазолашда, яхши ёки ёмонлик борасида қандай гумон қилишига қараб бўлади. Шунинг учун ким Аллоҳ ҳақида буюк ишни гумон қилса, уни албатта топади ва Аллоҳ уни беради. Зеро, Аллоҳдан ҳеч нарса устун бўлолмайди. Аммо ҳеч қандай амал қилмай Аллоҳга яхши гумонда бўлиш масаласига келсак, у Аллоҳдан орзу-хаёл қилиш турига киради. Ким нафсу ҳавосига эргашиб, Аллоҳдан бир нарсани умид қилса, у ожиздир. Аллоҳ Таолонинг

«وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذُكْرِي»

«У Мени эсласа, мен у билан биргаман», дегани бандам мени тасбиҳ ва таҳлил ёки бошқалар билан одамлардан алоҳида «ўзида» эсласа, «Мен ҳам уни ўзимда эслайман».

«وَإِنْ ذُكْرِي فِي مَلِإِ دَكْرَتُهِ فِي مَلِإِ خَيْرٍ مِنْهُمْ»

«Агар у Мени одамлар ичида эсласа, Мен уни улардан ҳам яхшироқ жамоат ичида эслайман». Яъни фаришталар ичида эслайман демоқда.

Сўнгра Аллоҳ Таоло айтияпти:

«وَإِنْ تَقْرَبَ إِلَيَّ بِشَيْءٍ تَقْرَبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعَاهُ، وَإِنْ تَقْرَبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقْرَبْتُ إِلَيْهِ بَاعَاهُ، وَإِنْ  
أَتَيْتُ يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرَوْلَةً»

«Агар у менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зиро яқинлашаман. Агар у Менга бир зиро яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман». Яъни агар банда Аллоҳга юзланса, Аллоҳнинг бандага бўлган юзланиши банданинг Аллоҳга бўлган юзланишидан кўпроқ бўлади. Ушбу учта жумлада Аллоҳнинг фазли, у зот ўзига қилингандан кўра кўпроқ бериши ва амал қилувчи қилган амалидан кўпроқ нарсага эришиши ҳақида айтияпти. Шунингдек, ҳадисда ошкор ва яширин қилинадиган зикрнинг фазли, Аллоҳ Таоло бандасини амалига кўра мукофотлаши ҳақида айтияпти ҳамда мукофот амал жинсидан экани баён қилингапти. Бундан ташқари, бу ҳадисда Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман деб Аллоҳга яхши гумон қилишга қизиқтириш

бор. Шундай экан, мұмін киши Аллоқға яхши гумон қилиши  
ва солиқ амал қилишида жиғдү жаҳд қилиши лозим.

Чунки кимнинг амали ёмон бўлса, гумони ҳам ёмон  
бўлади. Гумонни яхшилаш йўли амални чиройли қилиш  
ҳамда Аллоҳ ва Росулига итоат қилишга ҳаракат қилишдир.  
Токи, Аллоҳга бўлган гумони яхши бўлсин. Чунки Аллоҳ  
Таоло яхшилик қилувчиларга буюк яхшиликни ва мақтovga  
сазовор натижани ваъда қилган. Кимнинг амаллари ёмон  
бўлса, гумони ҳам ёмон бўлади. Шунинг учун Мұслим ривоят  
қилган Жобир ибн Абдуллоҳнинг саҳиҳ ҳадисида бундай  
келади:

«لَا يُؤْتَنَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ إِلَّا وَهُوَ يُحْسِنُ ظَنَنَةً بِاللَّهِ»

**«Биронтангиз Аллоҳ ҳақида яхши гумон қилмай туриб,  
ҳаётдан кўз юммасин».** Демак бу ерда ҳам Аллоҳ зикр  
қилувчилар билан биргалиги ҳақида хабар бор. Шунинг учун  
Аллоҳни кўп эслаш лозим. Бу ҳамкорлик мулоҳазаликни,  
тавфиқни, чидамлиликни ва сақлашни талаб қиласидиган  
маҳсус ҳамкорлиkdir. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا﴾

**«Албатта Аллоҳ биз билан биргадир»**

[Тавба 40]

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

**«Албатта Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир»** [Бақара 153]

﴿قَالَ لَا تَخَافُ إِنَّنِي مَعَكُمْ أَسْمَعُ وَأَرِي﴾

**«Қўрқманглар. Шак шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман  
– эшишиб, кўриб турурман»** [Тоҳа 46]

Бу Аллоҳ Таолонинг ўз дўстлари ва итоат аҳли билан бўлган  
ҳамкорлиги деб аталади. Аллоҳни доим эслайдиган  
бандалари билан бўлган У зотнинг ҳамкорлиги  
чидамлиликни сақлашни, тавфиқни ва мулоҳазаликни талаб  
қиласиди. Шунинг учун мұмін киши ғофиллар билан эмас, зикр  
қилувчилар билан бирга бўлиши лозим. Аллоҳ Таоло бу ҳақда  
бундай дейди:

﴿إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَلِّدُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِيرُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كُسَالَىٰ  
يُرَأَوْنَ النَّاسَ وَلَا يَذَكُّرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар, ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйгувчидир. Ва қачон намозга турсалар дангасалик билан, хўжакўрсинга турадилар ва Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар» [Нисо 142] Аммо мўминлар хақида Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَالَّذِكَرِينَ أَكْثِرًا وَالَّذِكَرَتِ أَعْدَ اللَّهُ أَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾

«Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб қўйгандир» [Аҳзоб 35]

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ۖ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч У зотни поклаб тасбеҳ айтинглар!» [Аҳзоб 41-42]

﴿فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَإِذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا  
لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Энди қачон намоз адo қилингач, Ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) истайверинглар. Аллоҳни кўп зикр қилингларки, шояд најомт топурсизлар» [Жумъа 10]

﴿فَإِذْكُرُونِي اذْكُرْتُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكُفُّرُونِ﴾

«Бас Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва менга шукр қилингиз ва менга куфр келтирмангиз!» [Бақара 152]

﴿إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ وَالْقَنِينَ وَالْقَنِينَاتِ وَالصَّدِيقِينَ  
وَالصَّدِيقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْحَشِيعِينَ وَالْحَشِيعَاتِ وَالْمُتَصَدِّقِينَ  
وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّمِيمِينَ وَالصَّمِيمَاتِ وَالْحَفَظِينَ فُرُوجَهُمْ وَالْحَفَظَاتِ وَالَّذِكَرِينَ  
اللَّهُ كَثِيرًا وَالَّذِكَرَتِ أَعْدَ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾

«Албатта муслим ва муслиналар, мўмин ва мўминалар,

*итоатгүй эркаклар ва итоатгүй аёллар, ростгүй эркаклар ва ростгүй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозеъли эркаклар ва тавозеъли аёллар, хайру-садақа қилгувчи эркаклар ва хайру-садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб қўйгандир»* [Аҳзоб 35]

Шунинг учун мўмин ва мўминалар ғафлатда бўлмаслиги керак. Аксинча, мўмин киши қалби, тили ва аъзолари билан ҳамда итоат каби ибодатга алоқадор ишлари билан доим зикрда бўлиши зарур... Ушбу ҳадисда Аллоҳ Таоло бизга яхшилик қилишни жуда хам хоҳловчи эканлигига ишора бор. Қачон биз яхшилика мусобақалашсак, Аллоҳ Таолонинг яхшилика биздан анча олдиндалигини кўрамиз ва бу Унинг карами ва саҳийлигидандир. Бас, ким яхшилик қилишга шошилса, Аллоҳ ундан олдиноқ шу амалига уни муваффақ қилишда, унга йўллашда ва унга ғамхўрлик қилишда илдам бўлади. Шунинг учун Аллоҳ «Қачон бандам Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зиро яқинлашаман, қачон Менга бир зиро яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман, қачон юриб келса, Мен унга югуррабораман» деган. Буларнинг барчаси Аллоҳ йўз саҳоватининг кенглиги ва яхшилик борасида тезроқ эканини кўрсатмоқда. Аммо бир зиро ва бир қулоч яқинлашишининг кайфиятига келсак, бу Аллоҳнинг ўзига маълум нарса. Бу нарса Унинг буюк фазлидан бўлиб, Аллоҳга яхши гумонда бўлишни, дуода холис бўлишни, илтижо қилишни ва астойдил дуо қилишни талаб қиласди. Чунки Аллоҳ ўзига дуо қилинишини яхши кўради ва дуо қилгувчи билан биргадир ҳамда бу унинг фазлидир.

Имом Нававий Аллоҳ Таолонинг:

«أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِيٰ»

**«Мен бандамнинг мен ҳақимдаги гумонидаман»** деган каломини шархлар экан, бундай дейди: «Уламолар: Аллоҳга яхши гумонда бўлишнинг маъноси, албатта Аллоҳ раҳм қиласи ва афв этади деб ўйлашидир, деган. Улар айтишадики, банда саломат пайтида қўрқувчи ва умидвор бўлади ва бунда иккиси ҳам бир хил бўлади. Баъзилар қўрқув устунроқ бўлади, дейишган. Қачон ўлим белгилари намоён бўла бошласа, умид устунлик қиласи. Чунки қўрқувдан мақсад маъсият ва қабоҳатлардан тийилиш ҳамда тоат ва амалларни кўпайтиришга қизиқишидир. Бу нарса ёки унинг кўпроғи ўлим аломатлари кўринган ҳолатда имконсиз. Шундай экан, Аллоҳ Таолога ёлвориш ва унга бўйсуниш мақсадга мувофиқдир».

Ҳофиз Фатҳ китобида айтадики, Аллоҳ Таолонинг

«أَنَا عِنْدَ طَنَّ عَبْدِي بِي»

**«Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман»** дегани «Мен Бандамни мен ҳақимдаги гумонига қараб мукофотлайман. Агар у раҳматимдан умидвор бўлса ҳамда Мени афв этишим ва гуноҳларини кечиришим ҳақида ўйласа, унга шуни бераман. Чунки мукофотлайдиган Роббим бор деб биладиган мўмингина шундай умид қиласи. Агар у Менинг муқаддаслигидан умидини узса ҳамда Мен уни жазолашим ва азоблашим ҳақида гумон қилса, шундай бўлади. Чунки фақат кофиргина ноумид бўлади», деганидир.

Файзул қодир китобида келишича: Ибн Абу Жамра

«أَنَا عِنْدَ طَنَّ عَبْدِي بِي»

**«Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман»** деганининг маъноси: «Бу, дуо қилганда ижобат бўлишини ўйлаш, тавба қилганда қабул бўлишини ўйлаш, истиғфор сўраганда мағфиратни ўйлаш, Аллоҳнинг ваъдасига ишонган ҳолда, ибодат амалларини барча шартлари билан қилганда мукофот ҳақида ўйлашдир.

Ибн Абуддинё ривоят қилишича Иброҳим Аллоҳ Таолонинг:

«أَنَا عِنْدَ طَنَّ عَبْدِي بِي»

**«Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман»,** деган каломини шундай изоҳлайди: «Улар бандага ўлим вақтидаги амалларининг фазилатини ўргатишни тавсия қиласдилар, тики у Роббиси ҳақида яхши гумонда бўлсин. Айрим илм имомлари бундай дейишган: Қирқ ҳадисни йиғиб, умид билан беморга ўқишингиз яхшидир. Шунда унинг Аллоҳга бўлган гумони яхши бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло бандасининг у ҳақидаги гумонидадир». Иброҳим буни Субул Салом китоби, жаноза бўлимида келтирган.

Ибн Қоййим роҳимаҳуллоҳ айтади: «Шубҳасизки, яхши гумон эҳсон билан бўлади. Чунки яхшилик қилувчи Парвардигорнинг уни эҳсонига кўра мукофотлаши, ваъдасига тескари иш қилмаслиги ва тавбасини қабул қилиши ҳақида яхши гумонда бўлади. Аммо гуноҳи кабиралар, зулм ва тескари ишлар қилишга берилган ёмон одамга келсак, маъсият, зулм ва ҳаром ишлар уни Роббиси ҳақида яхши гумон қилишидан тўсади... Чунки ўз хўжайнинга итоат этмайдиган банда, хўжайнини ҳақида яхши гумон қилмайди ҳамда ёмонлик билан яхши гумон бирлашмайди. Жирканчли ёмон одам ёмонлиги баробаридадир. Роббисига энг яхши гумон қиладиган одам унга энг кўп итоат қиладиган одамдир. Ҳасан Басрий айтади: Роббисига яхши гумонда бўлган мўмин амалини ҳам чиройли қиласди. Ўз роббиси ҳақида ёмон гумонда бўлган фожир эса амални ҳам хунук қиласди. Сўнг айтадики, Аллоҳ Таоло ўз бандасининг тавбаси учун шу даражада қаттиқ хурсанд бўладики, бу йўқотиб қўйган нарсасини топиб олган кишининг хурсандчилигидан ҳам буюқдир. Тавба эса тан олиш, пушаймон бўлиш, гуноҳдан тийилиш ва қилган жиноятларига қайтмасликка аҳд қилишдир. Сўнг яна айтади: Аллоҳ Таоло бандасидан саҳиyroқдир. Зеро, инсон Аллоҳга бир қарич яқинлашса, Аллоҳ унга бир зиро яқинлашади. Агар банда бир зиро яқинлашса, Аллоҳ унга бир қулоч яқинлашади. Агар инсон юриб келса, Аллоҳ югуриб келади. Демак Аллоҳ Таолонинг карами кенг ва ижобати тездир. □

## САУДИЯДА ТАҚИҚЛАНГАН ХЭЛЛОУИН БАЙРАМИ КУТИЛГАН ВОҚЕАГА АЙЛАНДИ

Журналист Вивиан Нерим «Нью-Йорк Таймс» газетасыда нашр қилинган мақоласыда бундай ёзади: «Бундан бир неча йил аввал «севишгандар куни», «рождество ва Хэллоуин» каби ғайриисломий байрамларни нишонлаш Саудияда тақиқланган эди. У ерда Хэллоуинни нишонлаш ҳибсга олинишни англатарди. Чунки консерватив исломий мамлакатда үнга бегона, бутпарастлар байрами сифатида (ёки кераксиз, нишонлаш гуноҳ бўлган байрам сифатида) қараларди. Ҳатто яқин 2018 йилда полиция Хэллоуин байрами нишонланаётган кечага бостириб кириб, бир нечта кишини ҳибсга олган ва маскарад кийган аёллар қочиб яширинишга мажбур бўлишган эди... Энди эса, ҳафта сўнгидаги дам олиш кунида «Даҳшатли дам олиш куни» сайли бўлиб, уларга ҳукуматнинг ўзи ва мода дўйонлари ҳомийлик қилмоқда. Мода дўйонлари даҳшат костюмлар ва маскаларни тўлиқ бепул тарқатиб тутатди. Бу байрам турли ва ғалати кўринишларга эга бўлиб, кимдир жодугар қиёфасида кийинган бўлса, кимдир боши ва юзига қон рангига бўялган дока ўраб олган. Яна кимдир шайтон шохини ёки қуён қулогини кийиб олган... Риёзнинг айрим қисмлари қочиб келиб, шаҳарни эгаллаб олган махлуқлар масканига ўхшаб қолган. Ёввойи ҳайвонлар, жодугарлар, банк қароқчилари ҳамма жойда кафеларда дам олишмоқда. Ҳатто беҳаё француз ходималар машина ойналарига суюниб олган. Қизил чироқлар сирли кайфиятни ўйғотади, дараҳт бутоқлари ўргимчак тўри билан безатилган, девлар, иблис ва жодугарлар қаторини кўз илғамайди...».

Журналист яна бундай дейди: «Саудия Арабистони ўзгармоқда... Саудияда бундай ўзгаришлар валиаҳд шаҳзода Мұҳаммад ибн Салмон 2015 йилда ҳокимият тепасига келиши билан бошланди. У ҳозир тахт вориси ва бош вазир ҳисобланади. Мұҳаммад ибн Салмон ижтимоий чекловлардан бирин-кетин қутула бошлади... Дубайдаги полиция бошлиғи ўринбосари генерал-лейтенант Зоҳи Халфон «мусулмонларга Хэллоуин байрамини нишонлашларига рухсат бериш»ни танқид қилиб, бу байрам бизнинг арабий ва исломий қадриятларимиз илдизига зарба берувчи маънавий фалокат ҳамда том маънода «одатдан ташқари» шайтоний байрам, деди. Маълумки, «Хэллоуин кечаси» ибораси католик христианлардаги барча муқаддас авлиёлар эсланадиган кундан олдинги кечанинг бузилган талқинидир. Шунинг учун у ҳар йили 31 октябрда нишонланади. Бу байрам моҳиятан будпарастлар байрами. Шунинг учун насронийлик пайдо бўлганидан кейин уни нишонлаш тақиқланган. Бироқ, вақт ўтиши билан ва тарих давомида насронийлар байрамлари диний ва будпарастлар байрамлари билан аралашиб кетган».

**Ал-Ваъй:** Мана сизга Ибн Салмон! Мана сизга унинг барча ишларнинг қилинишига рухсат берәётган отаси қирол Салмон! Буниси эса, Ислом давлати қулаганидан бери давом этиб келаётган қироллик оиласи. Уларнинг ҳаммаси ўша-ўша бўлиб, то шу кунгача ўзгаришмаган. Улардаги ўзгарган нарса – олдин яширинча қилган нарсаларининг ҳозирга келиб ошкор бўлаётганидир. Биз бу нарсаларнинг ошкор бўлишини ёмонлик деб ҳисобламаймиз, балки яхшилиkdir. Ушбу аламли воқелик бизни қўйидагича савол беришга ундейди: Ҳижоз заминидаги эзгулик ва ҳаққа чақиравчи уламолар қани?! Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло ушбу заминнинг ҳар қандай ифлосликдан ва Исломдан бошқа динлардан пок бўлишини истаган бўлса... □